ISSN 2181-9297
DOI 10.26739/2181-9297

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

№2 (2018)

TOSHKENT-2018

DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297
Сўз санъати журнали / Journal of Word Art / Журнал Искусство Слова
№2 (2018) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан 23.03.2018 йилда, 1175-сонли гувоҳнома билан рўйҳатдан ўтказилган.

Бош муҳаррир:
Холбеков Муҳаммаджон - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

Таҳрир ҳайъати:
Назаров Бахтиёр - академик. (Ўзбекистон)
Якуб Умарўғли - д.ф.н., профессор (Туркия)
Алмаз Улви Биннатова - ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)
Боқиева Гуландом - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Миннуллин Ким - д.ф.н., профессор (Татарстон)
Маҳмудов Низомиддин - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Керимов Исмаил - д.ф.н., профессор (Россия)
Жўраев Маматқул - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Куренов Рахиммамед - к.ф.н. (Туркманистон)
Умархўжаев Мухтор - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Мирзаев Ибодулло - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Ашурова Дилором - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Болтабоев Ҳамидулла - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Дўстмуҳаммедов Хуршид - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Лиходзиевский А.С. - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Сиддиқова Ирода - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Ширинова Раҳима - ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)
Раҳимов Ғанишер - ф.ф.д. (Ўзбекистон)
Якубов Жамолиддин - ф.ф.д. (Ўзбекистон)
Шиукашвили Тамар - ф.ф.д. (Грузия)
Эшонқулов Жаббор - ф.ф.д. (Ўзбекистон)
Тўхтасинов Илҳом - ф.ф.н., доцент
(Ўзбекистон) - масъул котиб

Нашрга тайёрловчи Шаҳло Облоқулова

Зарегистрировано свидетельством 1175 от 23.03.2018 г. Агентством печати и информации Республики Узбекистан.

Главный редактор:
Холбеков Мухаммаджон - д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Редакционная коллегия:
Назаров Бахтиёр - академик. (Узбекистан)
Якуб Умар оглы - д.ф.н., профессор (Туркия)
Алмаз Улви Биннатова - д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Бакиева Гуландом - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Миннуллин Ким - д.ф.н., профессор (Татарстан)
Махмудов Низомиддин - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Керимов Исмаил - д.ф.н., профессор (Россия)
Джураев Маматкул - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Куренов Рахыммамед - к.ф.н. (Туркменистан)
Умархаджаев Мухтар - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мирзаев Ибодулло - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Ашурова Дилором - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Балтабаев Хамидулла - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дустмухаммедов Хуршид - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Лиходзиевский А.С. - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Сиддикова Ирода - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Ширинова Рахима - д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Рахимов Ганишер - д.ф.н. (Узбекистан)
Якубов Жамолиддин - д.ф.н. (Узбекистан)
Шиукашвили Тамар - д.ф.н. (Грузия)
Эшонкулов Джаббор - д.ф.н. (Узбекистан)
Тухтасинов Илхом - к.ф.н., доцент (Узбекистан) -
отв. секретарь

Подготовила к изданию Шахло Облокулова

The journal of law research was registered by the certificate 1175 from 22.06.2017. The Press and Information Agency of the Republic of Uzbekistan

Editor-in-Chief:
Kholbekov Muhammadjan - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)

Editorial Board:
Bakhtiyor Nazarov - academician. (Uzbekistan)
Yakub Umarogli - Doc. of philol. scien., prof. (Turkey)
Almaz Ulvi Binnatova - Doc. of philol. scien., prof. (Azerbaijan)
Bakieva Gulandom - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Minnulin Kim - Doc. of philol. scien., prof. (Tatarstan)
Mahmudov Nizomiddin - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Kerimov Ismail - Doc. of philol. scien., prof. (Russia)
Juraev Mamatkul - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Kurenov Rakhimmamed - Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)
Umarkhodjaev Mukhtar - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Mirzaev Ibodulla - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Ashurova Dilyaram - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Boltaboev Hamidulla - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Dustmuhammedov Khurshid - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Lixodzievsky A.S. - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Siddiqova Iroda - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Shirinova Rahima - Doc. of philol. scien., prof. (Uzbekistan)
Rahimov Ganisher - Doc. of philol. scien. (Uzbekistan)
Yakubov Jamoliddin - Doc. of philol. scien. (Uzbekistan)
Shiukashvili Tamar - Doc. of philol. scien. (Georgia)
Eshonkulov Jabbor - Doc. of philol. scien. (Uzbekistan)
Tuhtasinov Ilhom - Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

Collections editor Oblokulova Shakhlo

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6, Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамкорлигида нашрга тайёрланди.

Азиз муштарий!

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан 2018 йил мамлакатимизда "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" деб эълон қилинди. Демак, филология илмида ҳам олимларимиз жаҳондаги илғор технологиялар, назарий фикрлар билан ҳамоҳанг, баҳслаша оладиган илмий тадқиқотлар яратишга киришмоғи зарурат бўлиб қолди. Улар ўз мақола ва тадқиқотларида илгари сурган назарий фикрларини жаҳон филология илмида жорий этишлари учун махсус илмий нашрларга эҳтиёж туғилди. Шу мақсад йўлида республикамизда халқаро аҳамиятга эга илмий-танқидий журнал ташкил қилдик.

"Сўз санъати" (Word Art) деб номланган ушбу журналда тилшунослик, адабиётшунослик, фольклоршунослик, таржимашунослик ва журналистика назарияси бўйича тадқиқотлар олиб бораётган илмий изланувчилар ўз мақолалари билан иштирок этишлари мумкин.

Таҳририят

Уважаемый читатель!

По инициативе Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева 2018 год был объявлен "Годом поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий". В связи с этим, в нашей филологической науке также появилась потребность в научных публикациях и трудах, способных конкурировать в научном мире своими новыми продвинутыми идеями. Для того чтобы продемонстрировать теоретические идеи отечественных учёных в сфере филологии на международном уровне, был создан научно-критический журнал "Сўз санъати" ("Искусство слова"), который будет привлекать внимание мировых учёных.

В журнале "Сўз санъати" могут опубликовать свои научные статьи учёные-языковеды, литературоведы, фольклористы, переводоведы и учёные по теории журналистики, а также научные сотрудники всех вышеперечисленных сфер филологии.

Редакционная коллегия

Dear reader!

Due to the initiative of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. M. Mirziyoyev, 2018 was announced as "The Year of supporting active entrepreneurship, innovative ideas and technologies". Due to this, in our philological science a necessity in competitive in the world science, based on advanced ideas scientific publications and issues appeared. In order to demonstrate theoretical ideas of our scientists in international philological science there was created a scientific-critical journal "Word Art", which will draw world linguists' attention.

The journal "Word Art" accepts scientific articles of scientists and doctoral students in the sphere of Linguistics, Literature Study, Folklore Study, Theory of Translation, Journalistic research.

Editorial staff

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

СТРУКТУР АДАБИЁТШУНОСЛИК: ТАДРИЖ ВА ТАЛҚИН

Холбеков Мухаммад Нуркасимович
Филология фанлари доктори, Самарқанд Давлат чет тиллар институти профессори
mholbekov@mail.ru
http://dx.doi.org/10.26739/prefix
For citation: Xolbekov M.N. Structural literature: evolution and interpretation. International Journal of Word Art. 2018, vol. 2, issue 2, pp. 4-16

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-1

Келиб тушган сана 10 март, 2018
Эълон қилинган сана 5 апрель, 2018.

АННОТАЦИЯ

Ўтган асрнинг 60-70-йиллари Ғарбий Европа адабий жараёнида кечган муросасиз ғоявий курашларда структурализм назарияси алоҳида ўрин эгаллайди. Структурализм назариясининг юзага келиши нафақат адабиётни чуқур ва ҳар тарафлама тадқиқ этувчи структур тамойилларга асосланган таҳлил услублари тарафдорларининг илмий дастурлари билан изоҳланади, балки бу йўналишга мансуб олимлар фаолиятининг илм-фан соҳасида кўтарган шов-шувлари, аниқроғи, олдинги қарашларга барҳам берувчи янги ғоя ва фикрларнинг илгари сурилиши бўлди. Қолаверса, бу йўналишга асос солган олимларнинг структурализмни услуб эмас, методология дея эълон қилганлари қатор фанлар доирасида тадқиқотларнинг авж олишига сабаб бўлди. Масалан, Францияда структурализм ғояларини қарор топтириш, унинг назарий тамойилларини ишлаб чиқиш борасида астойдил ҳаракат қилган адабиётшуносларнинг илмий изланишлари тез орада жаҳон илм аҳлининг назарига тушди. Улар томонидан таклиф қилинган бадиий асарнинг структур таҳлил усуллари ҳамда ушбу тадқиқотларнинг натижалари матбуот саҳифаларида кенг баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Натижада структурализм руҳидаги таҳлил тамойилларини қўллаб-қувватловчи фикр ва қарашлар Франция ижодий интеллигенцияси доирасида илғор илмий ва эстетик позицияни эгаллашнинг асосий омили тарзида қабул қилинди.

"Структур адабиётшунослик" тушунчаси маълум даражада шартлидир. Сабаби, ушбу тушунча, унинг мазмуни ва маъноси нафақат француз ёки инглиз тилида, балки бошқа тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам муқобил атамага эга эмас, ундан фақат таҳлил жараёнида фойдаланилади холос. Ушбу мақоламизда ўтган аср Ғарб филология илмида яловбардорлик қилган структур адабиётшунослик назарияси ҳусусида тўҳталиб ўтишни мақсад қилдик.

Калит сўзлар: Калит сўзлар: структурализм, структур адабиётшунослик, структур тилшунослик, бадиий асар, структур таҳлил.

СТРУКТОРНОЕ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ: ЭВОЛЮЦИЯ И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ

Холбеков Мухуммад Нуркасымович
Доктор филологических наук, профессор Самаркандского государственного института иностранных языков

АННОТАЦИЯ

В 60-70 годы прошлого века теория структурализма имеет особую роль в идейной борьбе литературного процесса Западной Европы. Возникновение структурности комментируется не только научными программами сторонников анализа методики, но и содействие пропаганды новых идей.

Объявление, учеными структурализма не как метод, а методологии привело к росту исследований в рамках многочисленных наук. Например, принятие решений идей структурности во Франции, разработки ее теоретических принципов попали в поле зрения мировой научной среды. Структурные способы анализа, а также результаты этих исследований стали причинами дискуссий на страницах массовой информации. В результате были приняты поддерживающие передовые принципы анализа в духе структурности и взгляды в сфере творческой интеллигенции Франции и основной фактор эстетической позиции. Понятие "Структурное литературоведение" в определенной степени условно. Потому что это понятие, его содержание и смысл не только во французском или английском языках, но и в других языках, например, в узбекском языке не имеет альтернативный термин.

Ключевые слова: структурное литературоведение, структурное языковедение, художественное произведение, структурный анализ.

STRUCTURAL LITERATURE: EVOLUTION AND INTERPRETATION

Kholbekov Muhammad Nurkasimovich
Doctor of Philology, Professor of Samarqand State Institute of Foreign Languages

ANNOTATION

Annotation: In 60-70 years of the last century the theory of structuralism has a special role in the ideological struggle of the literary process in Western Europe. The emergence of structurality is commented not only by the scientific programs of the proponents of the analysis of the methodology, but also by the promotion of new ideas.

The announcement, by scientists of structuralism, not as a method but as a methodology, led to an increase in research within the framework of numerous sciences. For example, the decision-making of structural ideas in France, the development of its theoretical principles, have come to the attention of the world scientific environment. The structural methods of analysis and the results of these studies have become the causes of discussions in the mass media. As a result, supportive, advanced principles of analysis in the spirit of structurality and views in the sphere of the creative intelligentsia of France and the main factor of the aesthetic position. The concept of "structural literary criticism" is to a certain extent conditional. Because this concept, its content and meaning, not only in French or English, but also in other languages, for example, in Uzbek, does not have an alternative term.

Keywords: structural literary criticism, structural linguistics, artistic work, structural analysis.

Адабиётшунослик ва адабий танқидчиликда структурализм ғояси ва концепцияси 1960 йиллар Францияда, яъни Р. Барт, Ц. Тодоров, Ж. Женетт, Ж. Лакан, Ж.Ф. Лиотар, М. Фуко, Ж. Деррида, А. Греймас каби олимларнинг тадқиқотларида кўтариб чиқилди. Структурализм тамойилларига асосланган адабиётшунослик дастлаб француз илмий мактабларида узоқ йиллар қўлланиб келинган тарихий ва биографик адабиётшуносликка қарши реакция сифатида майдонга келди. 1950 йилларда АҚШ ва Англия адабиётшунослигида юзага келган "янги танқид" каби структурализм ҳам, биринчи навбатда, матнга "қайтиш", унга жиддий эътибор қаратишга ҳаракат қилди. Шу билан бирга, матн тузилиши, унинг таркибий қисмларини муайян назария ёхуд методологик услубсиз аниқлашнинг имкони йўқ дегувчи фикрга ҳам таянди. Айни пайтда, "янги танқидчилик"да ҳар қандай адабий асар ўзигагина хос бўлган қоидаларга мос равишда, ҳеч қандай "дастлабки концепция"сиз ўқилиши талаб қилинарди.

Структурализм тарафдорлари эса бадиий дискурс[1] ва талқинда жорий этилган тамойилларга нисбатан таснифий ёндашиш ғоясини кўтариб чиқдилар. Француз адабиётшуноси Ролан Барт ўзининг "Танқид ва ҳақиқат" (Critique et vérité, 1966) рисоласида бадиий асарни муайян контекстга солиб, унга муайян маъно-мазмунга доир нисбат беришга ҳаракат қилган адабий танқид ҳамда маъно-мазмуннинг шартлари, расмона қабул қилинган тузилиш, бадиий матнни ташкил қилувчи концепция ва ушбу матнни талқин қилиш кўламини аниқловчи поэтика, ёки адабиёт ҳақидаги фан ўртасида катта фарқ ўрнатди.

Адабиётни структурализм нуқтаи назаридан ўрганишнинг тўртта жиҳатини алоҳида кўрсатиш мумкин: 1) Р.Якобсон, А.Греймас каби олимлар томонидан адабиётни, аниқроғи бадиий асар матнини тилшунослик нуқтаи назаридан тавсифу таърифлашга бўлган ҳаракат; 2) нарратология ёки матннинг асосий таркибий қисм (структура) ларини, уларнинг жой эгаллаши ва алмашиши, ўзаро уйғун бирикма ҳосил қилиши, "қурама шакл"га кириш қоидаларини тавсифловчи ҳамда бадиий матн негизини ташкил қилувчи турли баён услубларини ўзида сақлаган "ҳикоя қилиш" илмини ривожлантириш; 3) олдинги адабиётга хос бўлган турли концепция ҳамда мумтоз асарлар орқали яратилган турли код (ушбу кодлар сабаб бадиий асар ўзига хос мазмун-маъно касб этади - М.Х.) ларни тадқиқ қилиш; 4) бадиий асар ўз маъно-мазмунига эга бўлишига ўқувчининг муносабати, шунингдек, ўқувчи кутаётган натижага, унинг ижобий ёки салбий тахминларига қарши чиққани, бинобарин, ўқувчи талабини қондирганини тадқиқ қилиш.

Хуллас, структур адабиётшуносликнинг ижобий жиҳати шундаки, структурализм ғоялари адабий танқидчиликда замонавий адабиётга нисбатан ўзига хос реакция сифатида намоён бўларкан, таъсир кўламини, бадиий асар яратиш жараёнида ўз аҳамиятини аниқлашга, шу билан бирга, бадиий асар тилидан амалда фойдаланиш, бадиий образни қуриш амалиётидаги қоида бузилишларни намоён қилишга ҳаракат қилди. Салбий жиҳати эса - структурализм ўзининг асосий диққат-эътиборини таркибий қисмлар ва кодларга қаратганлиги билан "адабиёт - бу дунёга тақлид" дегувчи тушунчани рад этди ва, аксинча, уни тил ва маданий кодлар билан тажриба ўтказишдек кўриб чиқди. Структурализм тамойилларига асослаган ғоя ва қарашлар негизида адабиёт муҳим бир жиҳати учун қадрланадики, унга кўра биз дунёни англашга ва муайян тартибга солишга ёрдам берувчи таркибий қисм (структура) лар, асосий ташкилий материал ва жараёнлар айнан адабиётда жиддий синовдан ўтказилади. Аниқроқ қилиб айтганда, дунё, объектив воқелик айнан адабиётда ўз аксини топади, демак бизнинг ижтимоий дунёимиз муайян концепция замирида ривожланиши муқаррардир.

Тарихга назар ташлайлик. Собиқ иттифоқ даврида адабиётшунослик соҳасида структурализм, бошқача қилиб айтганда, структур адабиётшунослик ўтган асрнинг 20-йилларида шакллана бошлади. Унда икки оқим бир-бирига қарама-қарши чиқди. Масалан, формализм оқими яъни назарияни амалиётдан, шаклни мазмундан ажратишга интилувчи идеалистик йўналиш тарафдорлари бадиий матнни нарса (артефакт) га тенглаштириб, дастлабки назарий атама сифатида "материал" ва "усул" тушунчаларини илгари сурган бўлсалар,

1. **дискурс -** (лотин. discursus - фикр-мулоҳаза) - "сезгига, ҳис-туйғуга асосланган, бевосита, тўғридан-тўғри, интуицияга асосланган, ички ҳис орқали" каби тушунчалардан фарқли ўлароқ, "ақл-идрокка (фаҳм-фаросат ёки эс-ҳушга) оид, ҳис-туйғуга эмас, балки мулоҳазага асосланган, мулоҳаза билан қилинадиган, кўнгилга эмас, ақлга қараб қилинадиган"; "билвосита ифодаланган"; "мантиқий"; "намойишкорона; кўрсатмали; аёний, чалғитувчи, алайно-ошкор" тушунчаларни англатади.

(Discourse - (Latin. Discourse - thoughts) unlike concepts such as "perception, emotionally-based, direct, intuitive" "discourse" (discourse or consciousness)) is based on reason, not soul, but thoughtful, and not mindful." "Indirectly"; "Logical"; "Demonstrators; indication; cunning, misleading, all-embracing "concepts.).

адабиётшунослик соҳасида структурализм тамойилларини жорий қилишга интилган олимлар матн (текст) ва унинг тузилиши (структура) ни бир-биридан фарқлашга ҳаракат қилдилар. Уларнинг фикрича, айнан матнда сюжетнинг намоён бўлиши, сюжет негизини ташкил қилувчи қисмлар ўртасидаги муносабатларнинг матн орқали ифодаланиши "ўзгармас қолип"га ўхшайди. "Структур адабиётшунослик" атамасини Ю.Н. Тинянов (1894-1943) илк бор истеъмолга киритаркан, соф технология ўрнига функционал нуқтаи назардан, яъни бадиий яхлитликка боғлиқ ҳолда бадиий асарнинг (хоҳ у шеърий, хоҳ прозаик бўлсин - М.Х.) "конструктив элемент"ларини тадқиқ қилишни тақозо этувчи дастурни тақдим этган эди.[1]

Структур адабиётшуносликка оид ғоя ва қарашларнинг кейинги ривожи Прага лигвистик мактаби вакиллари фаолияти билан боғлиқ. Улар бадиий ижодни ўзига хос коммуникатив жараён сифатида кўриб чиқарканлар, "бадиий белги" муаммосини кўндаланг қўйишади. Бу ерда матнга нисбатан функционал ёндашиш ғояси кўлам жиҳатидан анча кенгроқ бўлган семиотик ёндашиш ғоясига мос келади. Таъкидлаш жоизки, семиотика кейинчалик структур адабиётшуносликка сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Бу борада матнни структуравий таҳлилдан ўтказиш жараёни, шунингдек, адабий асарни ташкил қилишда "қатнашувчи" таркибий қисмларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашга имкон берувчи "бинар оппозиция" (икки нарсани қарама-қарши қўйиш) назарияси муҳим аҳамият касб этди.

1960-йиллардан бошлаб Собиқ иттифоқ илм-фанида структурализм, бошқа мамлакатлардаги каби, структур тилшунослик, математик мантиқ, информация назарияси сингари тушунча ва услубларга сезиларли даражада таъсир кўрсата бошлади. Адабиётшунослик соҳасида бадиий таҳлилнинг асосий вазифаларидан бири деб адабий асарнинг структуравий сатҳларини аниқлашга қаратилди. Аниқроқ қилиб айтганда, матн иерархик кўринишда, яъни қуйи элемантларнинг юқори элементларга босқичма-босқич бўйсуниши, бир-бирини тақозо этиши, шу тариқа яхлит ҳолда намоён бўлишига эътибор берилди. Бундай системада юқори босқичдаги бирликлар қуйи турувчи бирликлардан ҳосил бўлади. Кейинчалик ҳар бир босқичда оддий элементлар аниқланади, алоҳида ажратилади ва уларнинг бирга қўшила (боғлана, қўллана) олиши ҳамда бирлик ҳосил қилиш (синтагматика) ва синфларга бирлашиши (парадигматика) қоидалари имкон қадар қатъий руйхатга олинади. Шу тариқа адабий асар (объект) да барча коммуникация шакллари учун умумий бўлган белгилар намоён бўлади. Айни пайтда биринчи қатор системалардан фарқли ўлароқ (уларга табиий тил мансубдир - М.Х.), бадиий асарнинг мазмуни (асарнинг ичида сақланган информация - М.Х.) "иккиламчи модел система" сифатида намоён бўлади. Кўринишидан қатъий назар, хоҳ у илмий, хоҳ публицистик, хоҳ расмий, хоҳ бадиий бўлсин, матнни объектлаштириш (мужассамлантириш, гавдалантириш, ифодалаш)га бўлган ҳаракат тадқиқотчиларнинг асосий кучини муайян тизим (структура) ни ташкил этувчи таркибий қисм (элемент) ларни матн ичида маҳкам боғлаб турган алоқа (синтактика) ларни аниқлашга йўналтиради. Шундай қилиб, структур адабиётшунослик тамойиллари асосан алоҳида олинган матн (одатга кўра, шеърий) лар таҳлилига, бадиий тилнинг сатҳларини кўриб чиқишга, таржима назарияси ва амалиётига қаратилди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, оғзаки ижод семантикасига (синтактика билан таққослаганда), аниқ методларнинг, биринчи навбатда, структуранинг матндан ташқаридаги воқелик билан муносабати (матн - маданият)ни аниқлашда, жорий этилиши қийин кечади. Бу йўналишда изланишлар энди бошланмоқда. Бу ўринда структур адабиётшуносликнинг асосий мақсади - ўзига хос "дунё модели"ни тадқиқ қилишдир. Мазкур "дунё модели" адабий асар ёхуд асарлар туркумида яратилган экан, бинобарин, алоҳида олинган муаллиф ижодида, муайян жанрга оид

тизим ёки бадиий йўналишда мужассамланади.

Бадиий матнга структуравий ёндашишнинг учинчи жиҳати - прагматика, яъни структура ва муаллиф, структура ва бадиий асар ўқувчиси ўртасидаги узвий алоқадорлик муаммоси бўлиб, бугунги кунда ҳам бу масала етарлича ёритилмаган.

Дарҳақиқат, XX аср лингвистика фанининг "отаси" дея эътироф қилинган швейцариялик тилшунос Фердинад де Соссюрнинг "Умумий тилшунослик курси" (Cours de linguistique g?n?rale, 1916) номли асари таъсирида Р.Барт, А.Греймас, Ц.Тодоров каби олимларнинг изланишлари туфайли структурализм тамойиллари адабиётшунослик соҳасида ҳам кенг ёйилиб, равнақ топди. АҚШда ушбу йўналишнинг юксалиши дескриптив тилшунослик мактаби вакиллари ҳамда Ч.С. Пирс ва Ч.У. Моррисларнинг семиотикага оид ғоя ва қарашлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Структур адабиётшунослик тамойилларининг кенг майдон бўйлаб ривожланишида бир-бири билан рақобат олиб борган тенденциялар ўртасида чегара ўрнатишнинг ҳозирча имкони йўқ. Лекин бугунги кунда структуравий методнинг хилма-хиллиги яққол кўзга ташланмоқда. Бу метод турлича талқин қилинмоқда. Улар орасида психоанализ (Ж. Лакан) ва социология (Л. Голдманн) ғояларига асослаган талқинлар эндиликда етакчи ўринга кўтарилди.

Кенг маънода - адабий ҳодиса, тор маънода - адабий асарни фақат тилга оид структурага олиб бориб тақашга бўлган ҳаракатлар билан бир қаторда, структурализм XX аср охирида семиотик (ёхуд семиологик) ёндашувга қарама-қарши қўйилди. Аниқроқ қилиб айтганда, милоддан аввал, милоддан кейин мавжуд бўлган мафкуралар тарихини тадқиқ қилишда семиотик таҳлилдан (Ю. Кристева) кенг фойдаланила бошланди.

Адабиётшунослик илмига структурализм тамойилларининг кириб келиши масаласи бугунги кунда ҳам долзарблигича қолмоқда. Бу масала атрофида қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтмоқда. Танқидий фикрлар, асосан, "формал услуб"ларга қайтиш, аксарият ҳолларда матнларнинг ўзига хос жиҳатларини аниқлаш ўрнига бадиий асар элементлари орасидаги мавҳум алоқаларга эътибор қаратиш, асарнинг қадр-қимматини тарихий-маданий жиҳатдан баҳолашда асосий мезонларнинг йўқлиги масаласи атрофида баҳс олиб борилмоқда. Ушбу танқидий фикрларга жавобан структурализм тарафдорлари матннинг мазмун-маъносини аниқлашда семиотик таҳлил воситаларининг мавжудлиги, бадиий асарни чуқур ва кенг кўламда ўрганиш муаммосини ҳал этишда структуравий таҳлил самараси, умуман олганда, структур адабиётшунослик адабиётдаги классик метод ва методологияни инкор этмасдан, балки уни тўлдиради деган фикрни илгари сурмоқдалар.

Шу билан бирга, илмий тавсиф ва таърифлашнинг статик (синхрон) моделларининг тарихий (диахрон) моделлардан устунлиги структур адабиётшуносликнинг заиф томони бўлиб қолмоқда. Фольклор, медиевистика, синтактика каби турғун, кам ўзгарувчан бадиий системаларни ўрганишда ўзининг самарадорлигини оқлаган синхрон ёндашув семантика ва прагматика, айниқса уларнинг ҳозирги адабиётга тегишли жиҳатларини тадқиқ этишда етарли эмаслигини кўрсатди. Бугунги кунда структур адабиётшунослик ўзининг тадқиқот доирасига диахрон муаммони кўшганлигига қарамасдан, узлуксиз кечаётган тарихий-адабий жараён кўп ҳолларда "узуқ-юлуқ парчалар кетма-кетлигида" намоён бўлмоқда. Модомики, бадиий системаларнинг статик ҳолати уларнинг тадрижий ривожланиш суръатини кўрсатган бўлса, бадиий системаларнинг махсус диахрон концепцияларини яратиш ҳозирги адабиётшунослик талабларига тўлиқ жавоб беради деб айтиш мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, тилшунослик ва адабиётшуносликда структурализм тамойиллари Ф. де Соссюрнинг "Умумий тилшунослик курси"да ўз ифодасини топган концепцияларга асосланади. Бироқ

структурализмнинг умумий тамойилларини ишлаб чиқиш биринчи навбатда Р.О. Якобсоннинг тилшунослик, адабиётшунослик, хусусан семиотика муаммоларига бағишланган илмий ишлари билан боғлиқдир.

АҚШда яшаган йирик рус тилшуноси Р.О. Якобсон (Roman Jakobson, 1896-1982) ўзининг новаторлик руҳидаги ғоялари ҳамда ташкилотчилик фаолияти билан гуманитар фанлар тараққиётига катта ҳисса қўшди. Олим қаламига мансуб рус тили грамматикаси, рус адабиёти, поэтика, психолингвистика, семиотика, тилнинг умумий назарияси каби йўналишларга бағишланган тадқиқотлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмай, филологик тадқиқотларнинг методологик асосини ташкил этиб келмоқда.

Ф. де Соссюр ўз маърузаларида тилни XIX аср тарихий тилшунослигига қарама-қарши қўяркан, уни "илмий" нуқтаи назардан тадқиқ қилишни уқтиради. Дарвоқе, XIX аср тарихий тилшунослигининг тадқиқот доирасига тилга оид муаммолар киритилган экан, янги концепция тилшуносликка тегишли хилма-хил ҳодисаларни "муносабатлар системаси"га жамлаб, у ерда тилнинг таркибий қисмлари, уларнинг маъноси, мазмун-моҳияти ўзаро таъсир, ўзаро алоқадорлик жиҳати асосида аниқланади.

Бундан келиб чиқадики, структур тилшунослик нутқ жараёнини эмас, балки ўзига хос система, "структуравий яхлитлик"ни ўрганади. Р.О. Якобсон ишларида тилга оид элементлар фақат улар бажараётган функция жиҳатидан ўрганилиши мумкин дегувчи ғоя ўз аксини топди.

Формализм мактаби (айниқса Р. Якобсон, В.Шкловский, Б. Эйхенбаум) дастурларини, структур тилшунослик тамойиларини ҳамда Прага лингвистик мактаби вакиллари илгари сурган ғояларни бадиий матн таҳлилига татбиқ этиб, структурализм тарафдорлари адабиётни яратиш ва идроқ этишнинг универсал тамойил ва қонунларини топишга, таъбир жоиз бўлса, "адабиёт морфологияси"ни илмий жиҳатдан тасаввур қилишга, қолаверса, батафсил таърифлаб беришга ҳаракат қилдилар десак муболаға бўлмайди. Шу билан бирга, бирмунча вақт мобайнида бадиий матнларни тадқиқ қилиш методологиясига аслида тилшуносликка оид, хусусан, Прага лингвистик мактаби вакиллари кўтариб чиққан оппозиция назарияси, Якобсоннинг морфологик оппозициялар назарияси, Матезиуснинг актуал бўлиниш назарияси, Чомскийнинг генератив тилшунослик назарияси, тил ва услуб функциялари ҳақидаги таълимот, шифрланган ёки номаълум ҳарфлар билан ёзилган матнни ўқиш, дистрибутив метод, трансформацион метод, семантик таҳлил каби тамойиллар киритилган эди.

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида структурализм Францияда етакчи илмий йўналишга айланди дейилганда, энг аввало шуни назарда тутиш керакки, айнан шу даврда табиий ва аниқ фанлар соҳасида атомнинг парчаланиши, элементар зарралар назарияси, кибернетика, структуравий таҳлил каби қатор муҳим кашфиётлар илм-фан хусусидаги тасаввурларимизни тубдан ўзгартирди. Структура тушунчаси умумилмий аҳамият касб эта бошлади.

Дарҳақиқат, структурализмнинг гуманитар фанлар соҳасига кириб келишига француз этнографи ва маданиятшуноси Клод Леви-Стросс (Claude L?vi-Strauss, 1908-2009)нинг ҳиссаси беқиёс. У маданиятлар мифология, тилларнинг қардошлик системаси каби ҳодисларни ўрганишда Ф. де Соссюрнинг лингвистик моделини татбиқ этиб, катта натижаларга эришди. Леви-Стросс олиб борган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатдики, билимнинг турли соҳаларида лингвистик назариядан фойдаланиш ўз самарасини албатта беражагини ёркин мисоллар асосида намоён эта олди. Леви-Стросс қўлга киритган ютуқлари билан структурализмнинг асосий ғоясига эътибор қаратиб: "белгилар системас, қайси маданиятга тегишли бўлганлигидан қатъий назар, ягона тамойилларга бўйсунади", деган тезисни илгари сурди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, структурализм филология илмида мустақил

йўналиш сифатида ўтган асрнинг 70-йилларида ўз тараққиётининг чўққисига кўтарилди, илм-фаннинг кўпгина соҳаларига ўз таъсирини ўтқазди. Бироқ структурализм руҳидаги методология (ўзининг асосий тамойиллари жиҳатидан - М.Х.) Ғарбий Европа, Россия ва қисман АҚШда кенг татбиқ этилди, холос. Р. Барт, К. Леви-Стросс, А. Греймас, Ж. Женетт, Р. Якобсон, Н.С. Трубецкой, Ц. Тодоров, Ю. Кристева, Ю. Лотман каби файласуф, адабиётшунос, тилшунос ва антрополог олимлар структурализмнинг ёрқин намояндаларига айландилар. Структурализмнинг фанлараро эгаллаган мавқеи, ҳаётнинг турли соҳаларида изланишлар олиб борган олимларнинг қизиқиш доирасига структурализмга оид ғоя ва тамойилларнинг жорий этилиши структур тадқиқотлар учун умумий ҳисобланмиш ягона лингвистик (семиотика) методология мавжудлиги билан изоҳланди.

Принципиал жиҳатдан муҳими шундаки, структурализм мустақил йўналиш сифатида тилшунослик назарияси ва семиотика асосида ривожланди. Адабиётшуносликка тегишли жиҳатдан эса - структурализм даставвал бадиий матнни иккиламчи йўсиндаги система (курсив - М.Х.) сифатида кўриб чиқди, шунга мос равишда, адабиёт тил, яъни бирламчи йўсиндаги система (курсив - М.Х.) дан фойдаланади. Шундай экан, бадиий матнни структур адабиётшунослик жиҳатидан кенг ва чуқур тадқиқотга бўйсунувчи модел тарзида тақдим этиш мумкин.

Дарҳақиқат, яширин кодларни аниқлаб, адабиёт расм-русумлари исканжасидан қутулиб чиққан интеллектуал ўқувчи қай тарзда матнни англашини атрофлича тушунтириб бериш структурализм тамойилларига асосланиб изланишлар олиб борган мутахассисларнинг бирдан-бир мақсадига айланди. Шу тариқа, структурализм ғоя ва тамойилларига асосланиш - бу таомилга кўра биз онгсиз равишда қилаётган ҳаракатимиз устидан онгли равишда теран фикр-мулоҳаза юритиш тарзидир.

Структур адабиётшуносликнинг асосий мақсади - лингвистика фани негизи ҳисобланмиш семиотика назариясига асосланиб, матн шакли, қолаверса мазмун-моҳиятини бошқарган грамматика, яъни қатъий қоида ва яширин кодлар системасини икки хил тушунишга йўл қўймовчи тарзда ифодалаш, ёрқин мисоллар асосида тушунарли қилиб изоҳлаб беришдан иборатдир. Структурализм назариётчиси Ж. Каллер (Jonathan Culler, 1944 туғ.) "тил тилшунослик негизини қандай ташкил қилган бўлса, худди шундай адабиёт негизини ташкил этувчи поэтикани қуриб чиқиш - асосий вазифамиздир"[2], деган бўлса, унга ҳамоҳанг тарзда Ц. Тодоров: "... ҳар бир конкрет матн бадиийлик сифатини, адабий тил меъёрларига мослигини таърифлаб беришга имкон яратувчи мисолга айланади"[3], деган фикрни олдинга суради.

Бу борада "код" структур адабиётшуносликнинг муҳим атамасига айланганлигига эътибор қаратишимиз лозим. Код - бу муайян белгилар системасида коммуникацияни таъминлаб берувчи қоидалар мажмуидир. Бундан структуравий таҳлилнинг асосий тамойили келиб чиқади. Масалан, "нодир" бадиий образлар (ҳозирча ғайришуурий, англанмаган адабий тил), чуқур ва кенг кўламдаги структуравий таҳлилдан ўтказиларкан, структурализм руҳидаги "илмий код" тилига ўгирилади.

Юқорида келтирилган фикр ва мулоҳазаларга таянган ҳолда структурализм тамойилларига асосланган методологияни тилни синхроник тарзда "моделлаштирувчи" дейиш ҳам мумкин.

Эндиликда структурализмнинг дастуруламали ҳисобланган, муҳим аҳамият касб этувчи тамойиллар хусусида фикр юритадиган бўлсак, уларни қуйидагича тақдим этиш мумкин: 1) инсон дунёни тил орқали идрок қилади, яъни дунё унинг онги ва тафаккурида тил тарафидан муайян структурага солинади; 2) инсон онги аввал бошдан структурага солинган, яъни инсон онги тил воситасида вужудга келади; 3) "дунё ҳар доим аллақачон ёзилиб бўлган шаклда кўз ўнгимизда намоён бўлади" (Р. Барт).

Бу тамойилларга батафсил тўхтайлик.

Биринчидан, структурализм ва семиотик таҳлил негизида ётган муҳим тамойил шундаки, тилсиз англаниши мумкин бўлган "реаллик" мавжуд эмас. Шубҳасиз, мавҳум тушунчалар ҳам, конкрет нарсалар ҳам ҳиссий ва моддий жиҳатдан англаниши мумкин. Бироқ улар, биринчи навбатда, тил орқали ифода этилганидагина ўз маъно ва мазмунига эга бўлади. Мазкур фикр тилни анъанавий тарзда тушунилишини ўзгартириб юборади, ваҳоланки, тил - бу "реаллик"ни акс эттиришнинг "шаффоф ойна"дек воситасидир. Структурализм нуқтаи назаридан олиб қараганда, аксинча, тил "хира ойна" каби тушунарсиз, ноаниқдир. Биз соддаларча "тилни назорат қилаяпмиз" деб ўйлашимиз мумкин, аслида эса, тил бизни назорат қилади. Шундай экан, "структура" тушунчаси бадиий матнда асосий ўрин эгаллайди. Бу жиҳатдан структуранинг ҳам функционал, ҳам ғайришуурий хусусияти муҳим аҳамиятга эга.

Ғайришуурий (англанмайдиган) структура - бу ўзига хос "шакл тузувчи" механизм, у инсоннинг ижтимоий (нутқ, феъл-атвор, хатти-ҳаракат, қариндошлик муносабатлари, урф-одат ва расм-русум), иқтисодий, маънавий-ахлоқий, ижодий ва ҳоказо фаолиятларининг ҳосиласини вужудга келтиради. Хуллас, бу ҳар қандай мазмун-моҳиятни тартибга солувчи мезонлардан "тўқилган" мато. Шу тариқа, тилга оид структуралар - тафаккур структуралари, қолаверса, инсон онгидаги дунёни тузиш тамойилларига айнан ўхшатилади.

Юқорида айтиб ўтилган бинар оппозиция (икки элемент қарама-қаршилиги) лар хусусида фикр юритганимизда таъкидлаш лозимки, бу структурализм учун фундаментал аҳамиятга эга бўлган тушунчадир. Бинар оппозициялар дейилганда, аввало, объектив воқеликдаги ҳодисаларни ғайришуурий равишда муайян структурага солишни тушуниш лозим. Улар ҳақида илк бор рус тилшуноси Н.С. Трубецкойнинг фонология масалаларига бағишланган тадқиқотларида сўз юритилади. Фонологик оппозиция ҳодисаси Н.С. Трубецкой тадқиқотларида атрофлича кўриб чиқилиб, амалда ўзининг асослигини намойиш қилаолди. Бу тамойил кейинчалик гуманитар фанларнинг деярли барча соҳаларига ёйилиб кетди десак янглишмаган бўламиз. Масалан, К. Леви-Стросс ибтидоий жамиятлар томонидан ҳаёт - ўлим; меҳнат - уруш; хом овқат - пишган овқат; оқ - қора; хўл - қуруқ каби онгсиз равишда ўзлаштириб олинган бинар оппозицияларни шу аснода аниқлайди. Р. Барт ўзининг "Мифология" (Mythologies, 1957) рисоласида кундалик ҳаётимизда кўп учрайдиган кўпириб ювувчи воситалар рекламаси таъсири, самарадорлиги хусусида сўз юритаркан, унингча, рекламада чуқурлик - юза қисм; кукун - гель оппозицияси келтирилиши харидор онгида "бундай "ажойиб восита" албатта кир ёки доғ тушган жойнинг ич-ичига кириб, тоза қилиб ювиб ташлайди" дегувчи тушунчани ҳосил қилиши муқаррар. Барт мантиғига қараганда, харидор онгсиз, ўзи билмаган тарзда "чуқурлик"ни "танлаб" олади.[4] Шунингдек, Р.О. Якобсон ва Ю.М. Лотман ишларида ҳам бинар оппозициялардан фойдаланишнинг ёрқин мисолларини учратишимиз мумкин. Бошқача қилиб айтганда, адабиётшуноснинг: "Наҳотки муаллиф бундай мураккаб йўл тутган бўлса?" деган саволига, тилшунос иккиланмасдан: "Ҳа" деган жавобни беради. Ва охирида: "Албатта англамаган ҳолда. Муаллиф ўрнига тил "гапиради", деб қўшиб қўяди. Иккови ҳам структурализм тарафдорлари эканлигини унутмайлик.

Иккинчидан, ҳар қандай тарихий-маданий ҳодисани муайян белгилар системаси воситасида англаш мумкин. Белгилар системаси эса - тил.

Адабиёт ҳам, коммуникациянинг бошқа кўринишлари каби, - белгилар системасидир. Маъно ва мазмун, ўз ўрнида, реляция (таркибий қисмларнинг ўзаро ҳаракати), яъни мазкур системанинг белгилари ўртасидаги муносабат натижасидек намоён бўлади. Тадқиқот методининг тўлиқлигича структуравий таҳлилга асосланганлиги ўрганилаётган объектдаги маъно ва мазмун таркибий қисмларининг жойлашувига боғлик эканлигини англатади. Бу ерда Р. Якобсон,

Р. Барт, М. Серр каби олимлар илгари сурган "модел - намуна - тақдимот" тамойилига эътибор қаратиш лозим. Масалан, Р. Якобсон: "... асосий вазифа системанинг ички қонуниятларини аниқлашда ётибди"[5], деб таъкидлайди.

Ролан Барт фикрича, "...адабиётшунослик бадиий асарда айнан қайси маънони ахтаришни кўрсатишга мўлжалланган дегувчи фикр билан хайрлашиш лозим: у бадиий асарга ҳеч қандай маъно "бағишламайди", унда маъно аниқлашгача бормайди ҳам. Аксинча, у ҳар қандай маъноларни вужудга келтириш мантиғини таърифлайди. Ўз ўрнида, таърифланган мантиқ, худди французча ибора ва сўзлар французларнинг тилига қандай мувофиқ келса, инсоннинг рамзий мантиғига ҳам худди шундай тўғри келади".[6]

Француз файласуфи ва ёзувчиси М. Серр (Michel Serres, 1930-2004) структурализм хусусида ўз фикрини билдираркан, жумладан шундай ёзади: "Муайян тарихий-маданий мазмунга нисбатан, хоҳ у шахс, хоҳ нарса бўлсин, ўтказилаётган таҳлил ушбу мазмунни намуна сифатида юзага чиқарса, демак, у структуравий таҳлил бўлади".[7]

Ва, ниҳоят, учинчидан, структур адабиётшуносликнинг яна бир муҳим жиҳати - матн концециясидир. Анъанага кўра, асар деб номланувчи ҳодиса тасвирланадиган реаллик (мимесис) ва муаллифнинг яширин ва ошкора интенция (ижодий концепция, ижодий индивидуаллик, психологизм ва ҳоказо) лари билан ўзаро муносабатда бўлади. Интенция (лот. intentio - "интилиш", "ният") - инсон онги, тафаккурининг муайян предметга қаратилганлигини англатаркан, аслида унинг замирида хоҳиш, олдиндан ўйлаб қўйилган режа ётади.

Структурализм тарафдорларининг тасаввурида, "асар" атамаси МАТНга, аниқроқ қилиб айтганда, адабий шарт ва кодларга мувофиқ муайян структуранинг таркибий эелементлар ўртасидаги алоқаларга асосланган ёзув усулига алмаштирилади. Ушбу элементлар тасвирланаётган нарса ёки ҳодисанинг ҳаққоний чиқишига даъво қилмасдан, фақат реаллик иллюзияси (яъни, воқеликни нотўғри идрок қилишдан ҳосил бўлган тушунча, тасаввур) ни яратади. Бундан имманентлик (бирор предмет, ҳодиса ёки жараённинг ички хусусиятига хос бўлган, унинг табиатидан келиб чиқадиган қонуният) ва функционаллик (муайян муносабатлар системасида объект хусусиятларининг ташқи намоён бўлиши, бажараётган вазифаси) тамойиллари келиб чиқади. Тушунча, тасаввур, идрокимиз тадқиқот объекти (бадиий асар - М.Х.) хусусиятларини нотўғри талқин қилмайди, бузиб кўрсатмайди, балки матнга хос бўлган категория, унинг ички тузилиши билан айнан тўғри келади, унга мос тушади. Муҳими шундаки, матн таҳлили унинг генезиси (келиб чиқиши) ва унинг рецепция (лот. receptio - тор маънода: қабул қилиш, тушуниш; кенг маънода - идрок қилиш) сини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади.

Ролан Барт фикрича, "Имманент, дохилий тадқиқотнинг мақсади - муайян объектда тузилиш, алоқа ва ўзаро муносабат структурасини қай тарзда ташкил топишини ўрганишдан иборатдир. Бунинг натижасида асар бир бутун яхлит ҳолда, ўзига хос система, тузилма сифатида намоён бўлади".[8] Шу тариқа, илмий метод воситасида асарнинг яхлитлиги ва ўзига хос система сифатида намоён бўлишини аниқлаш пировардида унинг нисбатан тўғри эканлигини намоён қилади.

Структурализм тарафдорлари матнни ўзига хос "ёпик система" сифатида кўриб чиқарканлар, унда асосий ўринни ташқи дунёни акс эттириш эмас, балки структура, яъни таркибий қисмларнинг ўзаро ҳаракати, мазкур системанинг белгилари ўртасидаги муносабатлар, уларнинг бир-бирини тақозо этишлари эгаллайди. Шундай экан, тадқиқотчилар асосли равишда барча тилшунос ва адабиётшунослар қўллаган "ичида / ташқарида"; "бор бўлмоқ / йўқ бўлмоқ"; "ижобий қаҳрамон / салбий қаҳрамон"; "эркакларга хос / аёлларга хос"; "устки қисм / пастки қисм"; "мутассил / муваққат"; "оқ / қора"; "ёруғлик /

қоронғилик" каби "бинар оппозиция", ёки бошқача қилиб айтганда, қарама-қарши жуфтликларга мурожаат қилишади.

Бу ерда структурализмнинг пойдеворини ташкил қилувчи "Муаллиф ўлими" концепцияси хусусида тўхталиб ўтиш жоиздир. Аслида, "Муаллиф ўлими" (La mort de l'auteur) Р. Бартнинг 1967 йилда нашр қилинган эссесининг номидир.[9] Унда муаллиф анъанавий танқидчиликка қарши фикр билдиради. Аниқроқ қилиб айтганда, анъанавий танқидчиликда муаллифнинг ижодий нияти ва биографияси матн талқинига қўшилишини танқид остига олиб, Барт ёзилган нарса ва ёзувчи ўртасида ҳеч қандай алоқа мавжуд эмас, уларнинг ўртасида муносабат йўқ, деган фикрни илгари суради. 1968 йил "Manteia" журналининг 5-сонида қайта эълон қилинган ушбу эссе адабиётшунослик ва танқидчиликда катта шов-шув кўтарилишига сабаб бўлди.[10] Р. Барт ушбу эссесида таниқли адабиётшунослар, бадиий асарни таҳлил қилишда асосий диққат-эътиборни муаллиф шахсиятига қаратишган Гюстав Лансон (Gustave Lansone, 1857-1934) ва Шарл Огюстен де Сен-Бёв (Charles Augustin de Sainte-Beuve, 1804-1869) ларнинг назарий қарашларига қарши чиқиб, улар билан баҳсга киришади.

Ролан Барт, бадиий асарнинг мазмун-моҳиятини очиб беришда муаллифнинг сиёсий қарашлари, диний эътиқоди, этник мансублиги, психологияси, таржимаи ҳоли ва шахсий хислатлари каби жиҳатларга таянган танқидий методни қораларкан, асосий эътиборни матнни "тушунтириб бериш"да муаллифнинг тажрибаси ва қизиқишлари ҳал этувчи аҳамиятга эга эканлигини ёқлаб чиқади. Барт фикрича, ушбу метод аниқ ва қўлай, бироқ амалда ишончсиз ва талай камчиликларга эга: "Матнни муаллиф ёзди" деб уни шунга мос равишда талқин қилиш "матнга чеклов қўйиш" демакдир. Матнни тўғри талқин қилиш мақсадида ўқувчилар бадиий асарни муаллифга эътибор бермаган ҳолда ўқиб чиқишлари лозим".[11]

Шубҳасиз, ҳар бир матн бир нечта қатлам ва маънолардан иборат. "Матн - шахсий тажрибадан эмас, балки беҳад кўп маданиятлардан олинган сўзлардан тўқилган мато", деб Барт матн ва мато ўртасида ўхшашлик жиҳатларни аниқлайди.[12] Матннинг асосий маъно-мазмуни ёзувчининг "иштиёқ"и ёки "таъб"ига эмас, ўқувчилар таассуротига боғлиқдир.

Асосий ижодий таъсир ўтказмайдиган муаллиф, Барт талқинида, шунчаки ёзувчи (инг л. scriptor) дир. Аниқроқ қилиб айтганда, "муаллиф" (инг л. author) ва "муаллифлик" (authority) атамалари ўртасида анъанавий изчилликни йўқотиш учун Барт scriptor сўзидан фойдаланади. Унинг фикрича, "ёзувчининг вазифаси ишни "изоҳлаш"да эмас, "бажариш"дан иборат. Ёзувчи матн билан бир вақтда "туғилади"; у ёзиш чоғида ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч нарсага эгалик қилмайди; айни замонда, предикат (инг л. predicate - кесим) сифатида субъект (инг л. subject - эга) ҳам эмасдир. Ҳар бир китоб "шу ерда ва ҳозир ёзилган", ҳар бир янги ўқилишда янгитдан яратилади, чунки маъно манбаи фақат тилнинг ўзида ва ўқувчининг таассуротида ётибди".[13]

Барт, ўз фикрини давом эттираркан, адабиётга нисбатан анъанавий танқидий ёндашув мураккаб бир муаммони кўтарганлигини таъкидлайди: ёзувчи матнга бағишлаган, унга сингдирган маънони биз англай олармиканмиз? Барт йўқ деб ҳисоблайди. Ёзиш, қайд қилиш, "ҳар қандай товушнинг парчаланиб кетиши" ягона талқин қилиш ёки, ҳеч бўлмаганда, тахмин қилишга йўл қўймайди. (Эътиборга молик жиҳати шундаки, ушбу муаммо доимо Бартнинг диққат марказида бўлган; бу муаммога у бошқа тадқиқотларида, масалан, "S/Z" китобида яна қайтади ва батафсил кўриб чиқади -М.Х.)

Бу муаммо XIX аср охири - XX аср бошида адабиётшунос ва мунаққидлар ишларида у ёки бу даражада ўрганилганлигини тан олиб, Барт ўз эссесида француз шоири, символизм шеърияти дарғаси Стефан Малларме (St?phane Mallarm?, 1842-1898) нинг: "... тилнинг ўзи гапиради" деган машҳур иборасини келтиради. Барт, шунингдек, XX

асрнинг машҳур ёзувчиларидан бири, "Йўқотилган вақтни ахтариб" номли романлар туркуми муаллифи, француз адиби Марсел Пруст (Marcel Proust; 1871-1922) ижоди ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Унинг назарида, "Пруст доимо ёзувчи ва у яратган рамзий маънолар ўртасидаги алоқанинг муқаррар равишда "емирилиши" масаласида ташвишланарди". [14]

Хуллас, "муаллиф" ва "муаллифлик" атамалари ўртасидаги тафовутни аниқлаш - "Муаллиф ўлими" эссесининг асосий ғоясини ташкил қилганди. Барт бу ғояни илгари суриб: "Матннинг ягона маъносини кашф этиш ўрнига ўқувчилар ёзилган нарсани "кўп ўлчовли макон"дек қабул қилади, уни "ўқиб" бўлмайди, у фақат "ойдинлаштирилиши" мумкин холос", дегувчи хулосага келади

Демак, структурализм нуқтаи назаридан олиб қараганда, асар муаллифи, хоҳ у насрнавис, хоҳ шоир бўлсин, ўзининг ижодий дастури, ижодий индивидуаллиги, психологияси, қолаверса дунёқараши, имон-эътиқоди, феъл-атвори каби хислатлар жиҳатидан ном-нишонсиз "ўчирилади". Майдонга тил, матн, код, структура чиқади. Яъни, "сунъий қолипга солиш", тайёр қолиплар асосида тасвирий-ифодавий воситаларни яратиш ва уларни амалда қўллаш, инвариант (лот. invariabilis - ўзгармайдиган) структураларни ахтариш, "бутун борлиқни қамраб олувчи объективлик" каби тушунчалар билан боғлиқ бўлган тил, матн, код, структура - буларнинг ҳаммаси структурализм тамойилларига асосланган тадқиқотнинг диққат марказида туради.

Бундан ташқари, матн шахсга боғлиқ бўлмаган ўзига хос конструкция, тилга оид система фаолиятининг маҳсули сифатида намоён бўлади. Муаллифнинг иродаси, ижодий нияти ва бошқа "инсонпарвалик" руҳидаги интенциялар ўрнига матн маконида "лисоний ғайришуурийлик" ҳаракат қилади. Аниқроқ қилиб айтганда, муаллиф ўрнига матн гапиради, бироқ тил муаллифнинг тили эмас, балки кодлар тилига айланади. Шу нуқтаи назардан, "муаллиф ўлган", чунки унинг онги, тафаккури, қолаверса, "Мен" - инсоннинг ўз-ўзини англаши, унинг руҳий маркази иккиламчи даражага тушиб кетади.

Таъкидлаш жоизки, структурализмнинг бир қатор муҳим ғояларини ўзида мужассам этган "Муаллиф ўлими" эссеси Ғарбий Европа филология илмига, хусусан Ж.Женнет, Ц.Тодоров, Ю.Кристева, Ж.Бодрийяр, А.Компаньон, Ж.Деррида, М.Фуко каби структурализм ва постструктурализм тарафдорларига, шубҳасиз, сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Шунга қарамасдан, тилшунослик ва адабиётшуносликнинг тадрижий ривожида етакчи рол ўйнаган структурализмнинг ашаддий рақиблари ҳам бўлган. Улар фаолиятига батафсил тўхталиб ўтирмаймиз, чунки бу унчалик муҳим эмас. Аммо уларнинг структурализм ғояларига зид баъзи бир методологик қарашларига эътибор қаратишимиз лозим бўлади. Биринчидан, структурализм тарафдорларининг дунёни англаш ва идрок қилишда тилнинг муҳим аҳамияти хусусидаги асосий концепцияси бадиий матнга бўлган мимесис (ижодкорнинг ҳаётга эркин тақлид қилиши) нуқтаи назаридан ёндашув (маданий-тарихий, психологик ва ҳоказо) ларга қарама-қарши қўйилади. Иккинчидан, адабий ҳодиса (матн - М.Х.) ларга қатъий равишда синхрон ёндашиш туфайли, структуралистлар тадқиқот доирасидан адабиёт тарихи, адабиёт социологияси, маданий-тарихий шароит, муаллифлик интенцияси, матнни яратиш тарихи каби муҳим жиҳатларни чиқариб ташлайдилар. Бу эса тадқиқотнинг бир ёқлама олиб борилишини таъминлайди. Учинчидан, шахснинг биографияси ва психологияси, психоанализ (З.Фрейд, К.Юнг), феноменология (Э.Гуссерль), экзистенциализм (М.Хайдеггер, Ж.-П. Сартр) нуқтаи назаридан танқид бадиий асарни бевосита муаллиф билан боғлашга ҳаракат қилувчи адабиётшунослар "муаллиф ўлими" концепциясини илгари сурган структуралистларнинг "ғоявий рақиб"ларига айланишди. Тўртинчидан, рецепция, аниқроғи, четдан таъсирсиз, эркин идрок қилиш, бевосита англашга

барҳам берилади, чунки структуралистларнинг тадқиқот доирасини асослаб берувчи назарий қарашлари рецепциянинг "модел"ини ҳам тайёр ҳолда тақдим этади. Масалан, америкалик адабиётшунос Ж.Каллер ўзининг "Структурализм руҳидаги поэтика" асарида, Н.Чомский ва А.Греймас кетидан, "адабий компетенция" (кенг маънода - адабиёт; тор маънода - бадиий асардан яхши хабардор бўлиш - М.Х.) концепциясини ишлаб чиқди. Унга кўра, ўқувчининг адабий тил қонунларини яхши билиши гўёки олдиндан "матнга ёзилган" (inscribed reader) бўлади. Бу нуқтаи назардан, структурализм бадиий эстетика ва ўқувчиларнинг бадиий асар юзасидан билдирган танқидига қарши туради. Ва, ниҳоят, бешинчидан, структурализмнинг кенг маънода эстетикага қарши қўйилганлигидир. Структурализм нуқтаи назаридан олиб қараганда, бадиий асар маълум кодлардан ташкил топган. Агарда код моҳиятан ва мазмунан бошқа кодга ўтказилиши, кўчирилиши мумкин бўлса, бадиий асарни осонлик билан математика формулалари кўринишида тасаввур қилиш мумкин. Бу ерда бадиий асарнинг эстетика жиҳатдан ноёблиги ўз аҳамиятини йўқотади.

Хуллас, танганинг иккинчи томони ҳам бор дейилганидек, анъанавий адабиётшунослик ва структур адабиётшунослик ўртасида ҳам ўхшаш, ҳам фарқ қилувчи жиҳатлар мавжуддир. Муҳими шундаки, анъанавий адабиётшунослик доирасига кирувчи, унинг негизини ташкил қилувчи методология ва таҳлил воситалари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган ва кенг қўлланилмоқда. Структур адабиётшунослик доирасига кирувчи методология ва таҳлил воситалари эса эндиликда махсус тадқиқотларгагина хизмат қилади, десак янглишмаган бўламиз.

Шунга қарамасдан, структурализм тамойилларига асосланган методологиядан фойдаланиш асосан икки соҳада, яъни маданий ҳодиса (адабий асар - М.Х.) ларни семиотика нуқтаи назаридан таҳлил қилишда ҳамда муайян жанр (роман, трагедия, қисса ва ҳоказо) ларда сюжет негизини ташкил қилган комбинация (ўзаро уйғун бирикма) ва вариация (ўзгариш натижасида юзага келган янги кўриниш) лардан иборат структураларни таҳлил қилишда олиб борилаяпти. Шу билан бирга, структур поэтика концепциясининг равнақ топишида, нарратология (инг. naratology - ҳикоя қилиш назарияси) соҳасида тадқиқотлар олиб боришда ҳам структурализмнинг аҳамияти каттадир.

Таъкидлаш жоизки, ўзининг афзаллик ва камчилик жиҳатларига қарамасдан, структурализм кўп ҳолларда асосли равишда танқидга учраган. Дарвоқе, илмий метод сифатида эътироф этилган структурализмнинг танқидига келганда, қуйидаги масалаларга эътибор қаратилади:

1) XX асрнинг 70-йилларида, структурализмнинг фалсафий-лингвистик негизи танқиди (Ж.Деррида, Р.Барт, Ж.Делёз, Ж.-Ф. Лиотар ва бошқ.) да асос топган постмодернизм ғоялари тараққий этиши билан боғлиқ равишда, структуралистларнинг таҳлил воситалари кўлами, қўлга киритилган натижаларнинг аниқ ва қатъийлиги, илмий-назарий ва амалий асосларнинг бир маънода ўқилишига даъво қилиши, "ёки / ёки" дегувчи бинар оппозицияларнинг қатъиян тақдим этилиши илм аҳли томонидан "интеллектуал таҳдид" деб баҳоланди;

2) Илм аҳлига манзур кўринган, йирик адабиётшунос ва тилшунос олимларнинг таҳсинларига сазовор бўлган назарий ишларнинг структурализм тараққиётига қўшган ҳиссасига қарамасдан, у ёки бу бадиий матн материалида структуравий таҳлилнинг аниқ натижалари нуқтаи назаридан, меъёридан ортиқ формал, яъни шаклни мазмундан, назарияни амалиётдан ажратиш, математик методларни татбиқ этиш, "чизма адабиётшунослик"ка интилиш, муаллиф дунёқарашини, унинг ўзига хос услубини формулаларга олиб бориб тақаш, бадиий асарни матрицага ўхшатиш, "энг охирги структура"ни кашф этишга бўлган тенденциялар яққол кўрина бошлади.

3) Структурализм ғоя ва тамойиларига асосланган тадқиқотлар эстетиканинг асосий, яъни асарга нисбатан эстетик ва

бадиий қадрият нуқтаи назардан ёндашиш муаммосини ҳал эта олмади. Асарни бир ёқлама таҳлил қилиш, яъни унинг технологик (структура, тузилиш) томонини кўриб чиқишда, асарнинг манбаси, яратилиш тарихи, эстетик таъсири ва бадиий аҳамияти, маънавий-ахлоқий қадрияти каби жиҳатлар инобатга олинмаслиги асарни жозибадорлик, тароват, ҳиссий таъсирчанликдан маҳрум этади.

Манба ва адабиётлар:

1. Қаранг.: Тынянов Ю. Н., Якобсон Р. О.. Проблемы изучения литературы и языка // Тынянов Ю. Н. Поэтика. История литературы. Кино. - М., 1977. - С. 282-283.

(See: Tinyanov Y. N., Yakobson R. O. Problems of studying literature and language // Tinyanov Y. N. Poetics. History of literature. Cinema. - M., 1977. - P. 282-283.)

2. Culler, J. Structuralist Poetics: Structuralism, Linguistics, and the Study of Literature London. Ithaca: Cornell University Press, 1975. Бундан буён инглиз, француз ва русча манбалардан келтирилган ихтибослар муаллиф таржимасида берилади. - М.Х.

(The conclusions from the English, French and Russian sources are now transmitted by the author. - M.X.)

3. Todorov, Tz. Poetique // Qu'est-ce que le structuralisme Paris: Seuil, 1968.

(Todorov, Tz. Poetics // What is structuralism? Paris: Threshold, 1968.)

4. Barthes, R. Mythologies. Paris: Seuil, 1957.

5. Ю. Н. Тынянов, Р. О. Якобсон. Проблема изучения литературы и языка, М., "Новый Леф", 1928, № 12, с. 36-37.

Y. N. Tinyanov, R. O. Yakobson. "The problem of studying literature and language," M., "New Lef," 1928, No. 12, p. 36-37)

6. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. - М.: Прогресс, 1989. - с. 360.

(Bart R. Selected works. Semiotics. Poetics / Trans. with fr., intro. Art. and comments. G.K. Kosikova. - Moscow: Progress, 1989. - p. 360.)

7. Serres, M. Hermes. Vol. I. La Communication. Paris: Seuil, 1968

8. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. - М.: Прогресс, 1989. - с. 360.

(Bart R. Selected works. Semiotics. Poetics. / Transl. with fr., intro. Art. and comments. G.K. Kosikova. - Moscow: Progress, 1989. - p. 360.)

9. Барт Р. Смерть автора / Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. - М.: Прогресс, 1989. - с. 384-391.

(Bart R. Death of the author / Bart R. Selected works: Semiotics. Poetics. / Transl. with fr., intro. Art. and comments. G.K. Kosikova. - Moscow: Progress, 1989. - p. 384-391.)

10. Barthes, R. La mort de l'auteur // Manteia, 1968. № 5.

(Barthes, R. Death of the author // Manteia, 1968. № 5.)

11. Барт Р. Смерть автора / Барт Р. Избранные работы: Семиотика. Поэтика. / Пер. с фр., вступ. ст. и коммент. Г.К. Косикова. - М.: Прогресс, 1989. - с. 386.

(Bart R. Death of the author / Bart R. Selected works: Semiotics. Poetics. / Transl. with fr., intro. Art. and comments. G.K. Kosikova. - Moscow: Progress, 1989. - p. 386.)

12. Ўша манба, 385 бет.

(The same source is 385 pages.)

13. Ўша манба, 388-389 бет.

(The same source is 388-389 pages.)

14. Ўша манба, 389 бет.

(The same source is 389 page.)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ЛИТЕРАТУРНАЯ ЛИЧНОСТЬ И ТВОРЧЕСТВО МАКСУДА ШЕЙХЗАДЕ В СВЕТЕ ЛИТЕРАТУРНЫХ СВЯЗЕЙ

Алмаз Улви (Биннатова)
Доктор филологических наук, профессор
Заведующий отделом "Азербайджанско-туркменско-узбекских литературных связей" Национальная Академия Наук Азербайджана Институт Литературы имени Низами Гянджави,
Председатель Азербайджанского отделения Международного фонда Бабура
almazulvi1960@mail.ru
For citation: Алмаз Улви. Literary personality and heritage of Magsud Sheikhzadeh in the light of literary relations. International Journal of Word Art. 2018, vol. 2, issue 2, pp. 17-24

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-2

Келиб тушган сана 12 апрель, 2018
Эълон қилинган сана 25 апрель, 2018.

МАҚСУД ШАЙХЗОДАНИНГ АДАБИЙ ШАХСИЯТИ ВА МЕРОСИНИНГ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРДА ТУТГАН ЎРНИ

Алмаз Улвий (Биннатова)
Филология фанлари доктори, профессор

АННОТАЦИЯ

Озарбайжон тупроғида туғилиб, тақдир тақозоси билан Ўзбекистонда яшаб, ижод этган Мақсуд Шайхзода ўзбек адабиётининг йирик намояндаси ҳисобланади. У машҳур философ шоир, драматург, таржимон, педагог, тилшунос, танқидчи, адабиётшунос, фолклоршунос сифатида ўзининг кенг қиррали истеъдод соҳиби эканлигини намоён этди. Ўзбек халқи, ўзбек замини уни ўз фарзандидек ардоқлайди. Мақсуд Шайхзода олти асрдан зиёдроқ тарихга эга ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларида янги бир даврни бошлаб берди ва уни янада мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. М.Шайхзода нафақат шеър, поема, песа ва мақолалари билан, балки бутун ижоди билан икки халқ номини, адабиётини тараннум этди. У ўзбек мумтоз адабиётини ўрганди, тадқиқ этди, ўзбек адабиёти тарихи, адабиётшунослик назариясини янада бойитишда ўз ҳиссасини қўшди. Шоир ижод билан биргаликда педагоглик фаолиятини ҳам узвий равишда олиб борди. Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Навоий меросининг илк тадқиқотчиларидан бири сифатида навоийшунослик илмида салмоқли ишларни амалга оширди. Кўплаб навоийшунос олимлар Шайхзодани ўзининг устози сифатида эътироф этишади. Халқ шоири Халил Рза Улутурк М.Шайхзода адабий меросини тадқиқ этди, унинг асаларини ўзбек тилидан озарбайжон тилига ўгирди. Унинг бу хайрли ишлари Озарбайжон адабиёти тарихида муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Тақдим этилаётган мақолада XX аср ўзбек мумтоз адабиётининг буюк сиймоларидан бири Мақсуд Шайхзоданинг шахси ва адабий мероси тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: Мақсуд Шайхзода, ўзбек адабиёти, Озарбайжон-ўзбек адабий алоқалари, ўзбек драматургияси, шеърияти, адабий танқид.

LITERARY PERSONALITY AND HERITAGE OF MAGSUD SHEIKHZADEH IN THE LIGHT OF LITERARY RELATIONS

Almaz Ulvi (Binnatova)
Doctor of philological sciences, professor

ANNOTATION

Magsud Sheikhzadeh, the bright son of the Azerbaijan land, is a well-known philosopher poet, dramatist, master translator, great scientist, prominent poet, linguist, folklorist and literature writer of Uzbekistan literature. The Uzbek people, Uzbek land have cherisehed and glorified him as its own son. Magsud Sheikhzadeh lived such a life-fora lifetime that this fate has become a living in heritor and spiritual bridge of old literary relationshi ps of two brothers.M.Sheikhzadeh had spoken boldly on behalf of two nations not only in poetry, poems, plays and articles, but also in all her works. He studied and researched Uzbek classical literature, improved history of Uzbek literature, literature the ory and enriched it with new scientific research. The founder of Uzbek classical literature was M. Sheikhzadeh, one of the first researchers of the heritage of Navai. Researchers of Nevai heritage considered him as a master for themselves.

National poet Khalil Rza studied his literary heritage and translated his works from Uzbek into the Azerbaijani, presented to the readers and included a large part of his creative work into the literary history of Azerbaijan.

The article presents one of the great figures of the 20th century Uzbek literature, Magsud Sheikhzadeh's literary personality and heritage.

Key words: Maqsud Sheykhzade, Uzbek literature, Azerbaijan-Uzbek literary relations, Uzbek dramaturgy, poetry, literary criticism, history of literature.

Светлый сын азербайджанского народа Максуд Шейхзаде - знаменитый поэт, философ, литературовед, драматург узбекской литературы, профессиональный переводчик, великий ученый, знаменитый педагог, языковед, критик, фольклоровед и литературовед. Узбекский народ, узбекская земля любила его как своего сына и подняла его на вершины вечности.

Максуд Шейхзаде родом из селения Салахлы Казахского района, из родины Самеда Вургуна. Он сам родился в Агдашском районе. Его отец Масим Шейхзаде окончил в Тбилиси медицинскую школу и приехал работать в Агдаш. Его мать Фатима ханум была интеллигентной женщиной, окончившей женскую гимназию. В семье родились и выросли пятеро детей. Родившийся 7 ноября 1908 года Магсуд был первенцем в семье. Он получил первое образование в Агдаше, школе "Рюшдийе" открытой знаменитым педагогом Мухтаром Эфенди. После этого он окончил Бакинскую семинарию (1920-1925 гг.). В этой семинарии преподавали такие знаменитые писатели и педагог, как Абдулла Шаиг, Гусейн Джавид, Джаббар Эфендизаде, Медина ханум Гиясбейли, Джамо бек Джабраилбейли. После окончания семинарии он в течении двух лет (1925-1927 гг.) учительствовал в Дагестане, а в 1928 году, когда в молодом педагоге начали появляться национально - патриотические мысли, он был выслан в Узбекистан, в Ташкент. Но в его душе всегда была тоска по Родине, и он с этим начал свою литературную деятельность.

Из исследований известно, что он был влюблен в поэзию. Свои стихотворения он читал на школьных мероприятиях. Когда Максуду было 13 лет, его стихотворение впервые публикуется в газете "Коммунист". Посвятившему себя поэзии молодому человеку везет в том смысле что, в Бакинской семинарии его сверстниками оказавываются такие выдающиеся личности, как Мехди Гусейн, Сабит

Рахман, Михаил Мушвиг, Мамедгусейн Тахмасиб, Саид Рустамов, что безусловно оказывает на него большое влияние. Начальный период его поэтического творчества эта болышая часть произведений на азербайджанском языке собранные в рукописи "Тетради Шейхзаде".

Волею судьбы Максуд Шейхзаде начинает в Узбекистане новую жизнь среди новых людей и в новой атмосфере. Через год написанное им на узбекском языке стихотверение печатается в прессе. Пламенный сын азербайджанского народа трудится, завоевывает любовь и находит свое место среди таких мастеров, как Гафур Гулам, Айбек, Абдулла Каххар, Гейрат, Осман Насир, Миртемир, Яшен.

Несмотря на то, что поэзия была для него сокровенней, он уделяет большее время науке. Посвятивший всю свою жизнь науке, М.Шейхзаде с 1938 года до последних дней преподавал историю узбекской литературы в Ташкентском педагогическом институте имени Низами. Он был деканом факультета, в котором преподавал, и заведующим кафедрой узбекской литературы. Выдающийся узбекский литературовед и писатель Озод Шарафиддинов, написанные в годы независимости свои литературные заметки и научные высказывания, статьи собрал в опубликованную в 2004 году - за год до своей смерти - в 600 страничную книгу "Ижодни англаш бахти". Эти статьи посвящены Абдулгамиду Чолпану, Абдурауфу Фитрату, джадидской литературе 20- 30-х годов. На имена этих писателей, репрессированных в 1956 году, до 1991 года было наложено табу. В этой книге автор уделяет специальные страницы и Максуду Шейхзаде. В книге рассказывается о творческом пути выдающихся литературоведов, мысли которых шли вразрез с Советской идеологией. Кстати, Чолпан, Фитрат, Абдулла Кадыри удостоены высшей премии Узбекистана - Государственной преми имени Навои.

В этой книге Озод Шарафиддинова, статья под названием "Самоотверженный представитель нашей поэзии" (2003), посвященная Максуду Шейхзаде, начинается с грустных, берущих за душу нот: "Среднего роста, крепкого телосложения, с вьющимися волосами и поэтической внешностью, с вплетающимся в узбекский язык сладкий азербайджанский говор Максуда Шейхзаде я впервые увидел в аудитории Узбекского педагогического института имени Низами. Его лекции, основанные на научных изысканиях, были составленные простым доступным языком и уже давно вышли за пределы института и распространились по всему Узбекистану". [1]

Среди студентов ходили интересные предания, о его докладах. Своими лекциями, которые он до последнего дня своей жизни читал с тем же вдохновением, с той же любовью, он завоевал славу институту. Максуд Шейхзаде был поэтом и драматургом, литературоведом и переводчиком, историком и философом, оратором и педагогом. Максуд Шейхзаде, как я уже отметил, был знатоком, отцом всех этих ремесел, эти слова принадлежат О.Шарафиддинову.

Прослеживая юные годы М.Шейхзаде, ощущаешь невиданное кипение в его творчестве. Конечно же, это был бьющий внутри и стремящий наружу родник поэзии. Но чтобы вступить в этот новый мир, он вынужден был искать свои пути самовыражения. Как отмечал, сам Максуд Шейхзаде, посвятивший творчеству более 40 лет своей жизни, ему пришлось отдать предпочтение переводческой деятельности.

Переведя классиков мировой литературы на узбекский язык, он занял как переводчик особое место в истории узбекской литературы. Достаточно бросить взгляд на список переведенных им произведений, чтобы убедиться в том, что он стоит на самой высокой ступени в мире узбекской литературы. Помимо этого, образцы современной азербайджанской и

мировой литературы были доведены до узбекских читателей именно в его переводах.

Если мы посмотрим на этот список с другой точки зрения, то увидим, что М.Шейхзаде был глубоко знаком с жемчужинами поэзии народов мира. И именно это придавало силы бурлящему в его душе естественному и самобытному роднику поэзии. Стихи М.Шейхзаде созданы на чувствах любви, человеческих взаимоотношений, дружеских связей, нравоучениях, высоких чувствах и божественных моментах. В каждой строке ощущается биение полного тревог и ожиданий сердца. Они точно теплом заполняют душу человека, превращаясь в ней в божественный свет. "Провода, ласточки и девушки", "Весенний дождь", "Фиалка", "Первая любовь", "Испытание", "Беда", "Реплика" - все это песни о любви. Исследователи подтверждают истину о том, что любой творческий человек, делая первую пробу пера, опирается на фольклор, черпая из источников устного народного творчества слова, образы, мысли. Этот фактор актуален и для того, кто создает произведение на родном языке, и для того, кто творит на других языках. Открывая новую страницу творческой жизни, М.Шейхзаде обратился к узбекскому фольклору, что и принесло ему успех. В первые годы своей жизни в Узбекистане он пишет очень много исследований и статей об узбекском устном народном творчестве. "С одной стороны, как ученый-фольклорист он исследует такие эпосы, как "Алпамыш", "Гариб и Шахсенем", "Ширин-Шекер", пишет ценные статьи о творчестве Фазиля Йолдашоглу, пропагандировавшего устное народное творчество, с другой стороны, создавая свои произведения, использует элементы фольклора, что ясно прослеживается и на всех этапах его творчества.[2]

"Мелодия солидарности" ("Песня о солидарности"), "Узбек чуркмен - два сына-близнеца одной матери", "Беседа с луной", "Баллада о семерке" - в этих и других его стихотворениях не трудно уловить фольклорные мотивы. Создание в одном из них с помощью художественных средств нового поэтического образа цифры "7", известной в древней тюркской мифологии как священная, плод врожденного таланта поэта. Если мы назовем это стихотворение, от начала до конца пронизанное легендами и мифами разных народов, кладезем афоризмов и мудрых изречений, то не ошибемся. Тесная связь с фольклором отчетливо прослеживается и в его пьесах.

В его лирической поэме "Дашкенднаме" можно встретить сколько угодно строк, связанных с народными сказаниями, поговорками, изречениями. Поистине, близость поэзии М.Шейхзаде к сердцу народа исходит от его привязанности к фольклору. Точнее, одним из факторов успеха его творчества является то, что он питал свои стихи жемчужинами, исходящими из души народной. Он был любимым поэтом. С большим мастерством писал, как лирические газели, так и политические стихи. Максуд Шейхзаде с юных лет - в 30-х годах был уже известен как критик, ученый, публицист и педагог.

Исследуя классическую и советскую узбекскую, а также азербайджанскую, русскую и лучшие образцы мировой литературы, он анализировал их в научном контексте и с помощью критических и публицистических статей, выражал свои мысли и отношения к ним. Касаясь философских аспектов мировой поэзии, он довольно глубоко и интересно их комментировал. В творческом сборнике М.Шейхзаде имеются более 200 научных статей из этого цикла. Они охватывают творчество всех известных нам классиков мировой литературы, видных основоположников поэзии XX века, молодых авторов. Эта последовательность подтверждает, что каждое мгновение своей жизни он жил литературой и ни на секунду не оставался в стороне от процессов, происходящих в научно-литературной

сфере Узбекистана, с которым связал свою жизнь. Созданные им с чувством любви к Родине поэмы не только по содержанию, но и по смыслу, по духу своему - незабываемые произведения. В творчестве М.Шейхзаде военного периода таких произведений много. Героизм, психологический оптимизм составляли основную идею его поэзии.

В поэме "Ташкентнаме", написанной в 1957 году, он изложил в стихах связанную с Ташкентом свою 30-летнюю жизнь, свою любовь, свои тревоги. В изданной спустя год 437 страничной книге "Чяряк аср дивани" ("25 илин дивани") также высвечиваются лучшие образцы его лирического творчества. Первый перевод этого произведения на азербайджанский язык принадлежит перу народного поэта Наримана Гасанзаде. Но исследователь литературного наследия Максуда Шейхзаде народный поэт Халил Рза вновь представил это произведение в историю литературы Азербайджана в своем переводе. Если его появление на свет, начальное образование, пятилетнее обучение в семинарии, первые шаги в поэтическом мире и связаны с Азербайджаном, он с той же любовью был привязан к узбекской жизни - поэтическому миру, науке, истории.

Хотя понятие азербайджанско-узбекский и состоит из разных слов, на деле они воспринимаются, как один дух, один корень. Это - тюркская кровь, это - тюркский дух, это - тюркский корень. Множество его произведений, с большой любовью переведенных на азербайджанский язык нашими поэтами, стали объектами исследований.

Монография незабвенного Халила Рзы "Творчество Максуда Шейхзаде",[3] написанная пламенной душой, несомненно, важнейшая страница отечественного литературоведения. Он перевел на родной язык самые ценные образцы творческого наследия видного литератора. Узбекские литературоведы неоднократно исследовали и продолжают исследовать богатое творческое наследие М.Шейхзаде.

Узбекский ученый-литературовед Ибрагим Гафуров отмечал, что с того самого дня как он полюбил литературу, он влюбился в творчество Максуда Шейхзаде. Это отношение впоследствии обернулось книгой ученого "Товарищ поэт". Затем эта любовь нашла свое отражение в посвященной творчеству поэта теме кандидатской диссертации, где И.Гафуров пишет: "Я могу еще многое рассказать о нем. Анализировать и изучать поэта в одной маленькой книге, кандидатской диссертации, недостаточно. Потому что он - один из прочных столпов узбекской классической литературы. М.Шейхзаде не только в своих стихах, поэмах, пьесах и статьях, но и всем своим творчеством смело говорил от имени двух народов. [4]

Он изучил и исследовал классическую узбекскую литературу, усовершенствовал теорию узбекского литературоведения, обогатил ее своими научными изысканиями. Максуд Шейхзаде был одним из первых исседователей наследия родоначальника джагатайской классической литературы Навои. Навоиведы считают Максуда Шейхзаде своим учителем. Его научные труды отличались глубоким анализом и своей значимостью. Одна из книг шеститомника М.Шейхзаде "Избранные произведения" была посвящена Навои.

О драматическом творчестве М.Шейхзаде[5] хотелось бы поговорить отдельно. Такие его пьесы, как "Джалаладдин Мангуберди" и "Мирза Улугбек" были созданы на основе важных общественных событий и высокой поэзии содержательных людских характеров. По мнению исследователей, стихотворные исторические трагедии "Джалаладдин Мангуберди" и "Мирза Улугбек" заложили прекрасную основу узбекской драматургии.

В целом драматургическое творчество М.Шейхзаде постоянно привлекало внимание как узбекских литературоведов,

так и азербайджанских литературных критиков. Об этом написано множество статей, научных отзывов, исследований. И бесспорно в этом ряду на первом месте стоит исследование Халила Рзы, который посвятил творчеству М Шейхзаде монографии "Максуд Шейхзаде" и "Художественные особенности творчества Максуда Шейхзаде", а также десятки научных и публицистических статей.

Как отмечают узбекские исследователи, пьеса "Джалаладдин Мангуберди" была написана по заданию партии. Автору тогда было 36 лет. Премьера этого произведения, созданного за короткий срок, прошла на очень высоком уровне и вызвала большой резонанс. Тема героизма в годы войны, а также сцены, основанные на героических событиях, превратились тогда в главную тему литературы. Пьеса "Джалаладдин Мангуберди" была написана и поставлена на сцене с этой точки зрения. Но это произведение, возвеличив автора, открыло черную страницу в его судьбе, вызвав гнев сталинского режима. Агенты НКВД и подлые люди с фамилиями на "ян" можно сказать продали Сталину мастера пера, человека, посвятившего свою жизнь науке, видного деятеля культуры.

Они смогли убедить вождя в том, будто под отрицательным персонажем пьесы грузином по национальности, подразумевались сам Сталин и народ, которому он принадлежал. Именно по этому обвинению Максуд Шейхзаде получил 25 лет лагерей и был отправлен в Сибирь, в город Иркутск.

Но даже несмотря на эту ссылку, проживший короткую сценическую жизнь "Джалаладдин Мангуберди" был у всех на устах. Написанное простым плавным поэтическим языком, пронизанное от начала до конца духом героической любви произведение оставило след в душе каждого, кто смотрел этот спектакль. Многие даже знали эту пьесу наизусть. Как у нас, к примеру, знают "Вагифа".

Сталин умер. Как сказывается в сказках, через некоторое время открылись двери всех тюрем и лагерей, в том числе и сибирских. Шейхзаде вернулся на свою вторую родину, в Узбекистан, к своей семье, которая жила в Ташкенте. Как отмечает профессор Наим Керимов, Аллах простил его. Он отсидел всего лишь треть срока, вернулся живой домой и еще 13 лет беззаветно служил, даря бесценные плоды своего творчества узбекской литературе, науке, культуре.

Прежде всего, он завершил начатую еще в 1944 году незаконченную из-за ареста и ссылки историческую трагедию "Мирза Улугбек". На основе этого произведения он написал сценарий "Звезда Улугбека", по которому был снят фильм. А вот "Абу Рейхан Бируни", над которым он работал годами, бесследно исчез. Это по счету было его третья пьеса. Находясь на лечении в больнице, из Сибири он вернулся с заметно пошатнувшимся здоровьем, Шейхзаде работает над этим произведением, стремясь завершить его. Но смерть помешала ему поставить последнюю точку. Сердце поэта внезапно остановилось. И здесь же, в больнице, бесследно исчезла его недоконченная драма. Это была очередная черная страница в его жизни.

"Джалаладдин Мангуберди" трагедия в 5 сценах и 8 картинах. Событие в этом произведении происходит в первой половине ХШ века в Туркестане. Джалаладдин Мангуберди был исторической личностью. Сын Хорезм шаха, он представлен в пьесе как неординарный человек, защищающий интересы родины и своего народа, патриот и герой, самоотверженный, дальновидный, умный, мудрый человек, заботливый и благородный друг.

На протяжении всего дейсвия он поднимается с каждым шагом на новую вершину, идеализируется, становится достоянием истории, как образ могущественного тюрка. Видный азербайджанский литератор, народный писатель Мирза Ибрагимов в статье под названием "Мудрость слова" всесторонне

проанализировал драматургическую деятельность Шейхзаде. "В первой драме великого мастера слова "патриотизм" и "гуманизм" нашли высокое художественное выражение. Пьеса "Джалаледдин Мангуберди" (1944) была написана именно в этом духе".

Представляя Максуда Шейхзаде как драматурга, хочу особое внимание уделить его трагедии "Мирза Улугбек". Он работал над этим произведением 19 лет. (1940 - 1959). Подаренный узбекским народом мировой науке Улугбек был признанным астрономом своего времени. Внук известного завоевателя, властелина Амира Теймура, он в XV веке создал самую большую обсерваторию в мире.

Мирза Улугбек - историческая личность, олицетворившая единство мудости и героизма, нестираемый из памяти народной человек, гигант. Для того, чтобы создать подобный образ, воздвигнуть ему в мире поэзии памятник из стихотворных строк - необходима сила дара мастера слова. Произведение это было написано в жанре трагедии и завоевало огромный успех.

Сам жанр был продиктован жизнью героя. Трагедия вскоре была поставлена на сцене Узбекского государственного драматического театра и была принято зрителями с большой любовью. Согласно комментарию профессора Панаха Халилова, в этой народной драме, являющейся сказанием о героизме, "есть дух, присущий "Вагифу".

Для сравнения достаточно одного-двух примеров. Арестованный Вагиф с сыном Алибеем попадает в руки Гаджара, Встреча Вагифа с Гаджаром. Мучимый жаждой крови завоеватель. Поэт-туманист, воспевающий женскую красоту, умный и предусмотрительный визирь и, наконец, ставший свидетелем гибели своего невинного сына отец!" Монологи Чингисхана с Теймур Меликом и Гаджара с Вагифом напоминают одну и ту же сцену. Исследователь творчества Максуда Шейхзаде Халил Рза Улутюрк, придя к тому же мнению, отмечал: "Сходство между этими двумя стихотворными пьесами так велико и столько в них общего, что уместно было бы напомнить некоторые из них! Единство поэтического духа. Написание каждого из этих двух произведений в стихах и прежде всего сходным стихотворным силлабическим размером. Как Вагиф олицетворяет собой собирательный образ всех поэтов Азербайджана, так и Джалаладдин является собирательным образом всех узбекских героев. Или как Гаджар представляет всех захватчиков, так и Чингисхан является собирательным образом завоевателей.

Нужно сказать, что это произведение Шейхзаде стало вечным памятником Улугбеку, достойным его жизни. Нельзя обойти молчанием еще одну сторону деятельности Максуда Шейхзаде. И она заключается в том, что он всегда в своих статьях и исследованиях уделял особое внимание влиянию азербайджанского литературоведения на узбекскую научно литературную среду, проявляя интерес к пропаганде его успехов в Узбекистане.

К примеру, привлекает внимание выдвижение на первый план в исследованиях творчества таких классиков джигатайской литературы, как Люти, Бабур, Машраб, Агахи, терминологии, свойственной классической восточной поэзии, предпочтение в анализе поэтических особенностой газелей средствам художественного изображения средневекового восточного литературоведения, влияние Максуда Шейхзаде на своих последователей и влияние на самого Максуда Шейхзаде видного азербайджанского литературоведа и теоретика профессора Мир Джалала Пашаева. Так, впервые внимание на важность анализа существующих принципов и правил поэтической науки обратил Мир Джалал Пашаев в своей знаменитой монографии "Искусство Физули".[6] Максуд Шейхзаде же в своих исследовательских статьях о Навои, в том

числе "В творческой лаборатории мастера", "Хозяин прекрасного владения" приводит цитаты и выдержки из произведений Мир Джалал Пашаева, представив этот новый научно практический метод подхода вниманию узбекских литературоведов. Позднее в Узбекистане интерес к поэтическим искусствам резко возрос.

Даже в отличие от Азербайджана здесь были переведены на узбекский язык первые фарсоязычные источники средних веков. Но если даже они были изданы в Ташкенте, добившиеся серьезных успехов в этой сфере узбекские литературоведы и навоиведы (А.Хаитматов, А.Кайюмов, У.Исхагов, Б.Рахманов, А.Абдулгафуров, С.Ганиева обогатились за счет "Искусства Физули" Мир Джалала Пашаева.

Остававшиеся до сих пор вне поля зрения исследователей эти и им подобные факты дают возможность сформировать новые литературные отношения между нашими народами. Эти факты в то же время определяют место Мир Джалал Пашаева в процветании и развитии азербайджано-узбекских литературных связей XX века.[7] Став благодаря своему многогранному творчеству величественным мостом литературно-культурных, исторически значимых отношений, Максуд Шейхзаде оценивается как символ единства, братства и дружбы тюркского мира.

Пройдет время, но свет его мира будет блуждать по тюркскому млечному пути до тех пор, пока не будет найдено одно единое знамя тюркского мира. А это означает вечность.

Литература:

1. Şarafaddinov Azad. İcodni anqlaş baxti.-Taşkent, «Şark», 2004, 640 b.
2. Xəlilov Pənah. SSRİ xalqları ədəbiyyatı. İİ hissə – Bakı, Maarif, 1977, 360 s (səh/81 - 162)
3. Ulutürk Xəlil Rza. Maqsud Şeyxzadənin bədii yaradıcılığı – Bakı, Elm, 1980, 143 s. Ulutürk Xəlil Rza. Maqsud Şeyxzadə.– Bakı, "Bilik" cəmiyyəti, 1978. 68 s.

Ulutürk Xəlil Rza. Turan çələngi.- Bakı, Qaff -Poliqraf, 2005.

4. Qafurov İbrahim. Sözün işığı: müasir özbək ədəbiyyatı haqqında düşüncələr – Bakı, Yazıçı, 1979, 110 s.
5. Şeyxzadə Maqsud. Seçilmiş əsərləri. 2 cilddə. I cild. Şeirlər. – Bakı, Azərnəşr, 1972. 266 s.

Şeyxzadə Maqsud. Seçilmiş əsərləri .2 cilddə. II cild. Poema və pyeslər.- Bakı, Azərnəşr,1973. 284.

6. Mir Cəlal. Füzuli sənətkarlığı. - B., ADU nəşriyyatı, 1958. 276 s.

Azərbaycan-özbək ədəbi əlaqələrindən səhifələr.- Bakı, Elm, 1985.

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ВАТАН МАВЗУСИ ТАЛҚИНИ

Абдуҳамид Холмуродов
филология фанлари доктори,
Навоий давлат педагогика институти. Ўзбекистон
navgospi@inbox.ru
http://dx.doi.org/10.26739/prefix
For citation: Kholmurodov A. Image of the motherland in the works of Navoiy. International Journal of Word Art. 2018, vol. 2, issue 3, pp. 25-29.

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-3

Келиб тушган сана 15 март, 2018
Эълон қилинган сана 25 апрель, 2018.

АННОТАЦИЯ

Мақолада Алишер Навоий асарларида ватан мавзусининг қамрови, турли жанрларда ушбу тимсолнинг бадиий ифодаси тадқиқ этилган. Унда шоир асарлари юзасидан олиб борилган тадқиқотларда билдирилган фикрлар асосида ватан мавзуси талқинининг бугунги кундаги аҳамияти тўғрисида мулоҳаза юритилган. Муаллиф фикрларини далиллаш учун Алишер Навоийнинг ижодига мурожаат қилиб, ундан характерли мисолларни келтиради. Жумладан, "Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳоднинг фидойилиги, ватанпарварлиги унинг Арман ўлкасига Ширинни ахтариб бориши ва у ерда босқинчи Хисравга қарши кураш олиб бориши акс этган ўринларда Навоийнинг Ватан мавзуига эътибори, бадиий маҳоратини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Бундан ташқари Навоийнинг илмий асарлари, ғазалларида ҳам бу мавзу қамрови ниҳоятда кенг. Шунингдек, мавзуни тадқиқ этишда атоқли навоийшунос олимларнинг илмий ишларидан фойдаланилганки, бу мақоланинг илмий қимматини оширган. Навоий асарларининг улкан билимдони Азиз Қаюмовнинг ғазаллар талқинида ўзига хос жиҳатлар кўп деган фикрида жон бор. Мақолада улардан мавзуга оид энг характерлилари танлаб олиниб, асосий эстетик мақсадни ифода этишга ҳаракат қилинган. Мақолада чуқур изланишлар асосида туғилган фикрлар, Навоий ижодида Ватан мавзусининг қамрови қанчалик салмоқли эканлиги тўғрисидаги мулоҳазалар ўрин олган.

Калит сўзлар: ватан, талқин, шоир, ғазал, рубоий, садоқат, ифтихор, Ҳирот, Самарқанд, қасида, осуда, ҳаёт, қилич, тахаллус, муҳаббат, хотира.

ОБРАЗ РОДИНЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ НАВАИЙ

Абдухамид Холмуродов
Доктор филологических наук, Навоийский государственный педагогический институт. Узбекистан

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуется охват темы родины в произведениях Наваий и художественное выражение этого символа в различных жанрах. На основе идей выраженных в исследованиях проведенных по теме произведений Наваий обсуждается значение образа родины. Для основания

своих идей, автор обращается к творчеству Алишера Наваий и приводит характерные примеры из них. В частности, в поэме "Фархад и Ширин" автор старается показать внимание Наваий к образу Родины и художественное мастерство в тех местах, где описывается самоотверженность, патриотизм Фархада, его поиски Ширин в Арменских краях и его борьба против захватчика Хисрава. А также, эта тема глубоко исследуется в научных работах и газелях Наваий. В результате использования научных трудов, знаменитых ученных по этой теме, повысилась ценность этой статьи. Азиз Каюмов, знаток по произведениям Наваий представляет своеобразные стороны газелей. В статье по теме отбирается самые характерные из них и это способствует выражению основной эстетической цели. В статье занимают место идеи, зарожденные в результате глубоких исследований и мысли об удельности охвата темы родины в творчестве поэта.

Ключевые слова: родина, выражение, поэт, газел, рубаи, верность, гордость, знаменитый, Герат, Самарканд, ода, жизнь, сабля, псевдоним, любовь, память.

IMAGE OF THE MOTHERLAND IN THE WORKS OF NAVOIY

Abduhamid Kholmurodov
Doctor of Philology Sciences, Navoi State Pedagogical Institute. Uzbekistan

ANNOTATION

This article explores the coverage of the theme of the homeland in the works of Navaiya and the artistic expression of this symbol in various genres. Based on the ideas expressed in the studies conducted on the theme of works of Navai, the importance of the image of the homeland is discussed. To base his ideas, the author turns to the works of Alisher Navai and cites typical examples of them. In particular, in the poem "Farhad and Shirin" the author tries to show Navaiy's attention to the image of the Motherland and artistic skill in those places where Farhad's patriotism, his search for Shirin in the Armenians' lands and his struggle against the invader Khisraw are described. And also, this topic is deeply studied in scientific works and gazelles of Navai. As a result of the use of scientific works, famous scientists on this topic, the value of this article has increased. Aziz Kayumov, a connoisseur of the works of Navaii, represents the peculiar sides of gazelles. The article on the topic selects the most characteristic of them and it contributes to the expression of the main aesthetic goal. The article takes the place of ideas that were born as a result of deep research and thought about the specificity of the coverage of the theme of the homeland in the poet's work.

Keywords: homeland, expression, poet, gazelle, rubai, fidelity, pride, famous, Herat, Samarkand, ode, life, saber, pseudonym, love, memory

Улуғ ўзбек шоири, буюк мутафаккир Алишер Навоий ғазалларининг мавзулар силсиласида Ватан тимсоли, ўзи туғилиб ўсган юртга садоқат, миллий ифтихор туйғуси катта салмоқ касб этади. У ўзининг туркий эканлиги, она тилимизнинг жозибадорлиги, имкониятлари чексизлиги билан фахрланади ва "Хамса" достонларида, "Хазойин ул-маоний" қуллиётига кирган ғазалларида, адабиётшунослик ва тилшуносликка оид илмий асарларида бу ифтихор туйғусини баралла ифода этади. Атоқли навоийшунос Иззат Султон Навоийнинг Ватанни улуғлаш, ўзининг қайси миллатга ва ватанга мансублиги асарларида қай тариқа акс этганлиги тўғрисида мулоҳаза юритиб, шундай дейди: "Ҳеч бир асарида Навоий қаерни ўзининг ватани деб ҳисоблаганини гапирмайди. У жуда кўп юртлар орасида бир юртни шундай меҳр ва шавқу завқ билан қайта-қайта тасвирлайдики, бизда Навоийнинг ватани ҳақидагина эмас, бу ватанга ёзувчининг болаликдан то умрининг охиригача доимий муҳаббати ҳақида ҳам аниқ тасаввур туғилади".[1]

Навоий меҳр билан тилга олган бу юрт Хуросон ва Мовароуннаҳр бўлиб, шоир яшаган даврда бир бутун мамлакатни ташкил этган ва бир ҳукмдор томонидан идора этилган. Бу ердаги Ҳирот ва Самарқанд шаҳарлари Навоий ҳаётида беқиёс аҳамиятга эга бўлиб, ҳақиқий ватан ҳисобланган. Самарқандни тенги йўқ, деб

таърифлайди ва унга ўлим чанги ўтирмасин("ўлтурмасин анга гарди фано")[2], дея дуо қилади.

"Фарҳод ва Ширин" достонида Навоийнинг ўз ватанига бўлган меҳр-муҳаббати янада ёрқин ифодасини топган. У ўзини Хитойдан Хуросонгача бўлган улкан ҳудудда яшовчи туркийларга қавмдош деб билади ва асарлари бу сарҳадлардан ўтиб, узоқ-узоқ ўлкаларга ҳам етганлигидан фахрланади:

Агар бир қавм, гар юз, йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ менингдур.

Олибмен тахти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.

Хуросон демаким, Шерозу Табриз-
Ки, қилмишдур найи килким шакаррез.

Кўнгул бермиш сўзумга турк, жон ҳам,
Не ёлғуз турк, балки туркмон ҳам.[3]

Навоийнинг ҳаётида турли қарама-қаршиликлар, дўстларнинг вафосизлиги, замоннинг норасолиги, ватан фироғи, соғинч изтироблари кўп бўлган. У ўз ватани, мамлакатини обод, халқининг осойишта, фаровон яшашини истаган. Бунинг учун ҳукмдор адолатли, халқпарвар бўлиши лозим деб билган. Шунинг учун ғазалларида ишқ-муҳаббат, вафо ва садоқатни ўйлаш баробарида ватанга бўлган оташин муҳаббати ҳам ўз аксини топган. "Оҳким, номеҳрибоним азми бедод айлади" деб бошланувчи ғазали ёрнинг вафосизлиги, унинг ошиққа жабр-зулми, бунинг оқибатида дўстларнинг ғамгинлиги, маъшуқа киприги жаллодга айланганда ошиқ аҳлига чора йўқлиги тасвирланади.

Кўнгли мулкин истар обод, ваҳ, бузар хайли фироқ,
То Навоий азми мулки Астробод айлади.[4]

Ғазал мақтаъсида ошиқнинг маъшуқа васлидан айро тушиши унинг ўзи учун қадрдон бўлган Ҳиротдан Астрободга борганлиги кўнгли мулкини бузганлигига нисбат этиляпти. Бундан Навоийнинг ўзи туғилиб вояга етган Хуросон мамлакатининг пойтахти Ҳирот шаҳрига фарзандлик меҳри ниҳоятда баланд эканлигини сезиш мумкин.

Навоийнинг мамлакат ободлиги, халқнинг фаровонлиги адолатли ҳукмдорга боғлиқлигини, юксак ватанпарварлик туйғуси халқнинг ҳукмдорга бўлган меҳр-муҳаббати билан белгиланиши "Фарҳод ва Ширин", "Садди Искандарий" достонлари, "Ҳилолия қасидаси", "Соқийнома", "Вақфия" асарларида ўз ифодасини топган. "Хамса" достонларининг барчасида Ҳусайн Бойқаро мадҳига кенг ўрин берилган. Улуғ мутафаккир Ҳусайн Бойқарони ўз даврининг энг адолатли подшоҳи сифатида таърифлаш билан бирга золим подшоларни ҳам назардан қочирмайди, уларнинг халққа қарши кирдикорларини аёвсиз фош этиб ташлайди. Бу билан у ўзини ватанга фидойи эканлигини, ватан ободлиги, халқнинг тинчлиги, фаровон ҳаёти ҳамма нарсадан юқори туришини таъкидлайди. Шу жиҳатдан "Ҳилолия" қасидасида Хуросон тахтига эндигина ўтирган Султон Ҳусайн Бойқаронинг шоҳ сифатидаги фазилатларини кўкларга кўтариб мақташи бежиз эмас. Уни шундай таърифлайди:

Шоҳлар дарвешию дарвешлар
шоҳики Ҳақ
Шоҳ қилди сувратин, дарвеш
қилди сийратин.[5]

Профессор Азиз Қаюмов ушбу байтни қуйидагича шарҳлайди:

"Бу ерда Навоийнинг дарвешликни қанчалар улуғлаётганига аҳамият беринг. Демак, инсонлар ичида энг буюги, энг юксак олижаноб даражадагиси дарвешдир. Бу ерда дарвеш девона, телба маъносида эмас, энг пок тийнат, тубан интилишлардан холи, элу юртга, одамларга меҳрибонликда фидойи бўлган зот кўзда тутилади".[6]

Навоий қасидада Ҳусайн Бойқарони энг адолатли подшо сифатида таърифлар экан, уни мамлакатни обод қилишга, халққа осуда ҳаёт, фаровонлик бунёд этишга чорлайди. Адолатли ҳукмдорнинг туғи, қиличи, саркардалиги ватанни янада обод қилишига ишонч унда балқиб туради. "Хамса"нинг "Ҳайрат ул-аброр" достонида Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган мадҳияда ҳам унинг баҳодирлиги, ғолибона

юришлари халқ бахт-саодати учун эканлиги тасвирланади. 59 байтдан иборат мадҳиянинг иккинчи қисмида ҳам Султон Ҳусайн Бойқаронининг аждодлари ҳақида сўз юритади:

"Хон келибон ҳам ота, ҳам от анга,
Фақр оти бирла мубоҳот(фахрланув) анга.

Турку мўғул қуллари хонлар анинг,
Мулк лиҳи(уники) мулкистонлар анинг.

Қуллиғи хонларга келиб фарзи айн,
Хонлару шоҳлар шоҳи Султон Ҳусайн".[7]

Ҳукмдорнинг адолатпарварлиги мамлакат ободлиги ва халқ фаровонлигининг асоси эканлигини таъкидлаш билан бирга халққа қайишмайдиган, жабр-зулмни ҳаддидан ошириб юборадиган ҳукмдорларни қаттиқ қоралаган. Буни шоирнинг барча асарларида кўрамиз. Шоир замондошларининг хотираларида ҳам Навоийнинг адолатли шоҳ ҳақидаги идеали аниқ ифодаланган. Мирхонд "Равзат ус-сафо" асарида "у соф қалбли амир(Навоий) Абусаид мирзонинг замонида Хуросон дорус-салтанатиға(пойтахтига, Ҳиротга) бориб, бир неча кунини у иқбол уйи остонаси мулозаматида ўткарди, аммо ўзининг ҳолига яраша риоят(ҳурмат, обрўй) ва тарбият тополмади"[8], дейди. Абусаиднинг жоҳил, шафқатсиз ҳукмдор бўлганлиги туфайли Навоий ўзига қадрдон бўлган Ҳиротни ташлаб кетишга, бир неча йил Самарқандда яшашга мажбур бўлади. Абусаид хизматидаги амалдорлар ҳам ўзи сингари шафқатсиз бўлишади. Шулардан бири ўша давр шоирларидан Муҳаммад Солиҳнинг отаси Нур Саидбекдир. "Мажолис ун-нафоис"да унга шундай таъриф беради: "Муҳаммад Солиҳ-исми муносабати била "Солиҳ" тахаллус қилур эрди. Нур Саидбекнинг ўғлидурким, (Нур Саидбек) кўп вақтлар Чоржўй навоҳисидан Адоқ навоҳиси дегунча аморат(амирлик) қилди ва Султон Абусаид мирзо эшигида, Улуғбек(Абусаид мирзонинг ўғли) ва Жўги мирзо эшигида соҳиб ихтиёр(катта ҳуқуқларга эга мансабдор) ва жумматул-мулк(бутун мамлакатга хўжайинлик қилувчи) эрди. Аммо баъоят бадфеъл ва бадхулқ(ёмон хулқли) киши эрди. Ўзи(Муҳаммад Солиҳ) мулойим йигитдур. Атворининг отаси атворига нисбати йўқтур(хулқи отасининг хулқига ўхшамайди)".[9]

Ўз замонасида ана шундай ҳукмдорларни кўргани учун ҳам ўз асарларида бундай золим ҳукмдорларни танқид қилади. ҳажв тиғи остига олади, кўп ўринларда уларни инсоф ва адолатга чорлайди, шоҳларнинг фақат яхши сифатларга эга бўлиши лозимлигини уқтиради. "ўаройиб ус-сиғар"дан ўрин олган мана бу қитъада шоҳнинг халққа жабр-зулм қилишини қоралайди:

Шаҳо, эл жавҳари жонин чиқардинг,
Жавоҳир ҳирсидин бедод этиб фош.

Чу ўлгунгдур не осиғ тўкмак они
Мазоринг узра андоқким, ушоқ тош.

Мазмуни: Эй шоҳ, жавоҳирга ҳирс қўйиб, халқнинг жонини олдинг, унга зулм қилдинг. Бир кун ўласан, қабринг устига тўкиладиган майда тош каби жавоҳир тўпламоқдан не фойда?[10]

"Хазойин ул-маоний"нинг биринчи девонига кирган асарлар шоирнинг навқирон йигитлик даврида яратилган бўлиб, бу даврда она юртдан айрилиқ жафосини кўп чекди. Шунинг учун бу даврда яратган ғазаллари, рубоийлари, қитъалари ва назмнинг бошқа жанрларидаги асарларида ватанни қўмсаш, она юртдан йироқда пайтидаги ёлғизлик, вафосизлик ва ғам-андуҳ мотивлари кўпроқ намоён бўлган. "ўаройиб ус-сиғар" девонидан ўрин олган рубоийларнинг аксариятида ана шу руҳ балқиб туради.

Оллимда табиби чорасозим ҳам йўқ,
Ёнимда рафиқи дилнавозим ҳам йўқ.
Теграмда аниси жонгудозим ҳам йўқ,
Бошимда шаҳи бандавозим ҳам йўқ.

Шоир она юртдан йироқда дардига малҳам бўлгувчи табиб ҳам, ёнида жон куйдирувчи дўст ҳам, бошида парвариш қилувчи шоҳ ҳам йўқлигидан шикоят қилади.

Ким кўрди экин жаҳонда оё хушлуқ,
То бир киши айлагай таманно хушлуқ.
Юз йилда агар бир ўлса пайдо хушлуқ,
Омодадур ёнида юз нохушлуқ.

Ёки:

Ўлсам ясаманг мунда мазоримни менинг,
Юклаб элитинг жисми фигоримни менинг.
Ўтру чиқариб аҳли диёримни менинг,
Қуйида қўюнг тани низоримни менинг.[11]

Олдинги рубоийда жаҳонда ҳеч ким хурсандчилик кўрмаганлиги, юз йилда бир марта хурсандчилик пайдо бўлганда ҳам у билан бирга нохушлик ҳам бўлиши айтилса, кейинги рубоийда она юртга садоқат, соғинч ҳисси намоён бўлади. Шоир ярадор, жароҳатли танини ўз юртига кўтариб олиб кетишларини, аҳли диёри қаршисига элтишларини сўрайди.

Алишер Навоий асарларида Ватан туйғусининг куйланиши бугунги кунда баркамол авлоднинг вояга етишида, уларда ватанпарварлик, халқпарварлик фазилатларини камол топтиришда ўзининг тарбиявий аҳамиятини заррача бўлса ҳам йўқотган эмас. Биз Алишер Навоийнинг ватанга муҳаббат, садоқат ва фидойиликка чорловчи асарларидан ҳамиша сабоқ оламиз.

Адабиётлар:

1. Султон Иззат, Навоийнинг қалб дафтари, ўафур ўулом номидаги Адабиёт қва санъат нашриёти, Т.: 1969 й. Б.11.

(Sultan Izzat, Navoi Heart Book, Literary Publishing House named after Gafur Gulom, T.: 1969 y. P.11.)

2. Ўша асар, Б.12.

(The same source, P.12.)

3. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. Саккизинчи том. Фарҳод ва Ширин. Т.: "Фан" нашриёт, 1991, Б.475.

(Navoi Alisher. Complete collection of works. The eighth roof. Farhad and Shirin. T.: "Fan" publishing house, 1991, P.475.)

4. Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний, Учинчи девон, "Бадоеъ ул-васат". Т.: "Тамаддун", 2011 й. Б.617.

(Navoiy Alisher. Khazoyin ul-maoniy, Third Devon, "Bado' ul-vasat". T.: "Tamaddun", 2011. P.617.)

5. Ўша асар, Б.672.

(The same source, P 672)

6. Азиз Қаюмов. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. Т.: "SHARQ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2014 й. Б.65.

(Aziz Qayumov. Dilkusho Republishers and Spiritual Envoys. T.: General Directorate of Publishing and Printing Joint Stock Company "SHARQ", 2014 P.65.)

7. Қаюмов Азиз. Дилкушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. Т.: "SHARQ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2014 й. Б.69.

(Kayumov Aziz, Dilkusho Repetitions and Spiritual Researches. T.: General Directorate of Publishing and Printing Joint Stock Company "SHARQ", 2014 P.69.)

8. Султон Иззат. Навоийнинг қалб дафтари. Т.: ўафур ўулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1969 й. Б.131.

(Sultan Izzat. Navoi Heart Book. T.: Literary and Art Publishing Center named after Gafur Gulom. 1969 y. P.131.)

9. Ўша асар, Б.132.

(the same source. P.132.)

10. Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний. Биринчи девон. "ўаройиб ус-сиғар". Т.: "Тамаддун", 2011 й. Б.724.

(Navoiy Alisher. Khazoyin ul-Maoniy. First Devon. "G'aroyib us-sig'ar". T.: "Tamaddun", 2011 P.724.)

11. Навоий Алишер. Хазойин ул-маоний. Биринчи девон. "ўаройиб ус-сиғар". Т.: "Тамаддун", 2011 й. Б.746-747.

(Navoiy Alisher. Khazoyin ul-Maoniy. First Devon. "G'aroyib us-sig'ar". T.: "Tamaddun", 2011 B.746-747.)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ФУЗУЛИЙ ВА XV АСР ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ

Конул Ҳажиева Ҳемид қизи
Озарбайжан миллий илмлар академияси, Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг етакчи илмий ходими, доцент, филология илми буйича фалсафа доктори
konulhaciyeva75@gmail.com. http://dx.doi.org/10.26739/prefix
For citation: K. Ҳажиева. Fuzuli and the 15th century Azerbaijan literature. International Journal of Word Art. 2018, vol. 2, issue 3, pp. 30-36

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-4

Келиб тушган сана 6 апрель, 2018
Эълон қилинган сана 25 апрель, 2018

АННОТАЦИЯ

XVI аср Озарбайжон адабиётининг шаклланишида XV аср шоирларидан Ҳабибий, Халилий, Кишварий, Шоҳ Қосим Анвор ва Бадр Ширвоний ижоди ҳал этувчи роль ўйнаганини кўришимиз мумкин. Алоҳида-алоҳида шоирларнинг поэтик топилмалари орасида ўхшашликлар, менгзайишлар, ҳам шаклда ҳам мазмунда устма-уст тушган мақомларга диққат қилинса, мароқли натижаларни келтириб чиқаришига гувоҳ бўламиз. Фузулийнинг бир сира ғазалларида XV аср шоири Халилининг хос услуби, шеърларидаги ўзига хосликни кўриш мумкиндир. Фузулий ижодида XV юз йилликнинг энг яхши шоирлари қаторида Амир Ҳидоятнинг ҳам катта таъсири бўлганлигини кўриш мумкин. XVI юз йиллик шоирларининг ижодида ўзининг оригинал поэтик анъаналари билан нуфуз бағишлаган яна бир атоқли санъаткор Ҳабибийдир. Адабиёт тарихимизда Ҳабибийдан ҳақли ўлароқ истеъдодли сўз устаси кам топилади. Неъматиллаҳ Кишвари XV юз йиллик Озарбайжан поэзиясининг устоз шоирларидандир. Кишварийнинг бадиий тафаккуридаги реализм, поэтик услубидаги самимийлик бутун ижоди давомидаги ўсиб, шундай бир қаноатга келадики, Фузулий поэзиясида Кишварий шеъриятининг таъсирини ва янги давомини кўрамиз. Истаса, она тилида, истаса форс тилида ёзилган асарларида шоирлар XVI юз йилининг диққатга сазовор адабий сиймоси бўлган Фузулий меросига таъсири неча-неча гўзал санъат намуналарининг яратилишига омил бўлди.

Калит сўзлар: Фузулий, Озарбайжон, адабиёт, таъсир, шоир.

ФУЗУЛИ И АЗЕРБАЙДЖАНСКАЯ ЛИТЕРАТУРА15-го ВЕКА

Конул Хажиева Хемид кизи
Кандидат филологических наук, доцент.
Институт литературы имени Низами Гянджеви,
Национальной Академии Наук Азербайджана

АННОТАЦИЯ

В формировании азербайджанской литературы шестнадцатого века мы видим решающую роль поэтов XV века таких как Хабиби, Халили, Кишвари, Шах Касим Анвар и Бадр Ширвани. Обращение внимание на сходства и перекрывающиеся моменты по форме и содержанию континента в поэтическом наследии отдельных поэтов, приводят к интересным результатам. В

некоторых газелях Физули можно увидеть стиль поэта XV века Халили. Еще один выдающийся поэт, это Хабиби, который оказал большое влияние с его оригинальными поэтическими традициями на поэтов XVI века. Нематулла Кишвари тоже является одним из поэтов пятнадцатого века азербайджанской поэзии. Реализм в литературной мысли Кишвари, искренность в его поэтической стилистике виден во всем его творчестве и в поэзии Физули мы видим влияние поэзии Кишвари. С произведениями, написанными на родном и персидском языках, эти поэты смогли повлиять на наследие Физули, замечательного литературного деятеля XVI века.

Ключевые слова: Физули, Азербайджан, литература, влияние, поэт.

FUZULI AND THE 15th CENTURY AZERBAIJAN LITERATURE

Konul Hajieva Hemid kizi
Candidate of philological sciences, assistant professor.
Azerbaijan National Academy of Sciences, Institute of Literature named after Nizami Ganjavi.

ANNOTATION

In the formation of Azerbaijani literature of the sixteenth century, we can see that Habibi, Khalili, Kishwariy, Shah Kasim Anvar and Badr Shirvani play a decisive role in the formation of the poets of the15th century. The poetical heritage of the individual poets show that the similarities, stereotypes, and patterns that are dominant in the content of the poems are very interesting. In some ghazals of Fuzuli it is possible to see the original style and poetry of the poet Khalili of the 15th century. Another outstanding poet, Habibi, who had the creator a great influence on the 16th century's poets, with his original poetic traditions. Nematulla Kishvari is one of the poets of the fifteenth century of Azerbaijan poetry. The realism in Kishvari's literary thought, the sincerity in his poetic style, has grown throughout his creative work, and we find that in Fuzuli's poetry we see the influence of Kishvari poetry. With their works written in native and Persian languages they were able to influence to the heritage of Fuzuli, a remarkable literary figure of the 16th century, and plenty of works were writter.

Keywords: Fuzuli, Azerbaijan, literature, influence, poet.

Шоирларнинг ўтган адабий мактаблардан фойдаланиши, ўзидан аввал ижод этган қалам соҳибларидан таъсирланиши ҳар қандай вақтда ҳам поэзия тадқиқотчиларини назар диққатини жалб этади. Бу даврда назираларнинг кенг ёйилганлиги, сон-у ҳисобсиз назира намуналарининг майдонга келиши ижодий "баҳрамандлик" ва "изланиш"нинг маҳсули эди. Адабиёт тарихида бу ҳақда шундай ёзадилар: "Адабиёт тарихимизнинг ойдинлашишида унумли бўлган асарлардан бири "назира мажмуалари"дир.Турли даврларда рағбат кўрган шоирлар шеърлари билан қандай даражада ва не қадар ўз асарларидаги битиклари давр шоирларининг шеърларини англашлари, уларнинг завқи, кайфияти, радиф ва вазн йўналишидаги ўзига хосликлари бу назира мажмуаларини жилоланиб ўртага чиқишига сабаб бўлди." [13,229] Алоҳида-алоҳида шоирларнинг поэтик топилмалари орасида ўхшашликлар, менгзайишлар, ҳам шаклда ҳам мазмунда устма-уст тушган мақомларга диққат қилинса, мароқли натижаларни келтириб чиқаришига гувоҳ бўламиз. Фузулийнинг бир сира ғазалларида XV аср шоири Халилнинг хос услуби, шеърларидаги ўзига хосликни кўриш мумкиндир. Адабиёт илмида Халилнинг ижоди Фузулийнинг буюк шоир бўлиб етишиши учун замин яратганлиги ҳақида айтиб ўтилган. Туркиялик тадқиқотчи Ш.Кузучилар ўз тадқиқотларида Халилнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида муҳим ва мароқли маълумотларни келтириб, бу масалада ўз муносабатини билдириб ўтган: "XV аср Озарбайжон шеъриятининг таниқли намоёндаларидан бири Халилидир. У Озарбайжонда туғилди, таҳсил олди ва шоир бўлиб етишди. Озарбайжонда Фузулийдек ижоди унумли бўлган шоирни етишиб чиқишида самарали таъсирини кўрсата олган. Халилдан сўнг Фузулий

Озарбайжан классик шеъриятининг энг унумли ижод қилган шоирларидан биридир." [10,1] Фузулийнинг машҳур бир байти Халили шеърининг сирли жозибасидан илҳомланишидан қаламга олингандир. Халили ёзади:

Ол манам ким қолмасам
жонон йўлида жона ман
Жон надир ким ани
қурбон этмаган жонона ман.[8,68]

Фузулий ғазалида шундай дейилади:

Жонимни жонон агар истаса,
миннат жонима,
Жон надирки, уни қурбон
этмасам жононага. [12,536]

Тил услуби ва ифода тарзидаги яқинлик Фузулийнинг Халили шеъриятидан кучли шаклда таъсирланганлиги ва унинг ғазалларидан илҳомланганлигини кўрсатади. Фузулийнинг назари тушган байт бир асрдан сўнг Халилининг тушунчаларининг давоми ўлароқ ўртага чиқди. Бу издошлик оҳанглари таъсир тўлқини шаклида кўринади.

Фузулий ижодида XV юз йилликнинг энг яхши шоирлари қаторида Амир Ҳидоятнинг ҳам катта таъсири бўлганлигини кўриш мумкин. Буни англаш учун ҳар икки шоирнинг ижоди, услуб ва поэтик ифода тарзига яқиндан боқиб диққатли муқояса қилинса кифоятдир. Туркиялик олим Й.Акпинар асарларидан бирида Озарбайжан поэзиясининг такомиллашишида Ҳидоятнинг ҳиссаси борлигини қайд этади, унинг "Фузулийга бир замин" тадқиқотида бу фикрни илгари суради. [1,25]. Фузулийнинг юксак санъаткорликда қаламга олинган "Учундир" радифли ғазали Ҳидоятнинг шеъри таъсирида ёзилган. Ҳидоятнинг ғазалида ўқиймиз:

Ёқди мани парвонадек ул партави рухсор,
Шамнинг ёруғиким,
ёнгани парвона учундир. [4,293]

Фузулийнинг ғазалида эса бундай дейилади:

Ёқдим танимни васл куни шамдек, аммо
Билким, бу тадорик шаби
ҳижронинг учундир. [5,46]

Ҳидоят:

Жисмимдаги жон сен севгили
жонона учундир,
Қасд қилганим жонимни жона,
не учундир [4,293]

Фузулий:

Жон бер, кўнгил, ол ғамзаниким,
мунча замонлар,
Жон ичра сени асраганим
анинг учундир. [5,46]

Услуб ва тасвир тарзидаги ўхшашлик кўзу қабоғдагидек. Бу ҳам таниш бўлмаган ҳақиқатлар Ҳидоятнинг шоирлик истеъдодини, ташбеҳ, истиора ва бошқа воситалар билан поэтик яратиқнинг натижаси ва айни мазмун тушунчалар Фузулий таъби ила ўзини махсус шаклда жилоланган айри бир муваффақиятли оҳангларда эътиборни қозонгандир. Фузулийнинг"сув" радифли қасидасини ҳам бу шоирларнинг таъсирида ёзганлигини гувоҳи бўлиш мумкин.

Ҳидоятнинг қуйидаги ғазалига назар солайлик:

Улки, хатти мушкбари
нақши-райҳон айламиш,
Хоҳламиш улки,
юз узра паришон айламиш.
Кўзлари наққоши шул,
киприклари найзасин,
Қонима ёймиш гули-авроқин
афшон айламиш. [11,319]

Фузулийнинг бу байтларнинг таъсирида ёзган ғазалига диққатни қаратамиз:

Токи, тоқи зарнигорин
чарх вайрон айламиш,
ўишти зарринин сабо,
фарши-гулистон айламиш
Қат етиб фасли-хазон
оби-равон овозасин,
Нусхаи-гулзорин
авроқин паришон айламиш. [5,63]

Келтириб ўтган намуналардаги яқинлик эҳтимолимизни айни бир шаклда эканлигини тасдиқлайди. Ҳидоят бу ғазали

билан ғоят катта бир мукаммал поэзия инжусининг туғилишига туртки берган. Шоирнинг санъаткорона сўзи, қобилияти Фузулийнинг юксак бадиийлик билан йўғрилган гўзал асар яратишига руҳлантира олган. Ҳидоятнинг шоир бўлиб олий даражадаги шоирлиги илҳомчиси сифатида Навоий ва Насимийдан таъсирланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Умуман олганда, поэзиядан таъсирланиш, шоирларга назиралар битиш ҳар замонда ҳам актуал бўлган. Хусусан, ғазал жанри бу маънода шоирларнинг диққатини энг кўп жалб этган.

Эришди ёзу чечак, тутди боғу зоғ этагин,
Тавоф учун чалди шукуфа оғ этагин.
Меҳмон бўлди гулу ғунча бўстонда яъни,
Насим олтин билан тўлдирар
меҳмон этагин. [4,277]

Баҳор келишининг, табиатнинг жонланишини образли шаклда тасвирланиши бу ғазалнинг поэтик жозибаси таъсирида пайдо бўладики, Фузулий шундай ёзади:

Айла олур кезинчак қип-қизил
гулу раъно этагин,
Ваҳм етарким, тутиб бир
ошиқи-шайдо этагин.
Билди ким. Хоки-ранг олмиш
этагин тутмоқ учун,
Кўтарар, тушмасга қўймас,
ерга энди этагин. [5,46]

Кўриниб турибдики, бу ерда шеър образли тасвирлар узвларида қурилган. Лекин, Фузулий Ҳидоятдан фаркли ўлароқ ёз фаслини табиатни жонлантиришини, гўзалнинг васфини, ошиқнинг севгилисига бўлган ҳайронлигини тараннум этган. Оқибатда, Фузулий Ҳидоятнинг ижодидан баҳра олганлиги шубҳасиздир. Бошқа бир ғазалида эса, айни шу мисра такрорланади. Фузулий бу ғазали орқали Ҳидоятнинг шеърига жавоб ёзадики, бир асрдан кейин унинг мисраларига ҳамоҳанг мушоира этилишига сабаб бўлади. Ҳидоятнинг ғазалида дейилади:

Куйинда маскан этди,
кўнгил ёқма ҳажр билан,
Чун жаннат аҳлидир,
нега унга азоб берарсан. [4,267

Бу байтлар эса, Фузулийдандир:

Жаннат таклифи айлама,
куйган кўнглимга,
Чун жаннат аҳлидир,
нега берурсан азоб унга. [5,21]

Кўздан кечирганимиз ғазалнинг назира намунаси деб ҳисобласак бўлади. Бу ва мисол келтирган бошқа шеърлар Фузулий поэзиясининг Ҳидоят ижоди билан алоқасини яққол шаклда кўрсатади. Унинг ҳар жиҳатдан Ҳидоятнинг бадиий талқинларига яқинлиги, бу поэзиянинг санъат жозибасидан қутулиб билмаслигини тасдиқлайди. Яна шуни қайд қилиш керакки, она тилли адабиётимизнинг инкишофида инкор этилмас роли бўлган, туғма тилимизга гўзал поэтик намуналар яратган Амир Ҳидоят бадиий ижодининг ўрганилиши XV-XVI асрлар Озарбайжон поэзиясининг тараққиёти, XV юз йиллик Озарбайжон адабий тилининг тадқиқи нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

XVI юз йиллик шоирларининг ижодида ўзининг оригинал поэтик анъаналари билан нуфуз бағишлаган яна бир атоқли санъаткор Ҳабибийдир. Адабиёт тарихимизда Ҳабибийдан ҳақли ўлароқ истеъдодли сўз устаси кам топилади. "Ҳабибийнинг бу кунларга қадар яратилган шеър намуналари унинг қудратли санъаткорлигидан далолат беради. Шоирнинг халқ оғзаки ижоди услубида ёзилган асарлари унинг Озарбайжан тилининг нақадар залворлилигини кўрсатувчи далилдир." [6,363] Шоирнинг залворли поэзияси ўзидан кейинги сўз майдонига келган қалам соҳибларининг шоир бўлиб пухта шаклланишига таъсир кўрсатган. Истар Султон Ёқубнинг ёнида сарой шоири бўлган. У Усмонли ҳукмдор саройидаги Ҳабибий шеъриятининг таъсир доирасида етишган шоирлардан ҳисобланади. ўзалларидан баъзилари ўзининг юксак поэтикаси ва санъаткорлиги билан Фузулийнинг диққатини тортади. Ҳабибийнинг шеърларидан бирида ўқиймиз:

Биллаҳ, эй сарви-равон,
турғил саҳар, гулшан дегил,
Кун юзинг шаъми билан-да
гулу гулшанда гул.[4,363]

Фузулий ғазалида эса:

Ҳеч сунбул сунбули - зулфинг каби
мискин дегин,
Нафъайи -Чини сочин танҳо дерлар,
аммо чин дегил.[5,74]

Ҳар икки шоир туркчанинг чуқур маъно ва шакл имкониятларидан фойдаланиб гўзалнинг ўзига хос тасвирини яратган. Инжа маъно дурларидан фойдаланиб, тасвирда энг кичик чизгиларни назарга олишади. Бу эса, шоирларнинг ҳар иккаловининг услубига хос жиҳатлар сифатида кўринади. Лекин, эътироф этиш лозимки, Фузулий қалами ўзидан олдинги шоир таъбидан туғилган услуб жилосида ўзгача шаклда тадбиқ этилган. Юксак бир поэзия инжуси билан Фузулий санъаткорлиги ўз мукаммаллиги билан ажралиб турибди. Унинг мусаддас жанридаги ижоди Фузулий назираси билан маълумдир. Бу борада ўқиймиз: "Ҳабибийнинг "Дедим, деди" мусаддаси Фузулийнинг диққатини тортган. "Тун соя қилди бошимга бир сарви сарбаланд" мисраси билан бошланган мусаддасини у Ҳабибийга назира тарзда қаламга олсада, лекин, салафини санъаткорлигидан ўтиб, мисли кўрилмаган бадиий намунани яратишга муваффақ бўлади." [6,363] Яна Ҳабибий ижодига тегишли Фузулийнинг диққатини тортган шеърларидан бирига назар солсак.

Тил сочингдан олди савдойи мизож,
Жона, ширин лабларидан
эт илож. .[4,375]

Фузулий бу сатрларда ифода этилган фикрга янги поэтик мазмун ва бадиийлик сингдирганки, бу ғазалнинг оригинал мазмунига ҳеч бир халал бермайди. Фузулийнинг назар-диққатини жалб этган бу ғазалда Ҳабибий ишлатган ифодалар Фузулий ғазалининг такрори эмас, балки, ўз салафининг таъсирида яратилган оҳорли, ўзига хос янгича жарангга эга ғазал дейишга асос беради.

Неъматиллаҳ Кишвари XV юз йиллик Озарбайжан поэзиясининг устоз шоирларидандир. Кишварийнинг залворли тахаййулини, она тилида юксак санъаткорликда шеър ёзиш қобилиятини бир шўх ғазалида кўриш мумкиндир. Шоир шеърияти тили зариф ва ўзини махсус безаклари билан залворлидир. Лекин шоирнинг тилида бу қанчалик қулай эшитилса, нозиклик ва ҳиссиётдан шеърда вазминлик кучаяди. Кишварий ижодида ҳаётдаги оғирликлар, бадбинликлар ўрнини некбинлик, эртанги кунга умид ҳислари сезилиб туради. "Унинг шеърларида ҳали Фузулий ғазалларига махсус дунё қадари ҳоким эмас. Шоирнинг шеърларида бадиий-фалсафий умумлашмалар, рамзлар, ҳаётийлик келажакка боғлиқлик уфуриб туради." [12,391] Эътиборимизни тортган жиҳат Кишварий ижодининг "жозиба"сини номламоқ бўларди. У яратган жозиба доирасида ўзи билмаган буюк санъаткорни жалб этади. Ана шу сабабга кўра "Озарбайжон адабиёти тарихида ўз санъаткорлиги билан танилган Фузулий лирик шоир сифатида ўтган улкан салафининг давомчиси сифатида тадқиқ ва таҳлил этилмоқда." [2,73] Атоқли филолог Н.Жафаров муҳаббат мавзусининг Кишварий шеърларида юксак реалистик савияга эгалигини қайд этади: "Кишварийнинг тўлиқ маънода реализми муҳаббат муносабатида қабариқ шаклга эга. Ҳатто, шоир конкрет шароитда, Фузулийни ҳам ўзига тортиб, у "бир ёр ишқини" деб нималардан кечмайди... "[7,63] Кишварийнинг бадиий тафаккуридаги реализм, поэтик услубидаги самимийлик бутун ижоди давомидаги ўсиб, шундай бир қаноатга келадики, Фузулий поэзиясида Кишварий шеъриятининг таъсирини ва янги давомини кўрамиз. Унинг мағзи яна бориб ана шу реализмга боғланади. Кишварий ёзади:

Сендан айру юз ғаму маъломатдир манга,
Не хошам, не нахошам,
билмам не ҳолатдир манга.[4,301]

Фузулийда эса бундай ўқиймиз:

Ҳар замон манзур бир
шўхи -ситамгордир манга,
Қанча ўлсам бир бало
Ҳақдан муқаддордир манга. [5,26]

Ҳар икки шоир қаҳрамони "дард ва меҳнат" қилганидан, "бало ва ситам"га дуч келганидан зорланади. Поэтик кўчимдаги безак ҳам назардан четда қолмаган. Бошқа бир ғазалда яна ўхшаш ифода шаклини кузатдик. Кишварий шундай дейди:

Вой ким, бўлмас мана ул
лаъли - руҳафзо насиб,
Лабларин шарбатидан бенасибим,
ё насиб. [4,303]

Фузулийда эса бундай дейилади:

Дарди ишқим даъфина заҳмат
чекар доим табиб,
Шукрким, бўлмиш унга заҳмат,
манга роҳат насиб. [5,30]

Албатта, тўғри, фикрлар баёнида ўзгариш бор, лекин Кишварийда шикоят руҳи ҳоким бўлса, Фузулийда эса, шукур ва ўз ҳолидан мамнунлик аломатлари зуҳур бўлади. Кишварийнинг Алишер Навоий шеъриятидан қилган тахмисларидан баъзилари Фузулий даҳосини ҳаяжонга солиб, шоирнинг энг ажиб илҳом қайноқларидан бири ҳофизасига қуйилиб қолган, тили озарчага ўгирилган ғазалларнинг майдонга келишига сабаб бўлгандир.

Кишварийнинг шу тахмисларидан бирига назар солайлик:

Кўҳли мазоғ-ул башар ул
чашми-фаттониндадир,
Оби ҳайвон чашмаси,
чоҳи зиноҳдониндадир,
Шохи-Туба шеваси
сарви-хиромониндадир,
"Шул пари-пайкарки,
тил зулфи паришониндадир,
Ояти-ҳусни малоҳат
шул пари шониндадир" [9,152]

Фузулий:

Ошиёни мурғи дил зулфи
паришонинд адир,
Қайда бўлсам, эй пари,
кўнглим сенинг ёнингдадир. [5,50]

Эътироф этиш лозимки, Кишварийнинг кашфиёти яъни, санъаткорлик маҳорати неча-неча истеъдодларни унумли одимламоққа бошлаган. Санъат машъалини ёққан шоирларга унинг ижод йўли алангаси қалбларига ижод ишқини солади. Сўзсиз, ҳар бир шоир ўз салафларидан ўзлаштирган услуб ва анъаналарни ўз ижодига тадбиқ этаркан, унга ўз характер хусусиятлари ҳам сингдирилиши айни ҳақиқатдир. Шу фикрга асосланиб, Кишварий шеърларида кўрганимиз донишмандлик ва Фузулий ижодида буни яна такомиллашгани, сабр ва яна кўп донишмандлик билан қаршимизга чиқади.

Кишварий ижодининг "Донишмандлик касб этган бардош"деб номланиши бежизга эмас. [7,63] Академик Ҳ.Арасли ҳам Неъматулоҳ Кишварийнинг Фузулий шеъриятига таъсирини сезган илк тадқиқотчилардан бири сифатида фикр билдиради: "Кишварийнинг "Девон"ини тадқиқ этганимизда маълум бўлдики, доҳий Озарбайжон шоири Фузулий Кишварий ижодидан кўп жиҳатларни ўрганган. Фузулий Кишварий шеърларини қалбида бир муҳаббат ила ўқиган, унга бағишлаб назиралар ёзган, унинг тил бойлигини, ифода тарзини ўзлаштирган. Бу эса, Кишварийни Фузулийнинг атоқли салафларидан бириси адабиёт тарихимиз учун қийматли бўлганини тасдиқлайди." [3,290] Кишварий санъатининг поэтик гўзалликлари ҳақида кўпдан-кўп саҳифаларни тўлдирмоқ, узундан - узун тадқиқотларни олиб бориш мумкин. Натижада эса, бу қаноатга келдикки, XVI аср Озарбайжон адабиётининг шаклланишида XV юз йиллик шоирларидан Ҳабибий, Халилий, Кишварий, Шоҳ Қосим Анвор ва Бадр Ширвоний ижоди ҳал этувчи роль ўйнаганини кўриш мумкин. Истаса, она тилида, истаса форс тилида ёзган асарларида улар XVI аср юз йилликнинг диққатга сазовор адабий сиймоси бўлган Фузулий меросига таъсири неча-неча гўзал санъат намуналарининг яратилишига омил бўлди. Бу таъсир Фузулийни, иложсиз XVI аср шоирларининг таъсири, ўтмиш меросидан баҳрамандликка чорлади. Ўзидан олдин ижод этган қалам соҳибларининг асарларидаги идеал ниҳоятда жозибали бўлиб, бу ижодкорни руҳлантирган. Ижод аҳлида бундай яқинлик бегона бўлмай, адабий меросдан чуқур кайфият олиб туркий шоирлардан бадиий фикр, санъатга муносабатни ўрганиб, ижодларида муваффақиятли тадбиқ этдилар, улар ютуқларини давомчилари сифатида санъат оламида муваффақият қозона олдилар.

Ədəbiyyat:

1. Akpınar Y. Azeri edebiyatı araşdırmaları. İstanbul, 1994. 512 s
2. Ağayev F. "Nemətullah Kişvərinin həyat və yaradıcılığının öyrənilməsi tarixindən". Azərbaycan-Avropa ədəbi-mədəni əlaqələr mərkəzi. Kontekst toplusu. №3, Bakı.
3. Araslı H.Azərbaycan ədəbiyyatı: tarixi və problemləri.Bakı,1998
4. Azərbaycan klassik ədəbiyyatı kitabxanası. Bakı,1984, III c.
5. Azərbaycan klassik ədəbiyyatı kitabxanası. Bakı,1986, VII c.
6. Azərbaycan ədəbiyyatı tarixi. III cild. Bakı, 2009
7. Cəfərov N. Azərbaycanşünaslığın əsasları. Bakı, 2005.
8. Kavaklıyazı A. 15. Yüzyıl şairlerinden Diyarbakırlı Halîlî'nin şiirleri. Selçuk Üniversitesi/Seljuk University Edebiyat Fakültesi Dergisi/Journal of Faculty of Letters Yıl/ Year: 2015, Sayı/Number: 34 Sayfa/Page: 1-88.
9. Kişvəri. Əsərləri. Bakı, 2004.
10. Kuzucular Ş. Halili Hayatı ve Şiirlerinden Örnekler (Azerbaycan 15.yy)29 Temmuz2015Çarşamba http://www.edebiyatvesanatakademisi.com
11. Paşalı A. Əfsəhəddin Hidayət və "Divan"ı. Bakı, 2011.
12. Səfərli Ə., Yusifli X. Azərbaycan ədəbiyyatı tarixi. Bakı, 2008.
13. Şentürk A.A., Kartal A., Eski türk edebiyatı tarihi. İstanbul, 2004.

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ХОРАЗМ ТУРКИЙ-АДАБИЙ МАНБАЛАРИ ТАЛҚИНИДА ИЖТИМОИЙ-АДАБИЙ СИНКРЕТИЗМ (А.Н.Самойлович тадқиқотлари асосида)

Халлиева Гулноз Искандаровна
филология фанлари доктори, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети профессори
Юсупов Файзулла Анварович
Тошкент давлат шарқшунослик институти тадқиқотчиси
http://dx.doi.org/10.26739/prefix
For citation: Xalliyeva G. I. Yusupov F. A. Socio-literary syncretism in the interpretation of the Türkic-literary sources of Khorezm. International Journal of Word Art. 2018, vol. 2, issue 2, pp. 37-43.

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-5

Келиб тушган сана 20 март, 2018
Эълон қилинган сана 5 апрель, 2018.

АННОТАЦИЯ

Кейинги йилларда илмий-адабий тафаккур кундан-кунга янгиланмоқда, ўзбек тили ва адабиётининг халқимиз, жамиятимизнинг маънавий ривожида, замонавий илм-фан тараққиётида тутган ўрни ва роли билан боғлиқ долзарб мавзуларда муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўзбек мумтоз адабиётини ўрганган рус шарқшуносларининг изланишларини илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ қилишга кенг йўл ва имкониятлар очиб берилмоқда.

Рус шарқшуносларининг фактик маълумотларга бой бўлган илмий изланишлари туркий халқлар маданияти тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Рус олимлари ўз даврида илм аҳлига тақдим этган айрим манбалар, адабий-назарий қарашлар ҳозирга қадар илмий муомалага тўлиқ киритилган эмас. Рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиётига бўлган қизиқиш салкам 200 йиллик тарихга эгалиги ва жуда кенг маълумотлар манбаи мавжуд бўлишига қарамай, мазкур мавзу ҳанузгача махсус текширилмаган. Айниқса, Россия архивларидаги материалларга жуда кам мурожаат қилинган.

Ушбу мақолада XX аср боши рус шарқшунослигидаги тадқиқотларнинг характерли хусусиятлари, талқиндаги ижтимоий-адабий синкретизм рус олими А.Н.Самойловичнинг Хоразм туркий-адабий манбалари борасидаги илмий ишлари мисолида ёритилган. Олимнинг XIX аср Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ илмий ишларини алоҳида ўрганиш асосида унинг бадиий матн таҳлилидан кўра, асарнинг тил ва умумэстетик хусусиятларини очишга кўпроқ эътибор бергани, интерпретацияда ижтимоий-адабий синкретизм ҳамоҳанг бўлгани маълум бўлди. Мазкур илмий манбалардан биз бир йўла шу давр ижтимоий-адабий муҳити, адабий алоқалар, дипломатик муносабатлар, сарой маданияти ва шоирлари, ундаги илм ва китобхонликка муносабат ҳақида маълум тасаввурга эга бўламиз.

Калит сўзлар: шарқшунослик, А.Н.Самойлович, синкретизм, Хоразм адабий муҳити, Феруз,Табибий, Санкт-Петербург, архив, ижтимоий-адабий.

СОЦИАЛЬНО-ЛИТЕРАТУРНЫЙ СИНКРЕТИЗМ В ИНТЕРПРЕТАЦИИ ТЮРКСКО-ЛИТЕРАТУРНЫХ ИСТОЧНИКАХ ХОРЕЗМА

Халлиева Гулноз Искандаровна
доктор филологических наук, профессор УзГУМЯ
Юсупов Файзулла Анварович
Соискатель в Ташкентского государственного института востоковедения (ТашГИВ)

АННОТАЦИЯ

В последние годы с каждым днём всё больше проявляется обновление в научно-литературном мышлении, проводятся важные научные исследования по таким актуальным темам, как место и роль узбекского языка и литературы в развитии нашего народа, общества, современной науки и техники. В том числе, открываются широкие пути и возможности для научно-теоретического исследования изысканий русских востоковедов узбекской классической литературы.

Богатое фактическим материалом наследие русских востоковедов имеет важное значение в истории культуры тюркских народов. До сих пор не введены полностью в научный обиход литературно-теоретические воззрения русских востоковедов и их некоторые работы, внесшие существенный вклад в изучение настоящей проблемы.

Интерес русского востоковедения к узбекской классической литературе имеет почти 200-летнюю историю. Однако несмотря на это и на то, что имеется существенное количество научных исследований в этой области, до сих пор данная тема не изучалась специально, в монографическом плане. Необходимо отметить, что при исследовании данной темы ученые почти не обращались к материалам российских архивов.

В данной статье особенности российского востоковедения XX века, социально-литературный синкретизм освещён на примере исследований А.Н.Самойловича по Хорезмским тюрко-литературным источникам.

В ходе отдельного изучения научных работ учёного, связанных с Хорезмской литературной средой XIX века, выяснилось, что в них больше всего уделялось внимания раскрытию языковых и общеэстетических особенностей, чем анализу художественного текста, а интерпретации его характеризуются литературно-социальным синкретизмом. Благодаря его работам мы одновременно имеем представление о литературно-социальной среде, литературных и дипломатических связях, придворной культуре, поэтах, об отношении к наукам и книге того времени.

Ключевые слова: востоковедение, А.Н.Самойлович, синкретизм, Хорезмская литературная среда, Феруз, Табибий, Санкт-Петербург, архив, социально-литературный.

SOCIO-LITERARY SYNCRETISM IN THE INTERPRETATION OF THE TÜRKIC-LITERARY SOURCES OF KHOREZM

Xalliyeva Gulnoz Iskandarovna
doctor of philological sciences, professor of the Uzbekistan State world languages university
Yusupov Fayzulla Anvarovich
researcher at the Tashkent State Institute of Oriental Studies

ANNOTATION

In the recent years scientific-literary thinking is renewing, important scientific research on topical issues related to the role and significance of the Uzbek language and literature in the development of science is increasing day by day including our people's and society's spiritual development is carried out. There is great possibilities for scientific-theoretical study of Russian Orientalists who researched the Uzbek classical literature.

The research done by the Russian orientalists which is full of facts was of a great importance in the history of the Turkic people's culture. Some sources and literary-scientific viewpoints presented to the scientists by the Russian orientalists in its time were not introduced to science in full up to now. Investigating these sources in terms comparative literature, in the first place, researching archive sources in the Russian Archive determines the topicality of the thesis.

Despite the fact that interest in the Uzbek classical literature has a 200 years long history and there is much information the present was not topic of special investigation in the form of monograph up to know yet. Especially, the materials available in the Russian Archive were not referred much.

In this article, the features of Russian oriental studies of the twentieth century, social-literary syncretism is highlighted in the example of A.Samoilovich's research on the Khorezm Turkic literary sources.

On the basis of studying scholar's works related to the Khorezm literary atmosphere separately it became clear that he paid more attention to revealing of works language and general aesthetic peculiarities rather than belles-lettres (literary) text and in interpretation social-literary syncretism prevailed. On the basis of these sources we will have certain ideaabout social-literary atmosphere, literary ties, diplomatic relations, culture in the court and court poets, attitudes towards science and reading books there at that period at once.

Keywords: Oriental studies, A.N. Samoilovich, syncretism, Khorezm literary environment, Feruz, Tabibiy, St. Petersburg, archive, social-literary.

Миллий маънавий тикланиш ва маданий меросимиз намуналарини кенг тарғиб қилиш масаласи долзарб бўлган бугунги кунда, республикада ва чет элда мавжуд Хоразм туркий - адабий манбалари салмоғини аниқлаш, ўрганилиши билан боғлиқ маълумотларни юзага чиқариш, кенг тарғиб қилиш адабиёт тарихини янги фактлар ва қарашлар билан янада бойитади. Бу ўринда биз Хоразм туркий - адабий манбаларининг ўрганилишини рус шарқшуноси А.Н.Самойлович (1880-1938) илмий ижоди мисолида таҳлил этишни мақсад қилдик.

А.Н.Самойловичнинг бизгача етиб келган илмий-адабий мероси унинг ҳам адабиётшунос, тилшунос, матншунос, ҳам педагог, ташкилотчи, раҳбар сифатида самарали иш олиб борганидан далолат беради. Қатағоннинг аччиқ қисмати (1938) олимга бир қанча хайрли ишларини, илмий нашрларини амалга оширишга имкон бермади.[1]

Э.Фозилов, Ж.Юсупов, Ш.Турдиев, Б.Қосимов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларида А.Н.Самойловичнинг халқ оғзаки ижоди, Туркистондаги янги ижтимоий-сиёсий, маданий уйғониш даври билан боғлиқ қарашлари, ҳаётидаги баъзи лавҳалар қисман ўрганилган.[2] Рус олимларидан В.Д.Аракин, Ф.Д.Ашнин изланишларида[3] А.Н.Самойлович ижодий биографиясига умумий тавсиф берилган ҳамда тилшунос сифатидаги илмий асарларига аҳамият қаратилган. М.П.Малышева ва В.С.Познанский олимнинг Россия ФА Қозоғистон базасини бошқарган пайтидаги фаолиятини ёритганлар.[4] П.Азимов ва Б.Чариярларнинг тадқиқотларида А.Н.Самойловичнинг туркман тили ва адабиётига доир изланишлари эътироф этилган.[5]

Кўриниб турганидек, бу тадқиқотларда олим фаолиятининг ўзбек мумтоз адабиёти билан боғлиқ қирралари, айниқса, Хоразм адабий муҳитига оид қарашлари, нашр қилинган ва адабий жамоатчиликка номаълум илмий асарлари, уларнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни махсус ўрганилмаган ҳамда илмий-назарий баҳосини олмаган.

А.Н.Самойлович XIX-XX аср боши Хоразм илмий-адабий-маърифий муҳити ҳақида илк бора илмий иш олиб борган олимлардан биридир. Хива хони Муҳаммад Рахимхон II - Ферузнинг илтифоти билан унинг шахсий кутубхоналаридан фойдаланиш имконига эга бўлган А.Н.Самойлович Мунис, Феруз, Огаҳий, Равнақ, Рожий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Холис, Мирзо, Баёний каби Хоразм адабий муҳити вакиллари ижоди ҳақида ноёб маълумотларни ёзиб қолдирган. Шунингдек, фан тарихида биринчи марта Хива хони Ферузнинг кутубхонасидаги қўлёзмаларнинг тавсифини тузган. Олим кутубхона, унда мавжуд қўлёзмалар сони, турлари (форс, араб, турк, чиғатой), қисқача мазмуни тавсиф қилинган бир қанча мақолалар ёзади, аммо нашр қилишга улгурмайди.[6]

А.Н.Самойловичнинг архивдаги ҳисоботидан маълум бўлишича, хоннинг вориси Исфандиёр тўра, сарой аёнлари Исломхўжа ва Ҳусайнбеклар томонидан унга бир қанча қўлёзмалар туҳфа

қилинган.[7] Бу қўлёзмалар кейинчалик Осиё музейига (ҳозирда Санкт-Петербург Шарқ қўлёзмалари институтига) топширилади. Ўз навбатида А.Н.Самойлович ҳам Исфандиёр тўрага Россияда нашр қилинган "Шайбонийнома" асарини совға қилади.

А.Н.Самойлович Хоразмнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-адабий муҳити билан танишиш асосида кўплаб ноёб маълумотларни тўплайди ва кейинчалик илмий мулоҳазаларга бой, ўша давр тарихи, адабиёти, этнографияси, халқ оғзаки ижоди ҳақида маълумот берувчи қатор мақолалар нашр қилдиради. Мақолаларнинг умумий салмоғи олимнинг Хоразм элига сафари унумли бўлганидан, фан учун муҳим аҳамиятга молик бой маълумот тўпланган ва таҳлил қилинганидан далолат беради.

Олимнинг "Хоразмнома"дан икки парча", "30 та сарой шоирининг Ферузга пайрави", "Хива шеъриятидан", "XIX аср Хива туюқлари" ва бошқа мақолалари бевосита Хоразм адабий муҳитининг ўзига хос томонларини тадқиқ қилишга қаратилган.

1908 йилги Тошкент, Бухоро ва Хоразм сафаридан қайтгач, олим даставвал Хива адабий муҳити билан боғлиқ қарашларини ёзишга киришади. Ҳисоботдан маълум бўлишича, 1908 йилнинг ёзида хоннинг буйруғига кўра А.Н.Самойловичга бир қанча литографик нашрлар қаторида Аҳмад Табибийнинг ҳали тугалланмаган "Мажмуаи си шуарои пайрави Феруз шоҳий" номли тазкираси ҳам тақдим қилинади.[8] 1909 йил ёзда эса Хива девонбегиси Абдуллажон орқали (Комил Хоразмийнинг набираси) асарнинг тугалланган тўлиқ тошбосма нусхасини олади[9] ва шу йили декабрь ойида мажмуага бағишланган мақолани ёзади.

Мазкур тазкиранинг хусусиятлари ва аҳамияти ҳақида анча фикр мулоҳазалар баён қилинган,[10] бу борада алоҳида тадқиқот ҳам олиб борилган.[11] Аммо бу тадқиқотларда Табибий билан шахсан учрашган, шу давр адабий муҳитининг гувоҳи бўлган А.Н.Самойловичнинг илмий мероси деярли ёритилмаган, унинг Табибий ижоди билан боғлиқ қарашлари етарли баҳоланмаган. Ваҳоланки, олимнинг бу борадаги изланишлари Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ илк жиддий илмий-назарий қарашлар эканини кўрсатди.

"Мажмуаи си шуарои пайрави Феруз шоҳий" тазкирасида Ферузнинг 101 та ғазалига 32 та шоирнинг пайрав ғазаллари жамланган. Даставвал 29 шоир (Феруз билан 30) иштирокида тузилган тазкирага, кейинчалик яна уч шоир қўшилган (Музниб, Иноят, Нозирий). Мақолада асар ҳақидаги умумий маълумотлардан ташқари, яна шу давр адабий муҳити, Хива босмахонаси ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилган. Унда ёзилишича, олим қўлидаги манба сарой литографиясида тайёрланган. Босмахонада ўзига хос иш услуби билан бевосита танишган А.Н.Самойлович китоблардан тижорат мақсадида фойдаланилмаганлиги боис уларга ортиқча безак берилмаганлигини қайд қилади.

А.Н.Самойлович таъкидлаганидек, Табибийнинг мазкур асари Феруз буйруғига биноан, Фазлий Намангонийнинг тазкирасини намуна қилган ҳолда яратилган. (По примеру известного кокандского царственного поэта Омар хана увековечевшего себя "Собранием поэтов", которое было составлена по поручению хана поэтами Фазлий и Мешрефом и которую я видел в хивинской придворной библиотеке, хан Сейид Мухаммед Рахим второй именуемый себя в стихах Фирузом, поручил своему придворному врачу и поэту Ахмед Табибу составить собрание газелей современных хивинских поэтов сопутствующих хану).[12] Бизнингча, юқоридаги фикр асарни махсус ўрганган олима С.Маткаримованинг: "...бирор манбада Ферузнинг Табибийга айнан Қўқон "Мажмуа"сини намуна қилгани ҳолда "Мажмуаи си шуаро" тузишни топширгани ҳақида маълумот учрамайди",[13] деган хулосасини рад қилади.

А.Н.Самойлович Ферузнинг шахсий кутубхонасида Фазлий Намангонийнинг "Тазкират уш-шуаро" асарини кўрганлигини, асарнинг 1900 йилда нашр қилинган тошбосма нусхаси ўзида ҳам мавжудлигини қайд қилади. Демак, унда ҳар

иккала манбани таққослаб ўрганиш имкони бўлган. Кейинчалик А.Н.Самойлович қўлидаги қўлёзма ва тошбосма асарларни Осиё музейига топширади ва бу ҳақда матбуотда хабар беради.

Мақолада Аҳмад Табибийнинг "Ҳама шоирларимиз Навоийдан ўрнак олади, вале ҳеч ким унинг даражасида эмасдур" фикри А.Н.Самойлович томонидан танқидий қабул қилинганлиги ҳақида ёзилган. "Мен аксинча, - деб ёзади олим, - Хоразм адабий муҳитида қандайдир жонланишнинг, янгиликка интилишнинг, ҳурфикрлиликнинг гувоҳи бўлдим. Мазмун ва тил жиҳатдан халққа яқин, жонли, ёш адабиёт тез орада ривож топади ва унинг кейинги тақдири сарой хосларининг қўллашига муҳтож бўлмайди".[14]

Олим мақоласида аввал тазкира дебочасига эътибор беради, унинг анъанавий усулда ёзилгани, яъни ҳамд, наът, асар ёзилиш тарихидан иборатлигини қайд этади, дебочадан 39 байт 78 мисра мисол келтиради. Ўрни билан А.Н.Самойлович Табибий дебочада ҳар бир ғазал хон ғазалидаги радифга мослигини ёза туриб, мавзу ва вазн жиҳатдан ҳам Феруз ғазалига мос эканлигини эътибордан четда қолдиргани ҳақида фикр билдиради. (Сопутствие поэтов хану выражается не только в повторении ханских рифм, но и ханских размеров и тем, что не отмечено в предисловии редактора)[15]

Олим дебочада Табибийдан бошқа шоирларнинг номи, тахаллуси ва адабиётдаги ўрни мақтовли тарзда ифодалангани, аммо муаллиф ўзи ҳақда қуйидаги камтарона фикрни билдирганини маълум қилади:

...Хуш улдур манго фазл эли хизматин,
Қилиб тутсам иззат била ҳурматин
Вале лутф султони одил мани,
Бу мажмуаға айлади доҳил мани
Келиб от аввалда Аҳмад манга,
Табиб ўлди ном мужаррад манго.

Шундан кейин А.Н.Самойлович тазкирада иштирок этган барча шоирларга қисқача таъриф беради. Мажмуада номлари келтирилган шаҳзодалар, давлат арбоблари, мадраса толиблари ва бошқалар имкон қадар мазмунли шеър битишга ҳаракат қилганлар. Аммо Пур Комил, ўуломий, Доий, Хокий каби шоирларнинг пайрав ғазалларини етук шеърият намунаси дейиш қийин, албатта. Лаффасийнинг тазкирасидан маълум бўлишича, улар том маънодаги шоирлар бўлишмаган.[16] Шу маънода "Табибий тазкирасида қаламга олинганларнинг барчаси соҳиби девон" эди[17] каби фикрга қўшилиб бўлмайди.

Мақолада Феруз ғазалига пайрав битган Султоний, Содиқ, Саъдий Оқил, Мирзо, Шиносий - жами 32 та шоирнинг номи келтирилган. Баёний, Мирзо (Муҳаммад Расул), Шиносий (Шайх Назар), Аваз каби адибларнинг янгиликка интилувчанлиги, ҳурфикрлилиги, рус тилини билиши А.Н.Самойлович томонидан алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Табибий ижоди билан боғлиқ А.Н.Самойлович мақолаларидан яна бири 1913 йилда Санкт-Петербургда нашр қилинган.[18] Мақола Ферузнинг вафоти ва валиаҳд Исфандиёр хоннинг тахтга чиқиши муносаби билан ёзилган Табибий таърихи таҳлилига бағишланади. Мазкур таърихга адабиётшунослик илмида А.Н.Самойловичдан олдин ҳам, кейин ҳам эътибор қаратилмаган. Ҳатто Баёнийнинг "Шажараи Хоразмшоҳий" асарида ҳам таърих ҳақида ҳеч қандай қайдни учратмадик. А.Н.Самойловичнинг мақоласида келтирилган матн Табибийнинг шундай таърих ёзганидан хабар берувчи ҳозирча ягона манбадир. Мазкур таърих 1910 йил август-сентябрь оралиғида ёзилган Табибийнинг охирги асари бўлиб, унинг бошқа нусхаси ҳали топилган эмас.

Мақола муқаддимасида хабар берилишича, А.Н.Самойлович 1908 йилда Хивага келганида сарой девонхонасининг Абдуллажон девонбеги (Комил Хоразмийнинг набираси), Муҳаммад Шарифҳожи девон ва Бекжон девон каби эътиборли ходимлари билан яқиндан танишади. Дўстона алоқалар давом қилиб, улар А.Н.Самойлович билан кейин ҳам хат ёзишиб туришади. Бу номаларида улар олимга Хоразм адабий муҳитидаги янгиликлар, ёзилган янги асарлар, шеърлар хусусида хабар бериб туришади. Айниқса, ўз даврининг зиёлиси Мулла Бекчон

Раҳмон ўғли (1887-1929) А.Н.Самойловичга тез-тез хат ёзиб турган (бу хатлар ҳозирда Санкт-Петербургда, А.Н.Самойлович архивида сақланмоқда -Х.Г.).

1910 йил 27 сентябрда Мулла Бекжон девон томонидан А.Н.Самойловичга юборилган хатга Табибийнинг янги ёзилган таърихи ва бир ривоят ҳам илова қилинади. Табибийнинг шу йили октябрда, Феруз вафотидан сал ўтмай дунёдан ўтганини А.Н.Самойлович анча кейин, 1913 йилда, Петербургда Исфандиёрхон билан учрашганда билади ва шу йилиёқ мақолани ёзишга киришади.

Мақола аввалида А.Н.Самойлович Ферузнинг унга яратган имкониятлари, меҳмондўстлиги ва хайрихоҳлигини миннатдорчилик билан эслагани ҳолда, Хивадаги сафар чоғида доим унга ҳамроҳ бўлган, бевақт кўз юмган Табибий олдидаги дўстона бурчи ҳаққи-ҳурмати хивалик дўстлари юборган таърихни асл ҳолида ва таржимада нашр қилдираётганини маълум этади.[19] Мақоланинг турли ўринларида Феруз, Исфандиёр хоннинг суратлари, таърих асл нусхасининг факсимили ҳамда Хивада олинган бошқа расмлар ҳам берилган.[20] Булардан ташқари мақолада ижоди деярли ўрганилмаган шоир Мирзо Масиҳий ҳақида ҳам муҳим маълумотлар бор.

Муаллиф таърихни аввало тил нуқтаи назаридан таҳлил қилади. Унда туркий сўзлар кам ишлатилгани (69 та), қофияларнинг ҳаммаси араб ёки форс тилига мансублиги, сўз туркумлари жиҳатидан такрорларни ҳисобга олмаганда 16 та от ва сифат, 14 та олмош ва сон, 11 та юклама, 21 та феъл иштирок этгани ва бошқа тил элементларига эътибор берилган. Мақолада таърих мазмуни, бадиий-эстетик жиҳатлар, шоирнинг бадиий маҳорати каби масалалар ўрганилмаган. Бу ҳақда олимнинг ўзи: "Шаклий ташқи таҳлилдан мазмуний таҳлилга ўтар эканман, айрим ўринларнигина изоҳлашни лозим топдим", деб ёзади.[21] Шунингдек, А.Н.Самойлович Ферузнинг адабиёт ва санъат ҳомийси бўлгани, шахсий кутубхонасининг ниҳоятда бойлиги, унинг кўпроқ адабиёт, тарих ва тиббиётга қизиқиши ҳақида хабар беради .

А.Н.Самойловичнинг Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ яна бир мақоласи "XIX аср Хива туюқлари" номи остида Россия ФА маърузалари журналида эълон қилинган.[22] Мақолада тарихчи ва шоир Комёбнинг (1861-1922) туюқлари таҳлил қилинган.

Хуллас, А.Н.Самойлович Хоразм адабий муҳити билан боғлиқ мақолаларида бадиий-эстетик таҳлилдан кўра, асарнинг тили ва умумий хусусиятларини очишга кўпроқ эътибор берган. Бу табиий ҳол эди, гарчи XX аср боши рус туркологиясидаги дастлабки тадқиқотларда асосий эътибор асар қўлёзмаси тавсифи, яратилиш тарихи, тили, қисман бадиий матн таҳлилига қаратилган. Мақсад рус китобхонини оригинал билан таништириш ва умумий обзор беришдан иборат бўлган. Бу жиҳатдан А.Н.Самойловичнинг мақолаларида ижтимоий-адабий синкретизм хусусиятлари намоён бўлганини кўрамиз. Олим объектни ижтимоий, адабий-лисоний уйғунликда тадқиқ қилади, XIX аср Хоразм адабий муҳити вакилларининг дунёқарашини давр билан чамбарчас алоқада ўрганади. Юқорида таҳлил қилинган мақолалар соф адабиётшунослик нуқтаи назаридан талқин қилинмаган бўлса-да, кейинги филологик изланишлар учун асос манба бўлиб хизмат қилди. Улардаги синкретик (аралаш) хусусиятлар мазмун моҳиятнинг бир йўла бир неча қиррасини англашга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Қаранг: Люди и судьбы. Библиографический словарь востоковедов-жертв политического террора в советский период 1917-1991.- СПб. 2003. -С. 340-342.

2. Фазилов Э. Фанга бағишланган умр // Гулистон 1973 № 6.Б.28-29; Юсупов Ж. Самойлович ва Хоразм халқ эртаклари // Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. Монография. Тошкент. 1996 Б.6-28; Қосимов Б. Излай-излай топганим -Т.: ўафур ўулом нашриёти, 1983. - Б.40-42; Аҳмад Закий Валидий Тўғон. Бўлинганни бўри ер. Хотиралар. - Т. 1997. - Б.107-108; Турдиев Ш. Академик Самойлович ва ўзбек адабиёти // Ўзбек тили ва адабиёти.Т., 2008. №2. - Б.20-26.

3. Ашнин Ф.Д. Александр Николаевич Самойлович (1880-1938)// Народы Азии и Африки. - М.,1963. №2; Аракин В.Д; Сравнительно-исторический метод в исследованиях А.Н.Самойловича //Туркологический сборник. -М.,1978.

4. Малышева М.П., Познанский В.С. Первый председатель Казахстанкой базы АН СССР А.Н.Самойлович // ИАН КазССР. Сер.филол.1989. №3.

5. Азимов П., Чарияров Б Самойлович и туркменское языкознание // Советская туркология. - Баку, 1973. №5.

6. Хивинская придворная книгохранилища и книгопечатьня; Ханская библиотека в Хивинском замке (аркъ); Рукописи Исфандияр тюри // Архив Самойловича А.Н. РНБ.Ф.671.

7. Самойлович А.Н. Краткий отчет о поездке в Бухару и Хивинское ханство командированного СПб университетом и Русским комитетом приват доцента А.Н.Самойловича 1908 году // ИРКСА. СПб., 1909. ?№9. -С.15-29.

8. Самойлович А.Н. Краткий отчет ... .- С.7

9. Самойлович А.Н 30 царских поэтов, сопутствующих Фирузу Хива 1909. ЗВОРАО Т.19 (1909) вып.4. -С.0198.

10. Самандарова С. XX аср тазкиралари. Филол. фан. номз...дисс. Тошкент.1996; ўанихужаев Ф. Табибийнинг ҳаёти ва ижоди. Филол. фан. номз...дисс.Тошкент .1969 ; Исмаилова Г. Феруз даври адабий муҳити. Филол. фан. номз...дисс. Тошкент.1995; Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. Тошкент, 1993.-Б.187-189; Қосимов Б. ва бошқалар. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти.-Т.: Маънавият, 2004.-Б.89-90.

11. Маткаримова С. Табибий тазкиранавис. Филол. фан. номз... автореф. - Тошкент. 2007.

12. Самойлович А.Н. Собрание 30 царских поэтов□. -С.0198.

13. Маткаримова С. Табибий тазкиранавис. -Б.11.

14. Самойлович А.Н. Собрание 30 царских поэтов ...-С. 0200.

15. Самойлович А.Н. Собрание 30 царских поэтов ...-С. 0205

16. Лаффасий. Тазкираи шуаро. - Урганч, 1992. - Б.55,59,93,100.

17. Маткаримова С. Табибий тазкиранавис...- Б.12

18. Самойлович А.Н. Хронограмма Ахмед Табиба на смерть его светлости Сейид Мухаммад Рахим Бахадурхана и на воцарания его высочества Сейид Эсфендияр Мухаммед Бахадыр хана// Восточный сборник. Кн 1.СПб .С.165-182;

19. Самойлович А.Н Хронограмма... -С.166.

20. Қаранг: Халлиева Г. А.Н.Самойлович Табибийнинг илм аҳлига номаълум таърихи ҳақида// Илм сарчашмалари №5.2010.-Б.65-67.

21. Самойлович А.Н Хронограмма...-С.171.

22. Самойлович А.Н. Хивинские туюги XIX века. - ДАН-В1927 №2. - С.43-45.

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА БАСТАКОРЛИК ИЖОДИЁТИ

Лайло Джураева Шухратовна
мустақил тадқиқотчи. Ўзбекистон давлат консерваторияси
author.uzb@mail.ru
http://dx.doi.org/10.26739/Prefix
For citation: L. Djuraeva. Creativity of composition in the interpretation of Alisher Navoi. International Journal of Word Art. 2018, vol. 2, issue 2, pp. 44-48.

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-6

Келиб тушган сана 3 март, 2018
Эълон қилинган сана 25 апрель, 2018.

АННОТАЦИЯ

Алишер Навоий даври адабиётларидан, жумладан ўша давр тарихчилари Мирхонд, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир, Зайниддин Восифийларнинг асарларидан англанадики 15-16 асрлар мусиқа соҳасида айни бастакорлик ижодиётининг гуллаб яшнаган даври бўлган. Ҳар қандай базм ёки йиғинлар мусиқасиз ўтмаган ва мазкур мажлисларда албатта шоирларнинг бастакорлик жиҳатидан истеъдодларини синови сифатида ўзига хос мусобақалар давом этган.

Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", "Маҳбуб ул-қулуб" каби тазкираларида шоир баҳо берган бастакорлар, ўша даврда маълум ва машҳур бўлган жанрлар - ашула ва чолғу йўллари хусусида махсус тадқиқотлар ҳали олиб борилмаган.

Навоий "бастакор", "басталаган" каби атамаларни ишлатмайди. "Мусанниф", "боғлабтур" каби иборалардан кенг фойдаланади. "Мусанниф" ибораси арабчада китоб тузувчи, таснифловчи, муаллиф маъноларини билдирса-да шоир мазкур атамани мусиқада - бастакор маъносига тенглаштириб таъриф этган ҳолатлари мавжуд: "...муғаннийлар иштиғоли саноси учун суруд тузмак ва мусаннифлар мақоли дуоси оҳангида нағма кўргузмак..."

Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асари яқин ўтмиш ва XV аср шоирлари, давлат арбоблари, атоқли созанда, хонанда ва бастакорларга оид аниқ маълумотлар берувчи тазкирадир. Асарда Навоий 459 шахс ҳақида таъриф берган бўлса, булардан 20 таси мусиқа илмида озми кўпми ном таратган шоирлардир. Шулардан айни 5 тасига, яъни Мавлоно Соҳиб Балхий, Хожа Юсуф Бурҳон, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Солимий ва Паҳлавон Муҳаммадга нисбатан шоир "боғлабдур" атамасини қўллайди ҳамда уларнинг айни бастакорлик соҳасидаги ижод намуналарининг матъла байтларини келтиради.

Калит сўзлар: бастакор, Алишер Навоий, мусиқашунослик, "Мажолис ун-нафоис".

ТВОРЧЕСТВО БАСТАКОРОВ В ТОЛКОВАНИИ АЛИШЕРА НАВОИ

Лайло Джураева Шухратовна
соискатель. Государственной консерватории Республики Узбекистан

АННОТАЦИЯ

В этой статье анализируются взгляды Алишера Навои на искусство сочинения музыки в музыкальной теории. В частности, были изучены научные данные поэта о более чем 20 композиторах, музыкантах и певцах, включенных в экспозицию "Маджолис-на-нафоис" по историческим фигурам, поэтам и ученым. В частности, работа Навои, посвященная его другу Пахлавону Мухаммаду - "Голоти Пахлавон Мухаммад" - это полная научная, непосредственная работа. В статье, посвященной компиляции Пахлавона, которую дал Навои, авторы изучали стихи поэтов, научные открытия о своих взглядах на музыкальное и композиторское творчество, и здесь дается будущее научных исследований в работе Навои.

Ключевые слова: бастакор, Алишер Навои, музыковедение, "Мажолис ун-нафоис".

CREATIVITY OF COMPOSITION IN THE INTERPRETATION OF ALISHER NAVOI

Laylo Djuraeva Shuhratovna
researcher. Uzbekistan State Conservatory

ABSTRACT

Literature of the era of Alisher Navoi, particularly, works of historians in the period of Mirkhond, Davlatshakh Samarkandiy, Khondamir, Zayniddin Vosifi testify that the 15-16th centuries were the heyday of musical art, namely the creativity of bastakors. Any feast or creative evening was not held without music, and as a rule, in these meetings, specific competitions were held, which also gave an appreciation to the abilities of musical poetry writing.

Until the special studies on the bastakors, which are given by the poet, are made about the widely-known genres at the time - hymns and instrumental techniques, described in the anthologies of Navoi, such as "Majolis un-nafois" (Exquisite collections), "Holoti Palavon Muhammad", " Mahbub ul-qulub" (Beloved of hearts).

It is noteworthy Navoi have not used to the terms "bastakor" ('creator'), "bastalagan" ('created'). They widely used the concepts of "musannif", and/or "bog'labtur" ("bound"). Although the word "musannif" in Arabic expresses the notion of "compiler of the book", "classifier", and "author", there are some facts when the poet uses the term in the sense defines a musical writer as bastakors. "...the main occupation of singing vocalists - and the occupation of binders is to fill a text composition with a melody..."

Key Words: bastakor, Alisher Navoi, musicology, "Majolis un-nafois".

Алишер Навоий даври адабиётларидан, жумладан ўша давр тарихчилари Мирхонд, Давлатшоҳ Самарқандий, Хондамир, Зайниддин Восифийларнинг асарларидан англанадики 15-16 асрлар мусиқа соҳасида айни бастакорлик ижодиётининг гуллаб яшнаган даври бўлган. Ҳар қандай базм ёки йиғинлар мусиқасиз ўтмаган ва мазкур мажлисларда албатта шоирларнинг бастакорлик жиҳатидан истеъдодларини синови сифатида ўзига хос мусобақалар давом этган.

Аввало Навоий даврида бастакорлик ижодиёти ҳақида гап кетганда, мусиқашунос Исҳоқ Ражабов[1] ва санъатшунослик фанлари доктори, консерватория профессори Тўхтасин Ғофурбеков[2]нинг изланишларида бу соҳа маълум даражада тадқиқ этилганлигини айтиш жоиз. Аммо Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", "Маҳбуб ул-қулуб" каби тазкираларида шоир баҳо берган бастакорлар, ўша даврда маълум ва машҳур бўлган жанрлар - ашула ва чолғу йўллари хусусида махсус тадқиқотлар олиб борилмаган.

Диққатга сазоворки, Навоий "бастакор", "басталаган" каби атамаларни ишлатмайди. "Мусанниф", "боғлабтур" каби иборалардан кенг фойдаланади. "Мусанниф" ибораси арабчада китоб тузувчи, таснифловчи, муаллиф маъноларини билдирса-да[3] шоир мазкур атамани мусиқада - бастакор маъносига тенглаштириб таъриф этган ҳолатлари мавжуд: "...муғаннийлар иштиғоли саноси учун суруд тузмак ва

мусаннифлар мақоли дуоси оҳангида нағма кўргузмак..."[4]

Навоий бастакорлик ижодиётига, жанрларига муносабатда соҳанинг амал, қавл, нақш, суруд каби атамаларини ишлатаверади, аммо айни бастакор шахсига аниқ бир истилоҳ билан атаб ёндошмайди. Шоир ўз асарининг матни мавзуийлиги тақозоси билан мутриб, муғанний, чолғучи ибораларини ҳам бастакорга тенглаштириб келтираверади.

Муғанниё, келу тузгил харошлиқ унима
Ҳазин таронаки, рудинг
бамидадир кўнглим.[5]

Ёки

Соқий бугун майни унут,
мендек даме хуноба ют,
Мутриб навойи навҳа тут,
созингға боғла тори бам.[6]

Юқоридаги байтлардаги "тузгил" ва "боғла" (бошқа ўринларда - оҳангини чол, лаҳн кўргуз, соз айлади, нағмае кўргуз, лаҳну қилмиш, навҳа айла ва ҳ.к.) сўзлари орқали бу ерда бастакорликка ҳам ишора борлигини англаймиз. Тўғри, Навоий асарларининг маънолари қатлами кенг. Бу ерда торли созга чолғу торини боғлаш, муғаннийни хириллаган (яъни, алам ва изтироблардан бўғилган) овоз билан куйлаши маънолари ҳам мавжуд. Лекин, Навоий ҳеч бир байтини биргина маъно билан битган эмас, балки унинг - ҳақиқий ва мажозий, том ва кенг, фалсафий ва адабий, тасаввуфий ва дунёвий маънодаги тафаккур қатламларига ишоралардан фойдаланади. Шу нуқтаи назардан юқоридаги байтларда ҳам бастакорликка ишоралар бўлиши мумкинлигини инкор этиб бўлмайди.

Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" асари яқин ўтмиш ва XV аср шоирлари, давлат арбоблари, атоқли созанда, хонанда ва бастакорларга оид аниқ маълумотлар берувчи тазкиралардан биридир. Асарда Навоий 459 шахс ҳақида таъриф берган бўлса, булардан 20 таси мусиқа илмида озми кўпми ном таратган шоирлардир. Шулардан айнан 5 тасига, яъни Мавлоно Соҳиб Балхий, Хожа Юсуф Бурҳон, Мавлоно Риёзий, Мавлоно Солимий, ва Паҳлавон Муҳаммадга нисбатан шоир "боғлабдур" атамасини қўллайди ҳамда уларнинг айни бастакорлик соҳасидаги ижод намуналарининг матъла байтларини келтиради.

"Мавлоно Соҳиб Балхий - бовужуди шеър фанида маҳоратлик киши эрди, адвор ва мусиқий илмида комил эрди. Ўз ғазалларини ўз амалларига боғлабдурким, анинг фазойилиға далолат қилғай. Ул жумладин, "Чаҳоргоҳ" амалидирким, машхурдур".[7]

Ўтмиш мусиқий рисолаларида, хусусан, Кавкабий, Дарвишали Чангий рисолаларида амал, нақш, кор, қавл, пешрав, овиза, савт, рихта, сажъ, зарбайн каби атамалар қўлланилиб, улар маълум куй шакллари ёхуд куй қисмлари, куй яратиш услубларини ифодалаган. Юқоридаги жумлада Навоий "амал" истилоҳини ҳам қўлламоқда. "Амал - арабча ижодий асар, амал шаклида миёнхона билан бозгўй қисмлари бўлиши шарт", деб тушунтиради Исҳоқ Ражабов, "агар шундай куй бўлаклари бўлмаса, уни Савтул-амал (Амалнинг савти) дейилади. Амалнинг фазилати шуки, унга ҳар қандай усулни боғлаш мумкин".[8]

Алишер Навоий "Мажолис"дан ташқари "Мезон ул-авзон", "Хазойин ул-маоний"да юқорида санаб ўтилган мусиқий куй шакллари ва жанрлари, "Сабъаи сайёр"нинг еттинчи ҳикоятида бастакорлик ижодиёти ҳақида айтиб ўтади. Аммо шоирнинг ўз дўсти ва устози Паҳлавон Муҳаммаднинг хотирасига бағишлаб ёзган "Ҳолоти Паҳлавон Муҳамад" қасида асарини Паҳлавон Муҳаммаднинг бастакорлик жиҳатига берган муфассал таърифи орқали бастакорлик ижодиётини мукаммал изоҳлаган соф илмий рисоласи дейиш мумкин.

Паҳлавон Муҳаммад 1493 йил Ҳиротда вафот этган. XV аср Ҳирот маданий марказининг йирик намояндаларидан бўлган. У риёзиёт, юлдузлар илми, кимё, фалсафа, адабиёт, санъат ва кураш турларидан гуштигирликда ном чиқариш билан бирга яхши бастакор ва хонанда бўлганлиги манбалардан маълум. "Гуштигир" тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Навоийнинг 40 йиллар мобайнидаги яқин дўсти, мураббийси ҳам бўлган. Паҳлавон

Муҳаммад халқ орасида тарқалган "қуштигир" - яккама-якка кураш тушишда шуҳрат қозонган. Навоийдек улкан арбоб ва буюк шоир фаолияти ҳамда ижодиёти равнақи ва такомилида Паҳлавон Муҳаммаднинг ўрни катта бўлган.

Навоий ушбу рисоласида дўстининг ижодий тамойилларини муайян чизгиларда очиб берган. Асар Муҳаммаднинг паҳлавонлиги, "миллатнинг ва диннинг қуёши" каби олий рутбали шахсларга бериладиган таъриф билан бошланиб, Куштигирнинг сийрати ва суратини очишга бағишланганлиги ёзилади. Назаримизда, Навоий Паҳлавон Муҳаммаднинг мусиқа соҳасидаги ўрнини унинг шоирлигидан, аруз илмида моҳирлигию Қуръон қироатидаги истеъдоди, нужум илми - астрономия ва фиқҳ - диннинг йўл-йўриқлари, қоидалари тўғрисидаги илмда ҳам моҳирлигидан устун қўяди. Сабаби унинг паҳлавонлигига берилган изоҳдан сўнг аввало мусиқий истеъдоди баён қилинади. Бу ҳақда Т.ўофурбеков ҳам ёзган эдилар: "Назаримизда, Паҳлавон Муҳаммаднинг ўта серқирра фаолияти мажмуидан Алишер Навоий - мусиқа соҳаси, хусусан бастакорлик ижодини бошқалардан устувор кўради".[9]

"Ул жумладин адвор ва мусиқий илмидурким, чун лаҳжаси ва ҳусни савти хўб экандур ва усули мазбут ва ҳаракоти ва саканоти марғуб. Ул дақиқ фанда кўшиш ва саъй кўргузуб, дахли том ва маҳорати молокалом топиб эрди ва дилкаш нақшлар ва амаллар ва дилписанд қавллар ва ғазаллар тасниф қилур эрди ва хўб айтур эрди. Андоқки, эшитган хавос ва авом хушҳол бўлмоқда беихтиёр ва ўрганмоқда беқарор эрдилар"[10].

Яъни дастлаб мусиқанинг назарий илмида, кейин овозининг ҳуснига таъриф бериб ҳофизликда ҳамда созандаликда маҳорат эгаси эканлиги таъкидланади. Бир неча дилкаш нақшлар, амаллар, қавллар ва ғазалларни тасниф қилиб "хўб айтур эрди" дейди.

Паҳлавоннинг айнан бастакорлик соҳасидаги истеъдодининг таърифи давомида қуйидагиларни тушунамиз: бу асрнинг бу фанда моҳирлари, Ҳирот маданий ҳаётининг фаол иштирокчилари, шоир, бастакор ва созандалар: Устод Муҳаммад Хоразмий, Мавлоно Нуъмон, Мавлоно Соҳиб Балхий, Шайх Сафойи Самарқандий, Хожа Юсуф Андижонийдек кишиларнинг таснифлари анъанасида ишлар басталади; нақш, суфия, амал, қавл, жир, чорзаблар. Ва унинг ўзи уларнинг кўпидан гўзал ва хушнафасдир, ишлари - басталаган асарларининг кўпгина қисмини шуҳрати кенг ёйилган. Яъни юқорида саналган шахслар Ҳирот маданий ҳаётининг фаол иштирокчилари, шоир, бастакор ва созандалардир. Навоий Паҳлавон Муҳаммад уларнинг асарлари қабилида, уларга тақлидан мусиқалар яратганини таъкидлаб, баъзи жиҳатларини улардан яхшироқ чиқишига эришган, овози ғоят ёқимли ва гўзал бўлгани сабабли кўпроқ шуҳрат тутган эди, деб ёзади. Демак, Паҳлавон Муҳаммад улардан бастакорлик жиҳатидан устунроқ бўлган. Бу устунлик унинг устодлар, ўзидан олдин ижод қилган моҳир санъаткорларнинг услубини пухта ўзлаштириш билан бирга мустақил ўз ижодий йўли ва ўз ёндашувига эга бўлиши асарларининг шуҳрати ҳамда довруғи кенг ёйилишига сабаб бўлган.

Мухтасар қилиб айтганда, Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад", "Мезон ул-авзон", "Маҳбуб ул-қулуб" асарларида мусиқанинг соф илмий жиҳатлари таърифланган. Уларни мусиқашунослик нуқтаи назаридан изчил тадқиқ этмоқ лозим.

Шунингдек, мусиқашуносликнинг айни бастакорлик ижодиёти масалаларига доир истилоҳларнинг шоир байтларида ("Хазойин ул-маоний" девонида) ифодаланишини ўрганиш орқали ўша давр бастакорлик санъати хусусида умумий хулосаларга келиш мумкин.

Навоий бастакорларнинг "боғлаган" амалларини илк байтини келтириб ўтади. Форсийдаги бу байтлар ҳозирги Шашмақом тизимида туркий байтлар кўринишида айтилиб келинаётган бўлса ажаб эмас. Шоир келтирган мазкур форсий ва ҳозирги мақомлардаги туркий байтларни аруз тизимини қиёсий ўрганиш орқали ўша давр бастакорлари яратган мусиқий намуналарни тиклаш имкони мавжуд.

Адабиётлар:

1. Ражабов И. Мақомлар. "Ўтмишда бастакорлик санъатининг баъзи масалалари ва куй шакллари ҳақида" боби. Т.: "San`at", 2006. 31-40 бетлар.

(Rajabov I.. Magnets. Chapter "Some Issues of Early Art and Singing Forms in the Past." T .: "San'at", 2006. 31-40 pages.)

2. ўофурбеков Т. Сайланма. "Авж пиллапоялари" боби. Т.: "Musiqa", 2009. 40-108 бетлар.

(G'ofurbekov T. Selected works. The section of "Highest point steps". T. "Music", 2009. pp. 40-108.)

3. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 3-жилд. Т.: "ФАН", 1983. 368-бет.

(The dictionary of Alisher Navoi's works. Volume 3. T.: "FAN", 1983. p. 368.)

4. А.Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 14-том. Т.: "ФАН", 1998. 7-8 бетлар.

(A.Navoi. Mahbub ul-qulub. Complete collection of works. 20 vol. R 14 T.: "FAN", 1998. 7-8 pages.)

5. А. Навоий. ўаройиб ус-сиғар. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 3-том. Т.: "ФАН", 1988. 328 бет.

(A. Navoi. It's awesome. Complete collection of works. 20 vol. Range 3. T.: "FAN", 1988. 328 pages.)

6. Ўша манба. 329-бет.

(That source. P. 329)

7. А.Навоий. Мажолис ун-нафоис. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 13-том. Т.: "ФАН", 1997 й.

(A.Navoi. Majolis un-nafois. Complete collection of works. 20 vol. V. 13. T.: "FAN", 1997)

8. И.Ражабов. "Мақомлар". Т.: "San`at", 2006. 37-бет.

(I.Rajabov. "Status". T. "San'at", 2006. p. 37.)

9. ўофурбеков Т. Сайланма. Т., 2009 й. 68-бет.

(Gafurbekov T. Selected works. T., 2009 y. Page 68.)

10. А.Навоий. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 15-том. Т., 1999 й.

(A.Navoi. Holocaust Pahlavon Muhammad. Complete collection of works. 20 vol. 15th. T., 1999)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

АЙРИМ ҚАРИНДОШЛИК ЛЕКСЕМАЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ ХУСУСИДА

Ёдгоров Ҳамид Эргашевич
Гулистон давлат университети БТ ва МТМ кафедраси ўқитувчиси филология фанлари номзоди, доцент
http://dx.doi.org/10.26739/prefix
For citation: Yodgorov H.E.Etymology of some kinship lexies.International Journal of Word Art.2018, vol. 2, issue 2, pp. 49-52.

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-7

Келиб тушган сана 28 февраль, 2018
Эълон қилинган сана 25 апрель, 2018.

АННОТАЦИЯ

Мақола айрим қариндошлик терминлари ва уларнинг тарихий шакллари ҳақида. Мазкур мақолада ўзбек-қипчоқ шеваларида мавжуд бўлган "бўла" ва "холавачча" терминлари ҳақида атрофлича фикр билдирилган. Мақола ёзиш жараёнида Ўрхун-Эрнасой ёдгорлиги ўрганилган ва унда "Бўла" термини йўқлиги баён қилинган.

Махмуд Кошғарийнинг "Девони луғатит турк" асарида эса "бўла" термини көкӱ// көкӱөй тарзида берилган. Ҳозирги кунда адабий тилда ва шаҳар шеваларида бўла сўзи ўрнида холавачча сўзи қўлланилади.

Хола термини арабча "хал" сўзига "а" аффиксини қўшииш орқали ҳосил қилинган. Натижада көкӱ// көкӱөй истеъмолдан чиқиб кетган. Биз ҳозирги кунда холавачча терминини опа-сингилларнинг фарзандларига, ўғил ёки қиз бўлишидан қатъи назар бирдек қўллаймиз.

Холавачча сўзининг ясалиш асоси эса қуйидагича: "хола+вачча". Мазкур терминнинг асос қисми аёлликни ифодаловчи сема ҳисобланади. Бизнинг фикримизча опа-сингилларнинг болаларига нисбатан адабий тилда ҳам бўла лексемасини қўллаш мақсадга мувофиқ. Негаки, бу лексема ҳар икки жинс вакилига ҳам умумий ҳолда ишлатилади. Бу лексима у ёки бу жинс вакилига ишора қилмайди. Бўла термини Олтой тиллар оиласига кирувчи тилларнинг деярли барчасида худди юқоридаги маънода ишлатилиши мақолада кўрсатиб ўтилган. Ўзбек тилида-бўла, қирғиз тилида-бөлө, қозоқ тилида -блеө, олтой тилида бөлө, мўғул тилида-булэ каби.

Бўла лексимаси "бўл" (бўлмоқ) феълига "а" ясовчисини қўшиш билан ҳосил қилинган. Бу опа-сингилларнинг болалари бўлиниб-бўлиниб, алоҳида-алоҳида ҳаёт кечириши билан изоҳланган.

Таянч сўзлар: сўз, қариндошлик терминлари, терминология, бўла, холавачча, шева, адабий тил, Олтой тиллари, Туркий тиллар.

ЭТИМОЛОГИЯ НЕКОТОРЫХ РОДСТВЕННЫХ ЛЕКСИСОВ

Ёдгоров Ҳамид Эргашевич
кандидат филологических наук, доцент

АННОТАЦИЯ

Статья о некоторых относительных терминах и их исторической форме. В этой статье дается исчерпывающий обзор терминов "бўла" и "холавачча", которые встречаются на Узбекско-Кипчакском диалекте. Во время процесса написания памятника Орхун- Энасой был рассмотрен и сказано что не было термина "бўла".

В "Девони лугатит турк" Махмуда Кошгари термин "бўла" дается как кöкў// кöкўөй. Сегодня слова "бўла" означает "холавачча" на литературном языке и городском языке.

Термин "хола" происходит от арабского слова "хал" добавляя "а" аффикс. В результате не используйте кöкў// кöкўөй.

Сегодня мы используем термин "холавачча" независимо от детей сестер.

Независимо от их сына или дочери. Осново так называемой "холавачча" быглядит следующим образам: "хола+вачча" является частью этого слова-слово представляющее феминию.

По нашему мнению желательно использовать "бўла" лексем на литературном языке для детей сестер. Поскольку это слово обычно исползуется у обоих полов. Это слово не относится к определенному полу. Термин "бўла" исползуется почти на всех языках семейства Алтайских языков.

Слова " бўла " истощается от "а" до " бўл ". Причина в том что дети сестры делятся на две части.

Ключевые слова: слово, условия родства, терминология "бўла", "холавачча", диалект, литературный язык, Алтайские языки, Турецкие языке.

ETYMOLOGY OF SOME KINSHIP LEXIES

Yodgorov Hamid Ergashevich
Ph.D

ABSTRACT

The article deals with some of the relative terms and their historical patterns. This article gives a comprehensive overview of the terms "bo'la" and "holavachcha", which are found in the Uzbek- Kipchak dialect.

During the writing process, it was stated that the "Urxun - Enasoy" monument has been studied and has no meaning in it.

In Mahmud Koshg'ariy's "Devoni lug'atit turk", the term "Bo'la" is given as кöкў// кöкўөй. Today the word "bo'la" means "holavachcha" in the literary language and in the city language. The term "hola" is derived from the Arabic word "hal" by adding "a" affix. As a result, do not use the кöкў// кöкўөй.

Today, we use the term "holavachcha" irrespective of the sister's children, regardless of their son or daughter. The basis of the so - called "holavachcha" is as follows "hola+vachcha". The basis part of this term is a word representing feminity. In our opinion the use of the word "bo'la" in the literary language for the children of the siblings is appropriate. Since this word is commonly used in both sexes. This word does not refer to a particular gender.

The term "bo'la" is used in almost all languages of the Altaic languages family. The word "bo'la" is derivered from the "a" verb to mean "bo'l". The reason is that the sister's children are divided into two parts.

Keywords: word, terms of kindship, terminology, "bo'la", "holavachcha", dialect, literary language, Altaic languages, Turkish languages.

Ҳар бир миллат тили терминологияси ўз таркибига ижтимоий жамиятнинг барча касбий фаолият соҳаларига оид махсус лексикани жам этади. Бу ҳолат ўзбек тили терминологиясида ҳам тўлиқ кузатилади. Терминологиянинг шаклланиши ўзига хос қонуниятлар асосланади. Бунда жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳолати, тараққиёти муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир миллатнинг турмуш тарзи, ўтмиши, хусусан, фани, маданияти, маънавияти бир хилда бўлмаганидек, унга уйғун тарзда, тил тараққиёти ҳам фарқланади. Бир сўз билан айтганда, терминология бу миллатнинг ўтмиши ва бугунини кўрсатувчи далилий ашёлардан биридир. Олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, ўзбек тили терминологияси тарихи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Бу тарихий ҳақиқатни биргина ўзбек тили қариндошлик терминологияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотлар ўзбек тили қариндошлик терминлари оддий терминлар йиғиндисидан муайян бир система даражасигача бўлган йўлни босиб ўтганлигини, шаклланиш ибтидосида, биринчи галда, ўз қатлам бирликларининг ўрни беқиёс эканлигини кўрсатади.

Биз мазкур мақолада ўзбек қипчоқ шеваларида муомалада бўлган бўла лексемаси хусусида фикр юритмоқчимиз. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (1981) да мазкур лексемага шундай изоҳ берилган: Опа-сингилларнинг болалари (бир-бирларига нисбатан); холаванча. "У бўласининг бугун жуда ҳам тумшайиб олганига ҳайрон бўлар, уни гапга солиш, паришонлигини тарқатиш учун турли саволлар берар эди." (М.Исмоилий.Фарғона тонг отгунча).

Таниқли тилшунос Х.Дониёров бўла лексемаси ҳақида шундай ёзади: "Бўла (бўла- холаванча) шарқий группа шеваларида опа-сингилдан туғилган болаларга нисбатан ишлатилади. Маълумки, адабий тилимизда ва шаҳар шеваларида, асосан, холаванча сўзи қўлланади" [1].

Шу ўринда хола лексемасига мурожаат этишга тўғри келади. Тилшунос Ҳ.Шарипов мазкур термин ҳақида шундай дейди: "Ўзбек тили ва унинг шеваларида ишлатиладиган хола сўзи онанинг опаси ёки синглиси маъносини билдиради. Ўрхун ёдгорлигида хола тушунчасини ифода қиладиган сўз йўқ, тушунча ҳам йўқ. Маҳмуд Кошғарийда бу тушунча көкӱ// көкӱәй сўзи билан берилган..."[2].

Демак, хола ўзбек халқи тилида қариндошликни ифодаловчи лексема сифатида кейин пайдо бўлган. Шу хусусда улуғ Алишер Навоийнинг бир фикрини эслаб ўтиш диққатга сазовордир: "Ва булар атанинг аға-инисин апаға дерлар ва ананинг аға-инисин тоғойи дерлар. Ва алар (форслар) ҳеч қайсисиға ат тайин қилмайдурлар ва араб тили бирла эм ва хал дерлар"[3]. Ҳозирги хола термини арабча хал сўзига -а аффиксини қўшиш орқали ҳосил қилинган, кўку-кўкуй эса истеъмолдан чиқиб кетган. Шунинг учун ҳам хола туркий тилларда " кенг тарқалган эмас.Ҳозирги замон туркий тиллардан нўғой тилида аптей, қўмиқ тилида эчив, эгечи, бошқирд тилида абай, апай, қорақалпоқ тилида улкен апа, туркман тилида дайза шаклларда ота ёки онанинг опа-сингли маъноси ифода қилинган.

Маълум бўлмоқдаки, ҳозирги ўзбек адабий тилимизда опа-сингилларнинг фарзандларига нисбатан асосан холаванча термини ишлатилади. Хулоса шуки, опа-сингилларнинг фарзандлари ўғил ёки қиз бўлишидан қатъи назар бир-бирига холаванча ҳисобланади, ясалиш шакли эса қуйидагича: хола+ванча. Мазкур терминнинг асос қисми аёлликни ифодаловчи лексема ҳисобланади. Бизнингча, опа-сингилларнинг болаларига нисбатан адабий тилда ҳам бўла лексемасини қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Негаки бу бу лексема ҳар икки жинс вакилига нисбатан баравар ишлатилаверади, унда у ёки бу жинс вакилига ишора қилинмайди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мазкур термин олтой оиласига кирувчи тилларнинг деярли барчасида худди юқоридаги маънода ишлатилади: ўзбек тилида-бўла, қирғиз тилида-бөлө, қозоқ тилида-бөле, олтой тилида бөлө, мўғул тилида-булэ каби. Биз

Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғотит турк" асарида бўла лексемасига дуч келмадик. Шу маънода айтиш мумкинки, бўла лексемаси бутун олтой тилларига тегишли бўлган умумий лексик бирликдир.

Энди ушбу лексеманинг этимологияси хусусида фикр билдирамиз. Тилимиз тарихига назар ташлар эканмиз, феъл асосларга -а ясовчисини қўшиш билан қатор янги сўзлар ҳосил қилинганлигининг гувоҳи бўламиз: тақ (тақмоқ) +а= тақа, айлан+а=айлана каби. Бўла лексемасини ҳам бўл (бўлмоқ) феълига -а ясовчисини қўшиш билан ҳосил қилинган: бўл+а= бўла. Буни опа-сингилларнинг болалари бўлиниб-бўлиниб, алоҳида -алоҳида ҳаёт кечиришлари билан изоҳлаш мумкин. Бунинг илдизлари узоқ тарихга бориб тақалади, албатта.

Тилшунос Т.Эназаров (ҳаммуаллифликда) ўзининг "Номшуносликка оид баъзи бир терминлар тўғрисида" номли мақоласида шундай ёзади: "Этимологик тадқиқ ва таҳлил олиб борилдими, албатта, этимон ҳамда ҳақиқатга яқинлик терминларини қўллаш лозим. Акс ҳолда, амалга оширилган таҳлилнинг этимологик таҳлиллигини далиллайдиган восита унутилади. Оқибатда этимологик таҳлил ва тадқиққа тортилаётган сўз, топоним ва умуман номларнинг илк шакли ва илк маъноси тўғрисида тўхталинмайди. Шунингдек, ҳақиқатга яқинлик терминида этимологик таҳлил ҳамда этимологик тадқиқнинг ишончлилиги асосланилган бўларди. Агар ишончли далиллар ҳаволалар билан асослансагина, этимологик таҳлилнинг ҳақиқатга яқинлиги тўғрисида гапириш мумкин бўлади. Акс ҳолда эса бу термин қўлланса ҳам, қўлланмаса ҳам амалга оширилган таҳлилининг нисбатан мукаммал бўлмаганлиги билиниб туради".

Шундай қилиб, ўзбек тили луғавий таркибининг ажралмас қисми бўлган қариндошлик терминлари ҳам жуда мураккаб тарихий тараққиёт жараёнини босиб ўтган. Бундай терминларни кенг тадқиқ этиш тилимизнинг қадимий илдизларини аниқлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, тилшуносликда терминларни тартибга солиш масаласи ҳар доим ҳам долзарб бўлиб келган ва бугун ҳам бу масала ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Ўзбек тилшунослигида соҳавий терминологияларни тартибга солиш масаласида бир қанча ишлар амалга оширилган. Лекин қилинган ишларнинг салмоғи билан чегараланиб, кўнгилни хотиржам қила олмаймиз. Чунки терминларни тартибга солиш масаласини барча соҳа терминологияларида ҳам бир хилда олиб бориляпти, деб бўлмайди.

Адабиётлар:

1.Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси.-Т.: Фан, 1979.

(Doniyorov X. The lexicon of the dialects of the dialect of dialects.-T .: Fan, 1979.)

2.Шарипов Ҳ. Қариндош-уруғ номларидан баъзиларининг тарқалиши ва ривожланиши ҳақида. Ўзбек тилшунослигининг баъзи актуал масалалари.-Т.,1977.

(Sharipov H. About the distribution and development of some of the relatives of siblings. Some of the actual Uzbek linguistics. T., 1977.)

3.Алишер Навоий. Муҳокаматул-луғатайн. Асарлар, 14-том.-Т.,1967.

(Alisher Navoi. Contextual dictionary. Works, 14th-T., 1967.)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ЛИНГВИСТИКАДА КАТЕГОРИАЛ ТАҲЛИЛ МУАММОСИ

Ахмедова Мехринигор Баходировна
Бухоро давлат университети, ўқитувчи
mexrishka82@mail.ru
http://dx.doi.org/10.26739/prefix
For citation: Axmedova M.B. Categorial analysis in linguistics. International Journal of Word Art. 2018, vol. 2, issue 2, pp. 53-58.

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-8

Келиб тушган сана 28 февраль, 2018
Эълон қилинган сана 25 апрель, 2018.

АННОТАЦИЯ

Категория умумфан тушунчаси бўлса-да, барча фанларда ҳам категориал ёндашув устувор эмас. Тилшуносликда у фақат морфологияга нисбатан қўлланадиган бўлиб қолган. Бу ҳолат ушбу бўлимнинг кўпроқ ўрганилганлиги билан боғлиқ. Тилнинг бошқа сатҳларини ҳам категориал тадқиқ қилиш системавий ёндашувнинг муҳим вазифаларидан бири. Ҳар бир категориянинг мураккаб, ички нисбий бутунлик ва яхлитликка эга бўлган шакллари мавжуд бўлиб, уларнинг таҳлили мақолада ёритилган. "Бутунлик" ва "бўлинувчанлик","ҳомогенлик" ва "гетерогенлик" каби нисбий тушунчалар ҳақида тушунча берилган.

Мақолада аслида ҳар бир фан ўз категориялар тизимига эга ва ҳеч қачон бир фан категориялари бошқа бир фан категориялари билан тўлиқ мос келмаслиги, чунки барча фанлар объектив борлиқ нарса, ҳодиса, муносабатларини ўрганиш билан бирлашса-да, ҳар бир фан ўз хусусий объекти ва предмети борлиги билан бошқалардан фарқланиб туриши, ҳеч бир фан бошқа бирини тўлиқ такрорламаслиги ўрганилган.

Категориал ўрганиш тил ҳодисаларининг моҳиятини очиш ва шу асосда уларнинг ижтимоий лингвистик тафаккур этилишини таъминлашга хизмат қилиши,элементлар орасидаги фарқ ва ўхшашликлар таҳлили асосида уларнинг моҳияти очилган.

Мақолада тилнинг асосий вазифаларидан бири тафаккур маҳсули бўлган тасаввурларни тушунчаларда тўплаш (мужассамлаштириш) ва аташ эканлиги сабабли тилда атов воситалари категорияси мавжудлиги ва бу категория - аташ категорияси-сўз ва сўз бирикмаларини ўз ичига олади ва тил тушунчаларни қандай усуллар билан номлаши, номловчи, аташ вазифасини бажара оладиган лисоний бирликларнинг турлари, уларнинг ҳосил бўлиши, ўзаро алоқадорликлари кабилар шу категория доирасида ўрганилиши тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: Категория, бутунлик, элемент, тур, жинс, морфологик категория, фонетик-фонологик категория, лексик-семантик категория, синтактик категория, зиддия, фарқ, моҳият, тушунча.

КАТЕГОРИАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ В ЛИНГВИСТИКЕ

Ахмедова Мехринигор Баходировна
Бухарский государственный университет, преподаватель

АННОТАЦИЯ

Хотя категория является общей концепцией, категориальный подход не всегда является приоритетом для всех субъектов. В лингвистике он используется только для морфологии. Это связано с тем, что этот раздел изучался чаще. Категориальное изучение других уровней языка является одной из ключевых целей системного подхода. Каждая категория имеет сложную, внутреннюю относительную целостность и единообразие, и их анализ проиллюстрирован в статье. Даны концептуальные концепции, такие как "тотальность" и "деление", "однородность" и "гетерогенез".

Суть статьи в том, что каждая наука имеет свою собственную систему категорий, и ни одна научная категория несовместима с другими категориями науки, поскольку все предметы сочетаются с изучением объективных вещей, явлений и отношений, но каждая наука имеет свой собственный объект и предмет было выяснено, что оно отличается от других, и никакая другая наука не повторяет другую.

Категориальное исследование выявило сущность языковых явлений и на их основе способствовало социальному лингвистическому мышлению, основанному на различиях и сходствах между элементами.

Одна из основных задач языка - иметь категорию гороскопов на языке из-за накопления мыслей в понятиях мысли, а категория этой категории включает слова и фразы и с помощью методов обозначения языковых понятий, типы лингвистических единиц, которые они получают, их формирование, их взаимосвязь и изучение этой категории.

Ключевые слова: система, категория, лексика, духовность, этика, совесть, преданность, просветительство, отношение, воздержанность, доброжелательность, проницательность, самосовершенствование личности.

CATEGORIAL ANALYSIS IN LINGUISTICS

Ahmedova Mexrinigor Bakhodirovna
Bukhara State University, teacher

ABSTRACT

Category is a general concept that in all the subjects categorical approach is not basic factor. In linguistics it has been used to depict morphology. This is because of its widely usage and learnedness. The most important task of the language is categorical analysis of systematic approach. In this article general features as completeness, complexity, inner concept is analyzed. Abstract concepts as "generalization", "division", "homogeny", and "heterogeneity" is analyzed.

The essence of the article is that each science has its own category system, and never a science category is incompatible with other categories of science as all subjects combine with the study of objective things, phenomenaand relationships, but each science has its own particular object and subject it has been learned that it is different from others and no other science repeats the other completely.

The categorical study has revealed the essence of linguistic phenomena, and on the basis of which they serve to ensure social linguistic thinking, based on the differences and similarities between elements.

One of the main tasks of the language is to have a category of horoscopes in the language because of the accumulation of thoughts in the concepts of thought, and the category of this category includes words and phrases, and by means of the methods of naming the language concepts, the types of linguistic units that they obtain, their formation, their interrelationship, and the study of this category.

Keywords: System, category, lexicology, spirituality, ethics, gender, morphological category, phonetic-phonologic category, lexico-semantic category, syntactic category, opposition, differentiation, concept.

Объектив воқеликка қаратилган бутун инсоний билиш фаолияти билиш натижалари каби тафаккур категориялари шаклида воқеланади. Категория атамаси грекча kategoria сўзидан олинган бўлиб, "мулоҳаза", "фикр", "белги" маъноларини билдиради. Фалсафада категория воқеликдаги ҳодисалар ва билишнинг муҳим, умумий хусусият ҳамда муносабатларини акс эттирувчи энг умумий ва асосий тушунчалар сифатида қаралади. Категория билиш ва ижтимоий тараққиётнинг умумлашган натижаси сифатида вужудга келган. Категория ҳақидаги таълимотни ривожлантиришга Аристотель катта ҳисса қўшди. Унинг учун категория - моҳиятга эга тушунча, тасаввурларнинг моҳият-мазмунини ўз ичига олган, объектив реалликнинг энг умумий ва юксак даражадаги умумлашмаси. "Категориялар" асарида файласуф 10 та категорияни ажратади: моҳият, миқдор, сифат, муносабат, макон, замон, қоида, ҳолат, ҳаракат, азоб. Унинг бу таълимоти Ибн Сино, Форобий, ал-Киндийлар томонидан ривожлантирилди. Улар 6 та - борлиқ, сифат, миқдор, ҳаракат, муносабат ва эгалик - категориясини фарқлашди. Кўринадики, категорияни фақат фалсафий моҳият сифатида тафаккур маҳсулига нисбатан қўллашган. "Муаллими аввал" ва "Муаллими соний"дан бошлаб барча файласуфлар фалсафий категориялар ҳақида ўз фикрларини баён этган ва у шундан бошлаб гўё биринчи ўринда фалсафанинг мулкидек тасаввур уйғотадиган бўлиб қолди.

Аслида ҳар бир фан ўз категориялар тизимига эга ва ҳеч қачон бир фан категориялари бошқа бир фан категориялари билан тўлиқ мос келмайди, чунки барча фанлар объектив борлиқ нарса, ҳодиса, муносабатларини ўрганиш билан бирлашса-да, ҳар бир фан ўз хусусий объекти ва предмети борлиги билан бошқалардан фарқланиб туради, ҳеч бир фан бошқа бирини тўлиқ такрорламайди. Нарсанинг серқирралиги бир объект устида ишлайдиган турли фанлар шаклланишининг асосидир.

Ҳар қандай фанда категориялар сони кўп, аммо ҳеч қачон чексиз бўлмайди деб ҳисобланади. Одатда, ҳар бир фан 10-15 тача ўта умумий категория билан иш кўради. Бу категориялар объектив ва субъектив табиатга эга. Категориялардаги объективлик шундан иборатки, ҳар бир категория борлиқдаги бирор элементнинг маълум бир томони умумийлиги билан узвий алоқадор, боғланган, белгиланган, шартланган, асосланган - онгдан ташқаридаги ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд ҳодисаларни ифодалайди. Лекин у шу объективликнинг онгдаги акси, инъикоси орқали намоён бўлади. Бошқача айтганда, категориялар қанчалик объектив борлиқ ҳодисаларини ифодаламасин, барибир у онг маҳсулидир. Бу фан категорияларидаги субъективликни ташкил этади. Демак, категориялар ўзида объектив ва субъектив омилларни мужассамлаштирган мавжудликдир.

Ҳар бир категория, албатта, мураккаб, ички нисбий бутунлик ва яхлитликка эга. Бу оламнинг юқорига қараб ташкил этувчилик бирлашуви ва қуйига қараб бўлинувчанлик хусусиятлари билан асосланади. Атомлар молекулаларни ташкил этганлиги ва электрон ва протонларга бўлинганлиги каби мантиқ ҳодисалари бўлган категориялар ҳам бирлашувчанлик ва бўлинувчанлик хоссасига эга. Ҳар бир категория каттароқ субкатегориянинг унсури бўлиш билан бирга, у бир турдаги нарса, ҳодиса ва муносабатларнинг барқарор бутунлиги ҳамдир. Шу асосда ҳар бир фанда категориал мазмун (вазифа / хусусият каби, тилшуносликда мазмун термини маъно атамасида хусусийлашади) тушунчаси мавжуд. Категориал мазмун/ маъно деганда шу соҳа (масалан, тил) нинг маълум бир категорияси учун умумий бўлган, шу категориянинг ички бутунлигини таъминлайдиган умумийлик (мавжудот, белги, хусусият, муносабат, вазифа кабилар) тушунилади. Категориал мазмун категориал шакл билан яхлит идрок этилади, ҳар бир фанда фақат шу фан учун хос бўлган ифода шакл ва воситаларига эга бўлмоғи шарт. Агар шундай шакл ва воситалар бўлмаса, демак, бу фанда шу категория йўқ ёки бутунлай бошқа моҳиятга эга бўлади. Масалан, рус тилида

морфологик род категорияси мавжуд ва бу тилдаги от туркумига мансуб ҳар қандай сўз уч роддан бирининг шаклига эга. Род категорияси махсус қўшимчалар, аниқловчи вазифасида келган сўзларнинг аниқланмиш от билан род шаклига кўра грамматик мослашуви, кесим вазифасидаги сўзнинг эга родига мувофиқлашуви каби воқеланади. Род категорияси грамматик моҳияти билан оммалашган ва анъаналашган. Ўзбек тилида ушбу мезондаги род категорияси йўқ. Лекин мантиқий жинсни ифодаловчи бошқа сатҳ воситалари мавжуд. Зарур ҳолларда жинс (биологик хусусият) ўзига хос лексик (қўй - қўчқор) ёки лексик-синтактик (эркак ўқитувчи - аёл ўқитувчи, эркак илон - урғочи илон) йўл билан ифодаланади. Ўзбек тилида жинсни кўрсатувчи воситалар маълум бир морфологик категорияни ташкил этмайди. Бироқ бу ушбу воситаларнинг тизимли табиатга эга эмаслигидан далолат бермайди. Модомики, жинс ифодаловчи воситалар система экан, уларни ҳам категория сифатида қараш мумкин. Бунинг учун категория атамасини ноанъанавий лингвистик йўсинда тушунмоқ керак бўлади.

Истаган категория бутунлик ва яхлитлик бўлганлигидан, албатта, мураккаб - бир неча ташкил этувчи - таркибий қисм (элемент) дан иборат бўлади. Категориал мазмун/маъно шу категория элементларига жинс-тур (ёки тур-хил, ёки хил-кўриниш) объектив-мантиқий алоқалари асосида бўлинади, лекин ҳеч қачон категория элементи категориал маънодан бутунлай ташқарида, унга нисбатан мутлақо алоқасиз бўла олмайди, лекин ўзаро зид, қарама-қарши бўлиши мумкин (масалан, бирлик ва кўплик каби), холос. Категориянинг умумий мазмунини унинг ташкил этувчилари икки хил йўсинда воқелантиради: зиддиятли, зиддиятсиз. Масалан, синонимик қатордаги умумий категориал маъно унинг элементларида зиддиятсиз бўлинади ёки намоён бўлади. Антонимларда эса зиддиятли "парчаланиш"ни кўрамиз. Тўғри, таъкидлаш лозимки, диалектик нуқтаи назардан, зиддиятли бўлмаган икки нарса йўқ. Фақат бунда зиддият тушунчасини даражаланиш қонунияти асосида қабул қилиш мумкин бўлади. Аслида зиддият деганда фарқларнинг энг кучайган кўринишини тушуниш урф бўлмаган. Масалан, синонимлар орасида зиддиятнинг қуйи даражаси мавжуд бўлса, антонимларда кучайган ҳолати бор.[1] Сон, тасдиқ-инкор категориялари узвлари орасидаги зиддият унинг кучайган турига, нисбат, келишик шакллари орасидаги зиддият эса кучсиз кўринишига мисол бўлади.

Кўринадики, тилшунослик фанининг ўзига хос категориялари - лингвистик категорияларни тўғри аниқлаш, категориал маъноларни белгилаш, ҳар бир лингвистик категория учун моддий замин (объектив асос) вазифасини ўтовчи тегишли мантиқий категория билан алоқадорлигини таҳлил этиш усуллари билан танишиш тилшунос учун зарур.

Билдирилган фикрлар ва келтирилган далиллар лингвистик категория термини моҳиятини ойдинлаштириш, анъаналашган қоидаларга танқидий ва ижодий ёндашган ҳолда лингвистик категория нима, деган саволга жавоб беришни тақозо этади. Чунки тилшуносликда алоҳида-алоҳида категориялар илмий ёндашилган, айниқса, категория тушунчасини фақат морфологик, қисман синтактик ҳодисаларга (масалан, ҳол категорияси)[2] татбиқ этиш билан чекланилиб, уларга фақат грамматик аспектдаги шарҳлар бериш билан чекланилган ва, шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, лингвистик категория тушунчаси ҳозиргача мавҳум ва бирёқлама моҳиятга эга.

Лингвистик (лисоний) категория объектив борлиқ маълум бир қиррасининг тил тизимида махсус шакл ва воситалар билан ифодаланиши, бу шакл, воситалар, уларга хос бўлган маъно (вазифа/функция) ва алоқадорликлар (иерархик, парадигматик, синтагматик ва ҳ.) дан ташкил топган, камида икки унсурдан иборат бир бутунлик сифатида тушунилади. Лингвистик категориянинг асосий мазмуни, моҳияти икки семада намоён бўлади: "бутунлик" ва "бўлинувчанлик". "Бутунлик" ташкил топганлик ва муносабатлар билан боғланганликни,

"бўлинувчанлик" эса ташкил этувчилар орасидаги гетерогенликни ифодалайди. "Ҳомогенлик" ва "гетерогенлик" нисбий тушунчалар. Масалан, грамматик категориялар ҳомоген системалар сифатида қаралганда, уларнинг ташкил этувчилари бир сатҳга мансублиги эътиборга олинади. Лекин бу уларнинг мутлақ бир хиллигидан далолат бермайди. Чунки кўзда тутилаётган ҳолат ташкил этувчиларнинг умумийликларини акс эттириб, хусусийликларини эътибордан соқит қилишдан бошқа нарса эмас. Хусусийликлар фарқларни ифодалайди. Фақланмайдиган икки унсур бўлмайди. Акс ҳолда улар битта субстанция бўлиб қолади. Демак, бу ҳомогенликнинг "айнан бир хил"лик маъносида эмаслигини кўрсатади.

Объектив (моддий) борлиқда:

а) мавжудот;

б) уларнинг белги-хусусиятлари ("сифатлар"и);

д) ўзаро алоқалари (муносабатлари) бор, холос. "Муаллими соний" Абу Наср Форобий айтганларидек, "билки, оламда субстанция (жавҳар, мавжудот) ва акциденция (ораз - белги-хусусият ва алоқадорлик) ҳамда субстанция ва акциденцияни яратувчи марҳаматли ижодкор (Худо)дан бошқа ҳеч нарса йўқ."[3] Эътибор қилинса, муносабат яратувчига қиёсланади. Бу Фердинанд де Соссюрнинг тилда субстанция йўқ, балки форма (муносабат) мавжуд деганида шунга ишора борга ўхшайди.

Барча фанлар мазкур борлиқнинг алоҳида-алоҳида қирраларини ўрганади. Тил - оразнинг кўринишларидан, мавжудотнинг бир тури бўлган инсон "сифот"идан бири. Бироқ бир вақтнинг ўзида мавжудот ҳамдир. Шунда унинг вазифа ва хусусиятлари акциденция сифатида намоён бўлади.

Тилнинг вазифаси борлиқни аташ, фикрни шакллантириш, ифодалаш (етказиш ва уқтириш) ва сақлашдир. Борлиқ субстанцияларидан бирининг оразлари кўриниши бўлган тилни тадқиқ қилувчи тилшунослик илми тил унга юклатилган мана шу вазифаларни қандай усул, восита ва йўл билан бажаришини ўрганади ва ўргатади. Бу вазифани бажаришга хосланган бирликлар ўзаро ўхшашлик ва фарқлари, айнанлик ва зидликларига кўра маълим гуруҳларга бирлашади. Бундай гуруҳлар лисоний категорияларни ташкил этади. Масалан, тилнинг асосий вазифаларидан бири тафаккур маҳсули бўлган тасаввурларни тушунчаларда тўплаш (мужассамлаштириш) ва аташ эканлиги сабабли тилда атов воситалари категорияси мавжуд. Бу категория - аташ категорияси - тилнинг номловчи (номинатив) бирликлари - сўз ва сўз бирикмаларини ўз ичига олади ва тил тушунчаларни қандай усуллар билан номлаши, номловчи, аташ вазифасини бажара оладиган лисоний бирликларнинг турлари, уларнинг ҳосил бўлиши, ўзаро алоқадорликлари, тараққиёти омиллари кабилар шу категория доирасида ўрганилади. Бу аташ категорияси умумлисоний категориялардан биридир. У барча тиллар учун хос бўлиб, тилнинг барча сатҳлари ва бирликлари билан узвий боғланган. Ифода категорияси - тилда аташ/номлашнинг шахсий муносабат (субъектив, коннотатив) маъноси билан ҳамроҳлиги ҳам - шундай умумлисоний категория бўлиб, барча тиллар, сатҳ бирликлари ва воситаларига алоқадор.

Тил - фонетик-фонологик, лексик-семантик, грамматик, стилистик сатҳларга бўлинади. Шунинг учун лисоний категориялар ҳам сатҳлар бўйича хусусий - фонетик-фонологик, лексик, грамматик, стилистик каби ҳар бир сатҳга хос, ёки сатҳлараро - лексик-семантик, лексик-грамматик, лексик-морфологик, лексик-синтактик, лексик-деривацион, лексик-стилистик, функционал-семантик каби турларга бўлинади. Бундай ажратилган хусусий категориялар уларнинг вазифаларига кўра маълум бир гуруҳ ёки категория (масалан, сўз туркуми, сўз туркуми ичида катта бир гуруҳ, гап қурилишида маълум бир функция ёки мавқе, шакл ясалиши ва қўшимчалар алломорфларининг қўлланишини белгиловчи омиллар кабиларни) ажратишга хизмат қилувчи таснифловчи (таксонимик), маълум бир вазифани бажаришга имкон берувчи функционал, маълум бир маъновий

муносабатни ифодаловчи маъновий (семантик), шахсий муносабатни ифодаловчи стилистик (услубий), сўзларнинг маълум бир гуруҳига маълум бир вазифани бажаришни таъминловчи лексик-функционал ва бошқа тур ва хилларга бўлинади.

Рўйхатдан кўриниб турибдики, умумий ва хусусий лисоний категориялар жуда кўп, ранг-баранг, улар турли асос ва мақсадларда ажратилади. Бу ҳолатнинг ўзиёқ лисоний категорияларнинг чегараси ва моҳияти фанда аниқ белгиланмаганлигига энг ёрқин далил. Тилшуносликда лисоний категориялардан бирмунча аниқлик ва ўрганилганликни фақат морфологик категорияларда кўриш мумкин. Бунинг сабаби компаративист ва ёш грамматикларнинг морфологик структура тадқиқига ва ҳар бир морфологик шакллар (шунингдек шакллар сираси, парадигмаси сифатида морфологик категориялар), уларнинг тарихий тараққиёти масалаларига катта эътибор билан қараганлари ва уларни анча муфассал тадқиқ этганликлари билан боғлиқ. Бунинг натижаси ўлароқ, фанимизда деярли барча тиллар бўйича морфологик категорияларнинг чегаралари, ички парадигмалари, парадигматик алоқалари нисбатан яхши ўрганилган. Бошқа лингвистик категориялар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Ҳар бир сатҳ категорияси умум-категориал сифатларга эга бўлишдан ташқари, хусусий категориал белгиларга ҳам эгадир. Масалан, фонетик-фонологик категориялардаги шакл ва мазмун бирлиги ўзига хос. Улардаги мазмун объектив борлиқ билан ўзига хос тарзда боғланган. Бунда мазмун тилга хос бўлган умумий белги - ифодаловчилик эмас, балки ифодаловчиликни шакллантириш тарзида намоён бўлади. Худди шундай ҳолатни синтактик қолиплар моҳиятида ҳам кузатамиз. Синтактик қолипларда мазмун "тобелаш" умумий моҳиятига эга бўлиб, у ҳам объектив борлиқ ҳодисаларини ифодалаш эмас, балки улар орасидаги имманент грамматик муносабатларни реаллаштиришдир, холос.

Тил категорияларида ҳар доим ҳам бутун ва бўлак муносабати намоён бўлавермайди. Масалан, гипонимик муносабатда туржинс муносабати мавжуд. Келишик категориясида ҳам шундай. Лекин қисм-бутун муносабатли категориялар ҳам мавжуд бўлиб, улар кўпроқ лексик-семантик характерга эга бўлади ва партонимик муносабатли категория сифатида қаралади.

Категориал ўрганиш тил ҳодисаларининг моҳиятини очиш ва шу асосда уларнинг ижтимоий лингвистик тафаккур этилишини таъминлашга хизмат қилади. Элементлар орасидаги фарқ ва ўхшашликлар таҳлили асосида уларнинг моҳияти очилади. Бу, айниқса, лексик ҳодисалар талқини учун жуда ҳам зарур. Бинобарин, она тилини ва хорижий тилни эгаллаш орасидаги фарқ ҳам шунда намоён бўлади. Она тилини таълим йўли билан эгаллаш, аслида, унинг лексикасини эгаллаш демакдир. Сўзлараро фарқларни аниқ ва равшан англаш борлиқни идрок этишнинг асосларидан биридир. Шунинг учун ҳар икки сўз орасидаги маъно нозикликларини энг кичик ҳолатларигача уқиш ва идрок этиш она тили бўйича лингвистик компетенцияларнинг моҳиятини ташкил этади.

Адабиётлар

1.Нурмонов Д.А. Ўзбек тилида парадигма аъзолари ўртасидаги зидланишларнинг мўътадиллашуви (Фонологик сатҳ): Филол. фанлари номзоди ...дисс. автореф. - Тошкент. 1998.

(Nurmonov D.A. Conflict resolution in the Uzbek paradigm (Phonological layer): Candidate of Filol. of Sciences ... diss. avtoref - Tashkent. 1998.)

2. Убаева Ф. Ҳол категорияси. - Тошкент: Ўқитувчи, 1976.

(Ubaeva F. Category of modify. - Tashkent: Teacher, 1976.)

3. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри.-Тошкент: Мерос,1993. -Б. 174.

(Forobi Abu Nasr. City of ideal people - Tashkent: Meros, 1993. -B. 174.)

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ДАРС ВА СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИДА КУТУБХОНАЧИ ВА ЎҚУВ ФАНЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Туракулова Оқила Амиркуловна
Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти
Университетининг мустақил изланувчиси
turakulova.oqila@mail.ru
http://dx.doi.org/10.26739/prefix
For citation: Turakulova O. A. The collaboration between librarians and teachers in the classroom and out-of-class sessions. International Journal of Word Art. 2018, vol. 2, issue 2, pp. 59-65

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-9

Келиб тушган сана 28 февраль 2018
Эълон қилинган сана 5 апрель, 2018.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада адабий таълим жараёнида ўқувчиларда китобхонликни ривожлантиришнинг айрим методик масалалари, ёритиб берилган. Муаллиф фан ўқитувчиси, синф раҳбари ҳамда кутубхоначи ҳамкорлигини таъминлашнинг мазмун, шакллари, восита, усул ва методлари уйғунлигини таъминлашга доир услубий тавсиялар ишлаб чиққан.

Мақолада мутолаа маданиятини ривожлантириш, ахборот ресурс маркази ходимларининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчиларининг кутубхоначилар билан ҳамжиҳат ишлашлари юзасидан таклиф ва мулоҳазалар берилган. Таълим муассасаларида, хусусан академик лицейларда ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фондларини, ўқув-услубий техник адабиётлар, оммабоп китоблар билан бойитиш, уларни моддий техник базасини мустаҳкамлаш масалалари ёритилган. Хорижий мамлакатлар кутубхоналарининг иш тажрибаларини ўрганиш, ўқитувчи, ўқувчиларга кутубхона хизматини тизимли ташкил этиш, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар кутубхоналари билан кенг кўламли, узлуксиз илмий алоқаларни йўлга қўйиш техналогияларини яратиш тўғрисида фикрлар берилган. Кутубхона ходимларини давлатлараро ҳамда минтақалараро ахборотлар алмашув соҳаларга юксак маҳорат ва касб малакаларига эга бўлишлари учун узлуксиз малака ошириш тизимини жорий этиш, ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш жараёнини педагогик жиҳатдан таъминлаш, кутубхоначи ҳамда фан ўқитувчиларини ўқув жараёнини методик таъминотидаги ҳамкорлиги юзасидан бир қатор тавсиялар келтирилган.

Кутубхоначи педагог, ўқитувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиши юзасидан назарий, педагогик, методик адабиётлар фондини юзага келтириш, ўқув жараёнини методик таъминлашнинг педагогик мониторингини ташкил этиш, йўл қўйилаётган камчиликлар ва эришилаётган ютуқларни қайд этиб бориш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Таянч сўзлар: кутубхона, ахборот-ресурс маркази, китобхонлик маданияти, андроид китоблар, кутубхоначилик дарси, библиографик маълумотлар, илмийлик, педагогик мониторинг.

СОТРУДНИЧЕСТВО МЕЖДУ БИБЛИОТЕКАРЯМИ И ПРЕПОДАВАТЕЛЯМИ В КЛАССЕ И ВНЕКЛАССНЫХ ЗАНЯТИЯХ

Туракулова Окила Амиркуловна
Независимый исследователь Узбекского университета языков и литературы имени Алишера Навои, инспектор кафедры методологии исследования

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены такие аспекты как совместная работа учителей предметников совместно с библиотекарями, а также работа с педагогами, проходящими профессиональную подгатовку в информационно-ресурсном центре и развитию культуры. Освещена также наличие библиотечного фонда в образавательных учреждениях, особенности в информационно-ресурсных центрах академических лицеев, наличие учебно-методической литературы; даны сведенияо пополнении книжного фонда библиотек, об увеличении свабодных средств в материально-технических базах. Выражены мысли о изучении работы библиотек в зарубежных странах, об организации службы библиотек для учителей и учащихся, об установлении техналогий совместного сотрудничества с библиотеками зарубежных стран. Выражены рекомендации об обмене информацией между работниками библиотек на государственном уровне в области творчества и профессиональной подгатовки, обеспечении в результате педагогического процесса развитой культуры библиотековедения, совместного внедрения учительями и библиотекарями в педагогический процесс методической литературы. А также выражено мнение о пользе совместной работы библиотекари и педагога по устранению недастатков, в целях организации мониторинга методического обеспечения учебного процесса, увеличении методической, педагогической литературой и контроль.

Ключевые слова: библиотека, информационно-ресурсный центр, развития культуры чтения, книги-андроиды, урок библиоведение, библиографические сведение, научности, педагогический мониторинг.

THE COLLABORATION BETWEEN LIBRARIANS AND TEACHERS IN THE CLASSROOM AND OUT-OF-CLASS SESSIONS

Turakulova Oqila Amirkulovna
Independent researcher at the Alisher Navoi Uzbek University of Languages and Literature, Inspector of Study Methodology Department

ABSTRACT

This article highlights the methodical issues how to enhance the readership among pupils during the literature course. The author makes suggestions concerning the harmony of methods with forms, contents, means and styles of collaboration between the librarian, course attendant and a teacher. 1.In this article some suggestions and opinions have been given concerning how to develop learning culture and professional availability of information resource stuff and collaborating with teachers. Also some issues have been highlighted depending on enriching information resource centers of academic lyceums and provide them with technical manuals and literatures text books.

In this article some opinions have been given about learning the experience of the libraries in foreign countries, making systematic library service for teachers and readers, developing technologies of relationship with the libraries of far and near foreign countries. Several recommendations have been provided suggested to work out systematic international and intercontinental retraining courses in order to develop libraries' availability on the sphere of exchanging information, provide pedagogical developing process of reading culture, collaborating between teachers and librarians with methodical supplement in teaching process. In this article some ideas have been illustrated about collaborating between libraries and teachers on the process of creating pedagogical and methodical literature resource, making pedagogical monitoring of methodic supplement in teaching process, advantages of making notes of the progress and deficiency.

Key words: Library, information-resource center, readership culture, android books, librarian course, bibliographical data, scientism, visualization

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳиятини, дунёқарашини юксалтиришда, баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишдаги тегишли ҳуқуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш, ташкилий-амалий ишларни замон талаблари асосида олиб бориш, бу масалага кенг жамоатчиликни жалб этиш бўйича кейинги пайтда бирмунча ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлоднинг халқимиз яратган бой маданий мерос ва замонавий, илмий, адабий, маданий соҳага оид ахборотларни тўлиқ ўзлаштиришнинг муҳим омили сифатида мутолаа маданиятини шакллантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш деган хулосага келинди. Мазкур жараёнларни такомиллаштиришга доир ёндашувлар, амалий чора-тадбирлар тизими ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20-июндаги Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисидаги ПҚ -381- сонли қарори. [1]

2017 йил 13-сентабрьдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарорида мамлакатимизда китоб ва китобхонликни ривожлантириш, ахборот ресурс маркази тизимини янада ислоҳ қилиш ҳозирги босқичда энг муҳим вазифа эканлиги давлат сиёсати даражасида эътироф этилди. [2]

Бугунги ёшларда мутолаа маданиятини янада ривожлантириш, ахборот ресурс маркази ходимларининг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш кўп жиҳатдан педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчиларининг улар билан ҳамжиҳат ишлашларига боғлиқ. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказларининг кутубхона фондлари, ўқув - услубий техник адабиётлар, оммабоп китоблар билан бойитиш, уларни моддий техник базасини мустаҳкамлаш таъкидлаб ўтилган.

Айни вақтда ўтказилган кузатиш ва таҳлиллар бу соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар борлиги ва уларни кенг кўламда ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда:

-Кутубхона хизмат кўрсатишда ҳар бир китобхонга индивидуал ёндашувни ташкил этиши, бунда унинг қайси йўналишга қизиқиши, мақсад-интилишлари, билим даражасига эътибори; [3.240]

-Дунё билимларининг кенг кўламини ифодаловчи адабий манбалар, халқ маънавий меросини акс эттирувчи ҳужжатларнинг универсал фондини яратиш, уни фойдаланувчиларга тақдим этиш;

-Хорижий давлатлар билан библиографик маълумотлар алмашиш ҳамда ёшларни хорижда ҳамда юртимизда нашр этилган китоблар билан таъминлаш борасидаги ҳамкорликни кенг йўлга қўйиш; [4.241]

-Аборот-ресурс маркази ходими фақат ахборотнинг электрон ташувчиларини ишга солиб, ўқув фанлари ўқитувчиларининг кўмаги ва ҳамкорлигисиз ўқув-тарбия жараёнига фаол ва самарали аралаша олмаслиги ва буни йўлга қўйиш.

Шунингдек педагогларнинг ахборот олиш маданияти ҳам талаб даражасида эмас. Педагоглар, ўқув фанлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш масалаларига бағишланган тадқиқот ишларида уларга тақдим этиладиган билимлар, билим бериш мазмуни, методлари ҳақида фикр юритилади.

Бироқ ушбу ишларда ўқитувчиларнинг ўз устида ишлаши кераклиги кўрсатиб

ўтилгани ҳолда назарий, педагогик, методик адабиётларни мутолаа қилишлари, бу адабиётларни қаердан топишлари мумкинлиги, мутолаа методикаси эътибордан четда қолиб кетмоқда.

Кутубхоначи, педагог ва ўқув фанлари ўқитувчиларининг ҳамкорлигини таъминлаш мотиви сифатида қуйидагилар алоҳида аҳамиятга эга:

-Энг янги ахборот техналогияларини эгаллашга ҳаракат қилиш;

-Ахборот олиш маданиятини юксак даражасини мўлжал қилиш;

-Кутубхоначи педагог, ўқитувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун даставвал назарий, педагогик, методик адабиётлар фондини юзага келтириш;

Кутубхоначи фаолиятида фондни тарғиб қилиш,педагогик, методик адабиётлар тарғиботи ва ташвиқотини йўлга қўйиш:[5.90]

-Ўқув жараёнини методик таъминлашнинг педагогик мониторингини ташкил этиш, йўл қўйилаётган камчиликлар ва эришилаётган ютуқларни қайд этиб бориш мақсадга мувофиқ.[5.108]

Сўнгги йилларда кутубхона ва ахборот-ресурс марказларида ўқувчилар билан китоблар кўргазмаларини ташкил этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бироқ мазкур хайрли ишдан ҳамма вақт ҳам ўқитувчилар унумли фойдаланмаяпти.

Ўқувчилардаги қизиқиш ва эҳтиёжларни янада шакллантириш учун энг аввало гуруҳ раҳбарлари улар билан бирга кутубхона ва ахборот-ресурс марказларига экскурсия уюштиришлари лозим.

Рус олими Н.И.Шафалинованинг тадқиқотларида йирик кутубхоналарга экскурсия уюштириш, ўқитувчининг ўқувчига қайси китобларни ўқиш мумкинлиги ҳақидаги маслаҳатлари, китоб танлашда ундаги қайси маълумотларга эътибор бериш зарурлиги, "Адабий таҳлил", "Қисқача адабий энциклопедия" каби изоҳли маълумотномалар билан ишлаш масалалари қамраб олинган. [6.152]

Экскурсиялар давомида ўқувчиларни китоб сақлаш бўлимлари билан таништириш, унда сақланаётган китобларни кўрсатиш лозим. Фан ўқитувчилари аввало ўқувчиларни китоб танлашга ўргатиш оғзаки ва ёзма матн билан ишлашга йўналтириш, ўқиш техникаси ва қоидалари билан таништириш, ўқувчиларни мутолаа қилишлари учун шарт-шароит яратиш каби муҳим вазифаларга эътибор қаратиши лозим Бу ишни нафақат адабиёт фани ўқитувчилари балки бошқа фан ўқитувчилари ҳам қилишлари шарт.

Кутубхоначи, ўқитувчи, тўгарак раҳбари китоб танлаш жараёнида испан файласуфи Балтасар Грасианнинг "Баъзилар китобнинг ҳажмига қараб баҳолайдилар, гўёки китоб ақлни чархлаш учун эмас, балки қўл мушакларини машқ қилдириш учун ёзилгандек" деган фикрга эътибор қаратишлари мақсадга мувофиқ.[7]

Академик лицейларда "китобхонлик" тўгаракларининг мунтазам фаолият юритилишига эришиш зарур. Тўғри, мактабларда, мактабгача таълим муассасаларида худди шундай йўналишдаги тўгараклар мавжуд, бироқ, уларнинг иш фаолиятини қониқарли деб бўлмайди.

Бунинг учун тўгарак раҳбари мунтазам равишда ўқувчилар томонидан китоблар асосида турли мусобақа ва танловларни, ижодий кечаларни, адиблар билан учрашувларни ташкил этиб боришлари лозим.

Шунингдек, "Китобхонлик" тўгарагининг асосий вазифаси китоб ўқиш гигенаси, китоб ўқиш учун диққатни йўналтира олиш каби китобхонлик малакаларини мустаҳкамлашдан иборат бўлмоғи лозим.

Ўқувчиларга китоб билан муомалада бўлганда нималарга йўл қўйиш мумкин эмаслиги қоидалари санаб ўтилади. Жумладан, ўқувчиларни мутолаа маданиятига доир қуйидаги қоидалар билан таништириб ўтиш лозим: китобни буклаш; китобни саҳифаларига расм чизмаслик ва ёзмаслик; қуёш шуъласида китоб ўқимаслик; китобни ётиб ўқимаслик; кўчада кетаётиб китоб ўқиш мумкин эмаслиги.

Кутубхоначи ва ўқитувчилар ўқувчиларда маънавий меросга аксиологик онг ва муносабатни қарор топтиришлари керак. Мазкур босқичнинг муваффақияти оила ва

мактабда ўқувчиларни ўқиган китобларига қайдлар ёзиб бориш учун мутолаа кундалиги тутиш билан боғлиқдир.

Маълумки, ўқувчилар ўзлари ўқиган китобларнинг маъно ва мазмунини мутолаа кундалигида акс эттирсалар, уларнинг фикр юритиш доиралари, мулоҳаза қилиш кўникмалари ва ёзма нутқлари ҳам ривожланади. Мазкур фаолиятдан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларга кундалик юритишнинг шакли, тартиби ўргатилади. Кундалик юритилганда, аввало, муаллиф исми-шарифи, китобнинг сарлавҳаси, китобнинг мутолаа қилинган вақти, унинг мавзуси, асосий иштирок этувчи қаҳрамонлари ёритилади.

1-жадвал

Мен севиб ўқиган ва ўқийдиган китоблар

Муаллиф исми-шарифи	Китобнинг сарлавҳаси	Мутолаа қилинган вақт	Мавзуси	Қаҳрамонлари қолдирган таассуроти

Шунингдек, ушбу китобнинг китобхонда қолдирган таассуроти, кўпроқ ёқиб қолган сатрларини ёзиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Яна шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ўқилган асарларни фақатгина кундаликда тасвирлаб, қалбида, хотирасида сақламаслик ҳам тўғри эмаслиги айтиб ўтилиши керак. Шу билан бирга, мазкур босқичда ўқувчиларга китобга эҳтиётқорлик билан муносабатда бўлиш, китобдан тўғри фойдаланиш борасидаги мавжуд малакаларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун "Биз ва китоблар" номи остида ташкил этиладиган кўргазмаларда ўқувчиларга нафақат бир вақтда нашр этилган ва турли ҳолатда фойдаланилган китоблар: яхши, эҳтиётқорлик билан муносабатда бўлинган китоблар билан бир қаторда, болалар томонидан муқовалари ифлосланган, варақлари титилиб кетган китоблар ҳам қўйилиши лозим. Бундан ташқари, бир неча йил илгари нашр қилиниб, бугунги қадар яхши сақланиб, ўқувчиларга хизмат қилаётган китоблар билан бир қаторда яқинда нашр эттирилган, бироқ китобдан фойдаланиш қоидаларига амал қилинмаганлиги учун ёмон аҳволга келиб қолган китобларнинг кўргазмасини ҳам ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Китобхонлик маданиятини шакллантиришда фан ўқитувчиси, синф раҳбари ҳамда кутубхоначи ҳамкорлигини таъминлаш муҳим педагогик аҳамият касб этади:

-Таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишда ўқув жараёни ҳамда кутубхона ҳамкорлигини таъминлашнинг мазмун, шакллари, восита, усул ва методларини ишлаб чиқиш ва бу соҳадаги муваффақиятини таъминлаш;

-Ўзбек халқининг миллий анъаналари, қадриятлари, улкан халқ педагогикаси ҳамда бой тажрибасига суяниб, дарсликлар, қўлланмаларни тарғиб этишнинг янгидан-янги механизмларини жорий этиш;

Бу ўринда: Буюк олим Ал-Хоразмийнинг қарашлари ёрқин дидактик хусусиятга эгадир. У савол-жавоб методи орқали билимлар қўлга киритилишини, бу жараёнда ўқувчи бошқалар билан муносабатга киришини, гуруҳнинг фаол иштирокчисига айланишини таъкидлаган.

- Буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний таълим жараёнида қўлланиладиган тамойилларни (илмийлик, кўргазмалилик, ҳаёт билан боғланишлик кабилар) ҳам таснифлаган.

-Буюк қомусий олим Абу Али ибн Сино ўз даврининг барча билим соҳаларини қамраб олувчи катта илмий мерос қолдирган. Унинг барча асарларида педагогик қарашлар ўз ифодасини топган. Ибн Синонинг фикрича, болаларда ўзлаштириш кўникмалари жамоа бўлиб

ўқитиш шаклида яхши шаклланади. Бунинг учун қуйидагиларга асосланиш лозим:

- таълим олувчилар, ўқитувчи ва ўқувчилар орасида тажриба, билим, маънавий ва ахлоқий қадриятлар алмашинувини ташкил қилиш;

- мусобақалашув элементидан фойдаланиш;

- ўқувчининг ижтимоий ахлоқий хусусиятларини-муомала, ўзаро тушуниш, ўзаро ёрдам, дўстлик ҳиссини ривожлантириш. Ўқитувчиларнинг ҳар томонлама тайёргарликларига катта эътибор қаратиб, Форобий ва Ибн Сино ўқувчиларга дарсликлар, қўлланмаларни тарғиб этишнинг энг муҳим омиллари сифатида фаоллик, мустақил ташаббускорлик, интилувчанлик, қизиқувчанлик, ижодий қобилиятни ҳисоблашган. Шундай қилиб, ўрта аср олимлари ижтимоий педагогик йўналтирилганликка эга катта педагогик мерос қолдирганлар. Уларнинг илмий педагогик қарашлари замонавий педагогика илмининг ривожлантириш учун муҳим манба ҳисобланади.[8]

-Хорижий мамлакатлар кутубхоналарининг иш тажрибаларини ўрганиш, янги техник воситалардан фойдаланган ҳолда ўқитувчи, ўқувчиларга кутубхона хизматини тизимли ташкил этиш, яқин ва узоқ хорижий мамлакатлар кутубхоналари билан кенг кўламли, узлуксиз илмий алоқаларни йўлга қўйиш техналогияларини яратиш;

-Кутубхона ходимларини давлатлараро ҳамда минтақалараро ахборотлар алмашув соҳаларга юксак маҳорат ва касб малакаларига эга бўлишлари учун узлуксиз малака ошириш тизимини жорий этиш орқали ўқувчиларда китобхонлик маданиятини шакллантириш жараёнини педагогик жиҳатдан таъминлашга эришиш.

Юқорида фикр-мулоҳазаларга таянган ҳолда кутубхоначи ҳамда фан ўқитувчиларини ўқув жараёнини методик таъминотидаги ҳамкорлигида қуйидаги-ларга амал қилиш тавсия қилинади:

1. Ўқувчиларга баланд овоз билан китоб ўқишга ўргатиш;

2. Ўқитувчи, кутубхоначи ҳамда ота-оналар ўқувчилар билан китобни севиш, уни эъзозлаш ҳақида суҳбатлар ўтказиш;

3. Яхши китобларни тарғиб қилиш имкониятига эга бўлган авдиовизуал воситаларга эга бўлиш; мултфилм, кинофилм, диафилм, иллюстратив албомлар, бадиий откриткалар;

4. Ўқувчиларни кутубхоналарнинг библиографик катологлари билан таништириш, бундай кутубхоналарга мунтазам равишда, тизимлилик асосида саёҳатлар уюштириш,

5. Кутубхона дарслари, синфдан ташқари бадиий ўқиш, адабий кечалар, байрамлар, ўқув конференциялари, танловлар, мусобақалар ўтказиш;

6. Оилавий ҳамда синфда гуруҳ бўлиб китоб ўқишни ташкил этиш;

7. Адабий музей, китоб кўргазмалари, театрларга мунтазам боришни янада ривожлантириш.

8. Дарс ва синфдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларни андроид китоблардан фойдаланишга ўргатиш ва амалий-технологик тизимини ишлаб чиқиш.

Юқоридаги тавсияларни амалиётга татбиқ этилиши таълим жараёнида мутолаа маданиятини ривожлантиришда муҳим омил саналади.

Шубҳасиз, китоб инсон ақлини чархлайдиган, уни маънавий камолот сари етаклайдиган бебаҳо бир восита. Халқимиз азалдан китобхонлиги ва илм-маърифатга интилиши билан донг таратган. Боиси, инсон мутолаасиз, китоб ўқимасдан сиёсий, ҳуқуқий, илмий, маънавий тараққиётга эришиш мутлақо мумкин эмас. Аждодларимиз биз учун қолдирган бебаҳо китобларни мутолаа қилиб бугунги тараққиёт чўққисига эришмоқдамиз. Бобокалонларимизнинг аниқ фанларга оид беназир асарлари, тарихимизнинг энг қадимий лавҳалари акс этган мўтабар манбалар, энг асосийси чексиз маънолар уммони бўлмиш мумтоз адабиётимизни ўқиш ва уқиш зиё аҳлининг улкан вазифаларидан биридир.

Н.А.Рубакин таъбири билан айтганда "Яхши кутубхона коинотнинг китобдаги инъикосидир".[9]

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йили 20-июндаги Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисидаги ПҚ -381- сонли қарори.

(The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan of June 20, 2006, № PL-381 on organization of information and library provision of the population of the Republic.)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида" 2017-йил 13-центабрдаги 3271-сон Қарори.

(The Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 13, 2017 "On the Program of Complex Measures for the Development of the System of Publishing and Distribution of Book Products, Book Culture and Promotion of Book Culture")

3. Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц-я . Фан.Док... ..дисс.-Тошкент,2005.- Б, 240.

(Umarov A.A. The role of reading in promoting social-cultural development and the formation of a perfect personality. Sots. Doc. Science .....diss.-Tashkent, 2005.-P, 240)

4. Умаров А.А. Ижтимоий-маданий тараққиётни таъминлаш ва комил инсон шахсини шакллантиришда мутолаанинг роли. Соц-я . Фан.Док... ..дисс.-Тошкент,2005.- Б, 241.

(Umarov A.A. The role of reading in promoting social-cultural development and the formation of a perfect personality. Sots. Doc. Science .....diss.-Tashkent, 2005.-P, 241)

5. Ганиева Д.А. Ўқув жараёнида кутубхоначи ва ўқув фанлари ўқитувчиларининг ҳамкорлиги: пед.фан.номзоди....дисс. -Тошкент, 2008. -Б,90-108.

(Ganieva D.A. Cooperation between librarians and teachers in educational process: can.ped.scien. .... diss. -Tashkent, 2008.-P, 90-108.)

6. Шафалинова .Н.И . Библиотечно-библиографические занятия по литературе в старших классах. Литература в школе -Москва, 1974.-№5. -Б,152. Урок литературы--библиотечный.

(Shafalinova. N.I. Library and Bibliographic Studies in the Senior Schools. Literature in the School-Moscow, 1974.-№5. -B, 152. The lesson of literature is the library one.)

7. ҳттпс://ру.викиқуоте,орг/вики/.Балтасар Грасиан. Цитаты "Некторые ценят книги по их объему, точно написаны они для упряжнения рук а не ума".

8. либрарй.зиёнет.уз/ру/боок/ Шарқ мутафаккирларининг аҳлоқий қарашлари ва қадриятларидан. (From the moral values and values of Oriental thinkers.) http://реферат.архив.уз/индех.Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари. (pedagogical views of intellectuals.)

9. Рубакин. Н.А -https://www/livelib.ru/author-nikolaj-rubakin.

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРДА МАКОН ДЕЙКСИСИНИ ИФОДАЛОВЧИ СИНТАКТИК БИРЛИКЛАР

Сулайманова Нилуфар Жабборовна
Самарқанд давлат чет тиллар институти
катта илмий ходим-изланувчиси, катта ўқитувчи
http://dx.doi.org/10.26739/prefix
For citation: Sulaymanova N.J. Syntaxical units expressing deixis of place in the English and Uzbek languages. International Journal of Word Art. 2018, vol. 2, issue 2, pp. 66-73

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-10

Келиб тушган сана 25 февраль 2018
Эълон қилинган сана 5 апрель, 2018.

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада дейксис ҳодисалар, матнда дейксиснинг ифодаланиши, макон дейксисни ифодаловчи синтактик бирликлар, локатив синтаксемалар ва уларнинг дейктик ҳолатларини ўзаро мутаносиблиги кабилар ҳақида инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий тадқиқ қилинган.

Дейксиснинг ўзига хос хусусияти синтаксик бирликларнинг луғавий маъносига нисбатан ноаниқ бўлиши ва у фақатгина муайян матнда намоён бўлишидадир. Шунингдек, дейксис, нутқий фаолиятнинг замон ва макон кўрсатиш билан бир қаторда, мулоқот матнининг яхлитлигини таъминлаш учун ҳам хизмат қилади.

Дейксис иккиламчи хусусиятга эга бўлганида марказ мавҳум тус олиб, тасаввур қилинаётган субъектга учинчи шахс олмоши воситасида ишора қилинади. Анафора кўринишидаги дейксисда ҳам кўпроқ олдинги нутқий матнда эслатилган референт ишора қилиш мазмунига эга бўлган учинчи шахс олмоши фаоллашади.

Умуман олганда, юқорида айтиб ўтилган кўрсаткичлар ҳар қандай турдаги дейктик матн қурилиши учун хизмат қилишини назарда тутиб, асосий эътиборни лисоний бирликларнинг дейктик марказга нисбатан тутган ўрни, уларнинг ёзувчи (сўзловчи) ва китобхон (ўқувчи) ўртасидаги муносабат ва мулоқот ҳаракатини белгилашда бажарадиган вазифаларини дифференцияция қилишга эътиборни қаратиш лозимдир. Айтиш жоизки, ўқувчи ёки тингловчини матнда баён қилинаётган воқеа-ҳодиса иштирокчисига айлантириш ҳамда ушбу баёнга ишонтириш матн муаллифининг асосий мақсади бўлиб, айнан шу мақсад дейктик майдон доирасида юзага келади. Бу майдоннинг таркибий қисмини ташкил қилувчи воситалар what, who, when, where кабилар референтларининг мазмун муносабатларини таҳлил қилиш "дейктик кўчиш назарияси" (deictic shift theory) нинг асосий мақсадидир.

Таянч сўзлар: дейксис, локативлик, локатив синтаксема, матн, макон дейксиси, мутаносиблик, номутаносиблик, синтактик бирликлар.

СИНТАКСИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ, ВЫРАЖАЮЩИЕ ДЕЙКСИС МЕСТА В АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ

Сулейманова Нилуфар Джабровна
Самаркандский государственный институт иностранных языков
старший научный сотрудник, старший преподаватель

АННОТАЦИЯ

Настоящая статья исследует явления дейксиса, проявление дейксиса в тексте, синтаксические единицы, выражающие дейксис местонахождения, локативные синтаксемы и соответствие / несоответствие их дейктических состояний на основе сравнительно - сопоставительного анализа английского и узбекского языков.

Дейксис присутствует в тексте, несмотря на неточность словарного определения его свойств и особенностей. Вместе с этим, дейксис, наряду с указанием времени и места речевой деятельности, служит для обеспечения связности текста коммуникации.

Благодаря свойству двойственности дейксис может указывать на воображаемый субъект с помощью местоимения третьего лица. В дейксисе формата анафоры более чаще используется личное местоимение третьего лица, указывающее на референт, присутсвующий в тексте речи.

В общем, вышеназванные особенности относятся к дейксису любого вида, участвующего в построении текста, основное внимание должно обращаться к роли дейктического центра языковых единиц, их взаимоотношения между их писателем (говорящим) и читателем (учащимся), а также на следует уделять внимание на дифференциацию выполняемых задач в процессе коммуникативной деятельности. Следует отметить, что учащийся или слушатель должен переработать все происходящие в тексте события, что и является основной целью автора, именно в этом аспекте дейксис играет важную роль. Этот аспект подразделяется на составные части и средства типа what, who, when, where, которые выполняют основную функцию "переносной теории дейксиса" (deictic shift theory) в анализе содержания отношений.

Ключевые слова: дейксис, локативность, локативная синтаксема, текст, дейксис местонахождения, соответствие, несоответствие, синтаксические единицы.

SYNTAXICAL UNITS EXPRESSING DEIXIS OF PLACE IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

Sulaymanova Nilufar Jabborovna
Samarkand State Institute of Foreign Languages senior researcher, senior lecturer

ABSTRACT

The article investigates phenomenon of deixis, expression of deixis in text, syntactic units expressing deixis of place, locative syntaxemes and accordance / disaccordance of their deixic conditions basing on comparative analysis of the English and Uzbek languages.

Deixis exists in text in spite of inexact dictionary definition. Moreover, deixis not only points at time and place of speech act, but also serves for connection in communication text.

Thanks to its double function deixis can point at imagined subject by means of third person pronoun. It takes place especially when deixis obtains anaphoric format and personal pronoun points at referent of the speech text.

In general, above pointed peculiarities belong to any type of deixis used in text creation and demand special attention as it demonstrates interrelations between the writer (speaker) and reader (learner), and more attention should be paid to differentiation of tasks in communication process. It should be toned, that all events of the text are imagined by learner or listener, that is the main aim of the author, and deixis play a greater role in it. This aspect is divided into parts like what, who, when, where, that fulfill the main function of "deictic shift theory" in analysis of interrelations.

Keywords: deixis, locativeness, locative syntaxeme, text, deixis of place, accordance, disaccordance, syntactical units.

Маълумки, бугунги кунда матн тилшунослиги соҳасида кўпчилик олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Матн тилшунослиги доирасида матнни таҳлил қилишда прагматик, когнитив, лингвомаданият, дейктик ҳодисаларни аниқлаш каби илмий ёндашувлар мавжуд бўлиб, улар тўхтовсиз ривожланиб бормоқда.

Ҳозирги замон тилшунослигида номинатив бирликларнинг мулоқот жараёнида бажарадиган вазифалари нуқтаи назаридан дейктик номлашнинг ўзига хос тури сифатида қаралади. Дейксис ҳам ўз навбатида ахборотни аниқ узатиш учун хизмат қилади [7, 5].

Дейксис тизимининг марказида сўзловчи шахс туради ва унинг макон ва змонда ўрин олиши бошланғич нуқта бўлиб қолади. Дейксис сўзловчининг нутқ фаолияти жараёнида маълум маконда жойлашганлигини белгилайди. Шуни ҳисобга олганда, В.Ф.Ханкснинг таъкидлашича, дейксис дискурс даражасида ўрганилиши керак ҳамда ҳаволанинг махсус ҳолати сифатида эътироф этилиши мумкин [9, 46]. В.В.Жура ва В.И.Шаховскийлар эмоционал дейксис борасида қилган тадқиқот ишлари диққатга сазовордир [6, 43]. Чунки нутқий мулоқот жараёнида инсоннинг ҳис-туйғуси, унинг воқеликда кечаётган ҳодисаларга нисбатан шахсий муносабатларини билиш ҳам муҳим дейктик воситалар орқали намоён бўлади.

Кейинги йилларда кўпгина хорижий тилшунослар дейксиснинг қуйидаги турларини эътироф этмоқдалар: discourse deixis; emphatic deixis; person deixis; place deixis; time deixis [10, 70].

Айрим тилшунослар замон ва макон дейксисларини қуйидаги мисоллар сифатида қайд қиладилар:

Time deixis:

а) мулоқот жараёнида ёки унга яқин пайтда: Now - this time - two weeks from now;

б) мулоқотдан олдин бажарилган пайт: then - that time - last week.

в) мулоқотдан кейин бажариладиган пайт: tomorrow - seven days ago - next april.

Place deixis: a) here - that place - this city;

б) there - this ranch - these parks

в) this place - those towers over there - yonder mountains.

Макон дейксисини ифодаловчи иборалар юқоридаги мисолларда кўрсатилганидек фикрнинг ўрин-жой ҳақидаги контекстуал хабарини талаб қилади [8, 163].

Маълумки, тилшуносларнинг фикрича бирламчи ва иккиламчи дейксислар бўлиши мумкин. Бирламчи ёки туб дейксисда кўрсатиш "сўзловчи - шу ерда - ҳозир" (speaker - here - now) дейктик марказида юзага келади. Дейксис иккиламчи хусусиятга эга бўлганида марказ мавҳум тус олиб, тасаввур қилинаётган субъектга учинчи шахс олмоши воситасида ишора қилинади. Анафора кўринишидаги дейксисда ҳам кўпроқ олдинги нутқий матнда эслатилган референт ишора қилиш мазмунига эга бўлган учинчи шахс олмоши фаоллашади. "Мен", "сен", "шу ерда", "ҳозир" каби бирликларга эса қарийб мурожаат қилинмайди.

Айрим тилшунослар матн дейксисини алоҳида тур сифатида ажратмасдан, фақат субъектив ва объектив кўрсаткични ҳисобга олиб, объектив дейксис вазифасини ҳаракат йўналишини кўрсатувчи (go forward, come back, go away, etc.) равишлар ифодалаши мумкин [5, 11]. Бундан ташқари, Х.Исламджановнинг таъкидлашича, "сўзловчининг нутқий тузилма таркибидаги иштироки ҳар хил кўринишда бўлиши мумкин. Зотан, бу иштирок шахснинг воқеликни кўриш, сезиш ҳамда идрок этиш хусусиятида акс этади. Воқелик идрокидаги фарқ эса унинг-сўзловчининг қай даражада қизиқтириши ёки диққатини жалб этиши билан боғлиқ" [1, 5].

Локативликни ифодаловчи дейктик воситалар шахс ва предметларни нутқий мулоқот жойидан яқинда ёки узоқда жойлашишига нисбатан тавсифлаш мақсадида қўллаш мумкин. Мазкур тавсифда маконнинг узоқ ёки яқинлиги нафақат сўзловчига, балки тингловчига - адресатга нисбатан ҳам белгиланиши мумкин. Яна қўшимча қилиб айтиш мумкинки, ҳаракатнинг ким томонга йўналиш олиши ҳам дейктик восита қўлланишига таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, дейксис ҳодисаси билан шуғилланган тилшунослар макон ва замон дейксисларидан қайси бири муҳимроқ аҳамиятга эгалигини аниқлашга ҳаракат қиладилар. Ушбу баҳснинг пайдо бўлишига асосий сабаб, бу икки турдаги дейксиснинг, яъни макон ва замон дейксиснинг матн таркибида ўзаро муносабатда бўлиши, яъни бири иккинчисини тақозо этишидадир. Аммо, макон дейксиси замон дейксисига нисбатан мантиқ жиҳатдан ва нутқий фаолиятдаги ўрни жиҳатидан муҳимроқ кўринади. Чунки макон дейксиси замон дейксиси билан яширинча ҳолда бирикиб кетиши ҳам мумкин.

Дейксисшунос олимларнинг фикрларидан келиб чиққан ҳолда макон дейксиси мулоқот жараёнида сўзловчи ёки муаллиф ва суҳбатдош ёки китобхон эгаллаган ўринга ҳамда иш-ҳаракатининг бажарилганлиги, бажарилиши ёки содир бўлиш ўринга ишора қилиш, эслатиш, кўрсатиш кабилар макон дейксиси мазмунини ташкил қилади. Аксарият кўпчилик олимларнинг таъкидлашича, макон дейксисини ифодаловчи воситалар сифатида инглиз тилида here, there, over there, ўзбек тилида эса шу (бу) ерда, у (ўша) ерда кабилар тан олинган [4, 172].

Ушбу мақолада биз асосан микроконтекстда олдинги ўринларда локативликни ифодалаган синтактик бирликларга макон дейксиси воситалари билан ишора қилинган бирликларни инглиз ва ўзбек тиллари мисолида қиёсий синтактик - семантик тадқиқ этишни мақсад қилиб қўйдик.

Демак, макон дейксисини анафорик боғловчи сифатида қўлланиладиган воситаларни инглиз ва ўзбек тилари бадиий микроматнлар асосида синтаксемаларга ажратиб қиёсий таҳлил қилишдан иборат. Яъни гап қурилмасида инглиз тилида предлог + от, ўзбек тилида от туркумининг турлича келишиклар қўшимчаси ёрдамида ва от + равиш + келишик қўшимчалари асосида ифодаланган локатив синтаксемалар вариантлари билан макон дейксиси ифодаланган синтаксемаларнинг ўзаро мутаносиблигини ёки номутаносиблигини қиёсий тадқиқ этишдир.

Тилшуносликда дейксис муаммосига қаратилган кўпгина олимларнинг фикрлари билан танишиб, дейктик ҳодисаларни ёки дейксис ҳолатни ифодаловчи синтактик бирликлардан шахс дейксисига кишилик олмошлари I - мен, you - сен, he, she, it - у, we - биз, you - сиз, they - улар ҳамда эгалик олмошлари, my - менинг, your - сенинг, his, her, its - унинг, our - бизнинг, their - уларнинг кабилар киритилиб, уларнинг матнда дейктик хусусиятлари атрофлича талқин қилинган. Жумладан, С.Рахимов "Биринчи шахс кишилик олмошлари ҳаётнинг турли ҳодисаларига кўра муаллиф позициясини ифодалаш учун қўлланилади" [3, 11]. Илмий матн таркибида адресатнинг 2-шахс дейксиси воситасида эксплицит кўрсатиш амалда мумкин эмас. Бу турдаги матнларда муаллифнинг прагматик мақсади бевосита адресатга мурожаат қилиш йўли билан эмас, балки ўқувчига интеллектуал таъсирни фаоллаштирадиган гап бўлаклари алоҳида таъкидлаш орқали амалга ошади.

Шу борада таъкидлаш жоизки, биринчи ва иккинчи шахс олмошининг борлиқ билан ўзаро муносабати нутқнинг ўзига хос воқелигидир, шунинг учун ҳам уларнинг белгиси нутқий фаолият жараёни билан боғлиқ ҳолда аниқланади. Биринчи ва иккинчи шахс кишилик олмошларининг нутқ жараёни билан ушбу доимий муносабати уларни турли шакл ва бирикиш имкониятларига эга бўлган бошқа кўрсаткичлар гуруҳи яъни олмош, равиш, равишли иборалар кабилар билан боғлайди. Субъектив ишоранинг бу воситалари коммуникатив жараён иштирокчиларининг идрок доирасидаги объектларни ажратиш шунингдек, уларнинг макон ва замонда жойлашув ҳолатини чегаралаш имконини беради.

Маълумки, нутқ фаолияти муайян вазиятда аниқ мақсадга йўналтирилган нутқий фаолият намунасидир. Бундан маълум бўлишича, нутқий фаолиятнинг асосий қисмлари - сўзловчи, тингловчи, макон, замонга тегишли дейктик категориялар билан белгиланади.

Субъектив кўрсатиш воситалари асосан кишилик олмошларидан таркиб топган

бўлиб, унга олмошлар талқинида дастлабки ўринда кўзга ташланадиган фарқ замон ва макон майдонида турлича ўрин эгаллаш билан боғлиқ. "Мен" - "ҳозир" ва "шу ерда" юзага келаётган ҳодиса ҳақида фикр юритилаётган нутқий фаолият муаллифи - субъект. "У" эса доимо нутқ муаллифидан ўзга, ундан узоқлашган, алоҳида субъектдир. Яна шу олиманинг таъкидлашича, 3-шахс воситасида ифодаланаётган шахс мулоқот матнидаги иштироки 1-шахсга, яъни сўзловчига нисбатан белгиланади, чунки "у" асосан нутқий фаолиятнинг объекти, "ҳикоя қаҳрамони". Шунинг учун 3-шахснинг номланиши ҳам икки хил, яъни стереотип (анъанавий қолипли) ва субъектив (сўзловчи - муаллифнинг шахсий идрокига мос ҳолда) кўринишда бўлиши мумкин.

Умуман олганда 3-шахс олмошлари функционал вазифаларига кўра матнда that олмошига ёки there равишига яқин туради, чунки улар 1-шахс олмошларидан фарқли равишда, ўзларининг мазмунида имо-ишора маънони сақлайди. 1-шахс олмошларининг маъноси эса қўшимча ишорасиз ҳам тушинарлидир. Шунинг учун ҳам Л.Линскийнинг таъкидлашича: "... 1-шахс олмошлари бирламчи кўрсатиш воситаси сифатида фақат дейктик вазифада келади, 3-шахс олмошлари эса олдинги гапда антецедент (ўзидан олдинги бўлак) бўлишини талаб қилган ҳолда иккиламчи кўрсатиш воситаси сифатида ишлатилади" [2, 162]. Одатда, иккиламчи дейксис майдони координатори "у", "улар", "у ерда", "ўшанда" кўринишида белгиланиб, бу майдоннинг нутқий воқеланишида дейктик марказда сўзловчи эмас, балки кузатувчи туради.

Шундай қилиб, учинчи шахс олмошлари ҳамда ўринни ёки маконни ифодаловчи (равишлар, олмошлар) матнда ички тузилиш кўрсаткичи (анафорик алоқа) вазифасини бажариб, "матннинг семантик боғлиқлигини таъминлайди". Шунинг учун уларнинг функционал вазифаларини аниқлашда матн таркибида юзага келадиган ва унинг антецеденти муносабати муҳим аҳамиятга эга. Мазкур фаслда биз асосан маконга ишора қилувчи синтактик бирликларнинг синтактик сатҳдаги семантикасини инглиз ва ўзбек бадиий матнларида ифодаланиш ҳолатларини инвентеризация қилиш билан чекланамиз. Юқорида қайд этилган тадқиқотлардан ушбу ишимизнинг фарқи микроматнда ёки қўшма гаплар таркибида локативлик категорияси ҳар иккала тилларда отлар билан ифодаланган бўлиб, айнан ўша локативлик синтаксемага ишора, эслатиш ёки кўрсатиш воситалари билан биргаликда қиёсий функционал тадқиқ қилиш бутунлай янгича ёндашув бўлиб, тилшуносликда дейксис назариясини янада бойитишдан иборат.

Инглиз ва ўзбек тиллари мисолида категориал дифференциал синтактик-семантик белгилардан субстанциаллик базасида локатив адессив, локатив аллатив, локатив аблатив, локатив транслатив, локатив объект, локатив инструментал, локатив тарз семалар аниқланади. Галдаги вазифа эса ушбу маконга ёки локатив семаларга ишора қилувчи синтактик бирликларни микроконтекстда ифодаланишини кўрсатиб беришдан иборат.

Бадиий асарлардан йиғилган мисолларнинг гувоҳлик беришича локатив семани анафорик ифодаловчи воситалар турлича лексемалар ёрдамида берилиши мумкин. Инглиз тили мисолида тагмаънодаги локатив семаларнинг қандай вариантлар бўлишидан қатъий назар, улар қуйидагича ифодаланади:

1. Тагмаънодаги локатив семанинг адессив, аллатив, аблатив вариантлари ифодаланганда маконни эслатувчи анафорик восита there равиши ёрдамида берилади.

1) He had been in the office alone. Haso was there as well.

2) Igor run over to their yard. When he was half-way there he stopped and then walked on.

3) He had got back from the town. Magus was a good man and everybody there esteemed him.

Берилган мисолларда in the office (1) локатив адессив, to yard (2) локатив аллатив, from the town (3) локатив аблатив синтаксемаларни ифодаласада, макон дейксиси there воситасида ифодаланади.

Маълумки бадиий матнларда сўзловчи асосан асар муаллифи ҳисобланиб, унинг тингловчиси китобхон бўлиб, содир бўладиган ёки содир бўлмайдиган иш ҳаракат макони ҳар иккаласи учун ҳам узоқдалигини ифодалайди.

Тагмаънодаги локативлик вариантлари ифодалаган семаларнинг ҳар учаласига ҳам there ифодалаган макон семанинг мослиги ҳақида кейинги фаслларда тўхталамиз. Бадиий матндаги ифодаланган субъектга эътибор берилганда улар асосан 3-шахсда кўпроқ берилади.

2. Here равиши ёрдами:

1) Florik was happy in his dream saloon. We hope to see you here again.

2) He came over to the barber and pointed to the street outside the window. And here we go upsetting ourselves over nonsense, over uniforms.

3) When Yellow dodo returned from the Secretary's office with his face wreathed in smiles, no further remarks were passed, lither by Florik or by Haso. "I didn't expect to meet you here".

Ушбу гапларда маконга ишора қилувчи синтактик бирлик here - in ... saloon (1), to the street (2) локатив элементларга ишора ёки эслатиш кўзга ташланади, аммо учинчи гапда тагмаънодаги локативлик имплицит тарзда берилган. Демак, here учинчи гапдаги from the Secretary's office бирлигига тааллуқли эмас. Ёки from here ёрдамида ҳам ишора қилинган макон эксплицит ёки имплицит ҳолатда берилиши мумкин:

а) Эксплицит тарзда:

The old woman ran out of the station quicker then was decent at her age and got away from here.

б) Имплицит тарзда:

I live in Yarden Zane. It is not very far from here.

3. Where нисбий олмоши ёрдамида. **Анъанавий грамматикаларда мазкур нисбий олмоши ўрин эргаш гапларни боғлайдиган восита деб тан олинади. Аммо у релативлик муносабат билан биргаликда бош гапда берилган субъект ёки шахснинг бажарган иш ҳаракатининг маконига ишора қилиш билан бирга, ўша маконда яна бошқа бир иш ҳаракатнинг бажарилганлиги ёки ижро этилишини таъкидлайди:**

1) Samko went on standing in the same spot where she had stood three days before.

2) Yellow Dodo left the building of the district secretariat, but didn't know where to go.

3) They were women from the court where Igor lived.

4) He reached Yarden Zane, where he receded into the shadows and merged with the darkness.

5) He walked heroically right across the middle of the square, where Eve had stood and suffered these days before.

Мисоллардан тагмаънодаги локативликни ифодалаган the building of the district secretariat, from the court, in the same spot, Yarden Zane, across the middle of the square синтактик бирликлар локативликнинг турлича вариантларини ифодаласада, релатив олмоши where тагмаънодаги ифодаланган иш-ҳаракатига қўшимча ахборот мавжудлигини, яъни матни кенгайтириб, уни тўлғазиб бермоқда. Демак, қўшимча ахборот ёки иш ҳаракати, шахс ёки нарса предметни айнан тагмаънодаги макон доирасида содир бўлишини таъкидлайди.

4. Which релятив олмоши ҳам қўшма гаплар таркибида боғловчи вазифасида ҳамда матн доирасида which иштирок этган гап қисмидан олдин локативлик ифодаланган синтактик бирликка нисбатан анафора вазифасини ўташи мумкин:

1) He was sitting in the empty, dirty refreshment room, which smelt of mildow and stale tabacco.

2) The horses crossed the square at a neat trot and turned off into the street which led down the alley of chestnut trees to the station.

3) They come from the Ahine land, which is also a vine-producing area and they like it in our town.

4) Igor had jumped down from the cart and vanished along the narrow strest which led to the square.

Бундан ташқари behind which, through which, in the centre of which, in front of which каби бирикмалар ёрдамида ҳам маконга ишора қилиш ёки уни таъкидлаши мумкин.

1. Igor passed the church wall behind which stood the alter and saw Eva's father.

2. They stood beside the door through which she had passed.

3. The main street terminated in a small square, in the centre of which stood a sculpture of the Holy Trinity.

4. When they emerged from the narrow street they came to the Grammar school, in front of which stood crowd of people.

5. Макон дейксисини ифодалашда предлоглар ёки адвербиал элементлар билан it, them олмошлари орқали ҳам ишора амалга оширилиши мумкин:

а) in it ёрдамида:

He sat down in a swivel chair with a leather-up-holstered seat and span round in it.

б) in front of it ёрдамида:

A bicycle was leaning against the wall of the house opposite and knealing in front of it was their neighbour.

в) in the midst of them ёрдамида:

The secrets of the town below the slopes of the vineyards are ugly and dangerous. In the midst of them, Eva's image had faded away.

6. Гумон ёки маконни ифодаловчи ноаниқ олмоши гапнинг бўлишсизлик шаклида anywhere ёрдамида ҳам маконга ишора қилиши мумкин:

I looked for you at home and in the High street, but you weren't anywhere to be seen.

Ўзбек тили мисолида маконга ишора қилувчи воситалар ҳам ҳар хил синтактик бирликлар ёрдамида ифодаланиши мумкин. Улар "бу ерда", "у ерда", "шу ерда", "у ерга", "шу ерга", "у ердан", "шу ердан" кабилар ёрдамида берилиб, тагмаънодаги локативлик семанинг вариантларига уларнинг ифодалаган локатив синтаксемалар мос келиши ёки мос келмаслиги мумкин:

1. "Бу ерда" ёрдамида:

Саф тортиб турган бир неча хонадан ўтдик ва қабулхона залига етдик. Бу ерда уч марта таъзим бажо келтирдик.

Бу ерда равиши асосан сўзловчига яқин бўлган маконга ишорадир. Бадиий матнда иш-ҳаракат бажарувчи асосан учинчи шахсдан иборат бўлиб, муаллиф китобхонга асар қаҳрамонини ёки персонажни гапиртиради ва унинг ахбороти билвосита муаллиф орқали ўқувчига етказилади, аммо "бу ерда" орқали ишора қилиш маконнинг яқинлиги фақат муаллиф тасвирлаётган персонажгадир.

2. "Шу ерда" синтактик бирлик ҳам "бу ерда" каби локатив адессив семани ифодаласада, тагмаъно локатив адессив, аллатив синтаксемаларга ишора қилишда ишлатилади.

Жуялик одамларнинг йўл бошлаши билан гимназияга келиб кирди. Шу ерда унга хатни тушинтириб бердилар.

3. "У ерда" синтактик бирлик маконга ишора сифатида ишлатилганда, гапдаги иштирокчи субъект асосан биринчи ва учинчи шахслардан иборат бўлиб, ишора қилинган макон улардан узоқдалигини ифодалайди:

1) Биз сарой ичига кирдик, у ерда мен дарахт тагида ўзини ҳимоя қилган ҳалиги жирканч махлуқлардан учтасини кўрдим.

2) Маориф комиссарлигига мурожаат қилдим. У ерда ҳам бу ташаббусни қутлаб Болалар адабиёти нашриётининг харажатини берадиган бўлдилар.

4. "Бу ерга", "шу ерга" ёрдамида макон дейксиси ифодаланганда, ишора қилинган макон сўзловчига яқинлиги ёки сўзловчининг маконнинг ўзида жойлашганлигини ифодалаб, локатив аллатив семани ифодалайди.

1) - Йўқолинг алдамчилар, бизнинг мажлисда сизга ўрин йўқ!

- Сизларга бу ерга келишга ким ижозат берди?.

2) Маймун ўзини дарҳол деразага урди, у ердан тарновга тармашди. Бу ерга ҳар томондан юзларча одамлар келишди.

3) Ибодатхонадаги ашё ва зийнатларни олиб чиқишган, у анча вақтдан бери бўм-бўш ётган. Шу ерга мени жойлаштирмоқчи бўлишди.

5. "У ерга" маконнинг сўзловчидан узоқлигини ифодалаб, тагмаънодаги локатив аллатив синтаксемани ифодаловчи маконга ишора қилинади.

Москвага ўқишга жўнамоқчиман. У ерга энг ози тўрт йиллар бўлсам керак.

6. "У ердан" ёрдамида маконга ишора қилинганда тагмаънодаги локативликдан субъектнинг узоқлашиш ҳолатини ифодалайди:

1) Низомий номли Давлат педагогика институтига адабиёт ўқитувчиси бўлиб келди.

У ердан шампанский пробкасидай отилиб Марғилонга тушди. У ердан ҳам ҳайдалди.

2) Шу мамлакатда яшаб турган пайтимда, у ердан жўнаб кетишимга уч ой қолганда бўлиб ўтди.

7. "Ўша ердаги" ёрдамида:

Чирчиқ лабига солинган азот заводига экскурсияга чиққанлар, ўша ердаги ишчиларнинг умумий ётоқхоналарига қўнмоқчилар.

8. "бу ердаги" ёрдамида:

Бу институтда сақланадиган китоблар ўзбек халқининг бебаҳо ва даҳлсиз маданий бойлигидир. Бу ердаги кўп китоблар жаҳонда ягона нусхалар ҳисобланади.

9. "ўша ёққа" ёрдамида:

Мьюноди, бунақа суҳбатларни шаҳардан 20 миля узоқда жойлашган чорбоғимда олиб борилгани маъқул, эртагаёқ ўша ёққа борамиз.

Демак, макон дейксисини анафорик жиҳатдан ифодаланиш воситалари инглиз тили мисолида there, here, where, which, behind which, through which, in the centre of which, in front of which, in it, in front of it, in the midest of them, anywhere кабилар ёрдамида намоён бўлса, ўзбек тилида эса бу ерда, шу ерда, у ерда, бу ерга, шу ерга, у ерга, у ердан, ўша ердаги, бу ердаги, ўша ёққа кабилар ёрдамида ифодаланишини кўрдик. Навбатдаги вазифа эса тагмаънодаги, яъни матн бошида инглиз тилида предлог + от, ўзбек тилида эса от + келишик қўшимчалари ёрдамида ифодаланган локативлик категориясининг ҳар бир варианти билан маконга ишора қилувчи анафорик синтактик бирликларнинг бир бири билан мутаносиблиги ва номутаносиблиги қиёсий таҳлил қилинади.

Адабиётлар

1. Исломжонова Х. Обнаружение говорящего в высказывании: Автореф. дисс... докт. филол. наук. - Ташкент: НУУз. 2000. - 33 с.

(Islomjonova H. Detection of the speaker in the statement: Author's abstract. Diss. ... Doct. philol. sciences. - Tashkent: NUUz. 2000. - 33 p.)

2. Линский Л. Референция и референты // Новое в зарубежной лингвистике. - Москва: Прогресс, 1982, вып.3. - С.161-178.

(Linsky L. References and referents // New in foreign linguistics. - Moscow: Progress, 1982, issue 3. - P.161-178.)

3. Рахимов С. Речевая коммуникация и проблемы дейксиса в разносистемных языках. - Ташкент: Фан, 1989. - 89 с.

(Rakhimov S. Speech communication and the problems of deixis in heterogeneous system languages. - Tashkent: Fan, 1989. - 89 p.)

4. Сафаров Ш.С. Прагмалингвистика. - Тошкент: Ўзб. миллий энциклоп, 2008. - 300 б.

(Safarov Sh.S. Pragmalinguistics. - Tashkent: Uzb. National encyclop, 2008. - 300 p.)

5. Стернин И.А. К проблеме дейктических функций слова. Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. - Москва: Ин-т языкознания АН РФ, 1973. - 18 с.

(Sternin I.A. To the problem of deictic functions of a word. Author's abstract. diss. ... cand. philol. sciences. - Moscow: Institute of Linguistics, Academy of Sciences of the Russian Federation, 1973. - 18 p.)

6. Шаховский В.И., Жура В.В. Дейксис в сфере эмоциональной речевой деятельности // Вопросы языкознания. - Москва, 2002. - №5. - С.38-56.

(Shakhovsky V.I., Jura V.V. Deyxis in the sphere of emotional speech activity // Questions of linguistics. - Moscow, 2002. - № 5. - P.38-56.)

7. Шматова В.И. Дейксис в системе глагола современного английского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. - Москва: МГПИИЯ,1976. - 23 с.

(Shmatova V.I. Deyxis in the verb system of modern English: Abstract. diss. ... cand. philol. sciences. - Moscow: MGPIYA, 1976. - 23 seconds.)

8. Fromkin V., Rodman R. An introduction to language. - Philadelphia: Hercourt Brace Jovanovich College Publishers, 1993. - 544 p.

9. Hanks W.F. The indexical ground of deictic reference // Rethinking Content. Language as an interactive phenomenon. - Cambridge: Cambridge University Press, 1992. - P. 43-76.

10. Lees R.E. The Grammar of English Nominalization. New York, 1960. - 371 p.

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

ФАЛСАФИЙ ГЕРМЕНЕВТИКА: ИФОДА ВА МАЗМУН БИРЛИКЛАРИ

Комилжон Жураев,
филология фанлари доктори, Андижон давлат университети профессори.
http://dx.doi.org/10.26739/prefix
For citation: K. Juraev Philosophical hermeneutics: expressions and content units. International Journal of Word Art. 2018, vol. 2, issue 2, pp. 74-78

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-11

Келиб тушган сана 5 март, 2018
Эълон қилинган сана 25 апрель, 2018.

АННОТАЦИЯ

The article deals with lingvo-cognitive, communicative, pragmatic and linguo-cultural aspects of the theory and practice of translation. The author also tried to discover the philosophical hermeneutic problems that form the basis of translation theory and practice in the article.

At the same time, the author points out that today Germenevtikani interpretation, interpretation and interpretation, which is being studied in the modern science of the terminology, is the art of interpretation of the art work, the art of interpretation (personalities) by German philosophers F.Shleyermaxer, V.Diltey, M.Haydegger, G.Gadamer based on his works.

Key words: translation theory, translation practice, interpretation, commentary, scouting, translation of literary works, antique literature.

ФИЛОСОФСКАЯ ГЕРМЕНЕВТИКА: ЕДИНИЦА ВЫРАЖЕНИЯ И СОДЕРЖАНИЯ

Комилжон Жураев,
доктор филологических наук, профессор Андижанского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются лингво-познавательные, коммуникативные, прагматические и лингвокультурные аспекты теории и практики перевода. Автор также попытался выявить философские герменевтические проблемы, которые составляют основу теории и практики перевода в статье.

В то же время автор отмечает, что сегодня интерпретация, толкование и комментария германевтики, изучаемая в современной науке терминологии, - это искусство интерпретации произведения искусства, искусства интерпретации речи персонажа основанного на работах немецких философов Ф. Шлейермаксера, В. Дильтей, М. Хайдеггера, Г. Гадамера.

Ключевые слова: теория перевода, практика перевода, интерпретация, комментарии, разведка, перевод литературных произведений, античная литература.

PHILOSOPHICAL HERMENEUTICS: EXPRESSIONS AND CONTENT UNITS

Komiljon Juraev,
doctor of philology, professor of Andijan State University

ABSTRACT

The article deals with lingvo-cognitive, communicative, pragmatic and linguo-cultural aspects of the theory and practice of translation. The author also tried to discover the philosophical hermeneutic problems that form the basis of translation theory and practice in the article.

At the same time, the author points out that today Germenevtikani interpretation, interpretation and interpretation, which is being studied in the modern science of the terminology, is the art of interpretation of the art work, the art of interpretation (personalities) by German philosophers F. Shleyermaxer, V.Diltey , M.Haydegger, G.Gadamer based on his works.

Key words: translation theory, translation practice, interpretation, commentary, scouting, translation of literary works, antique literature.

Энг аввало, таржима назарияси ва амалиётининг асосини ташкил этувчи фалсафий герменевтика тушунчаси тарихига таъриф берсак. Ҳозирги замон атамашунослигида талқин, шарҳ маъносидаги герменевтика деб юритилаётган термин [<юн. hcrm?neutic? - ингл. Henneneutics, рус. герменевтика] - бугунги кунда шориҳлик санъати, бадиий асарларни, бошқа кишилар нутқини талқин қилиш санъати бўлиб, дастлаб у антик даврда (м.а. 3000 й.) пайдо бўлган. Ўзбек тилида матнни талқин қилиш назарияси, рус тилида теория интерпретации, толкования текста деб ҳам юритилади. Ҳали ёзув пайдо бўлмаган даврларда турли тилда сўзлашувчи қабила-ю элатларнинг ўзаро мулоқотлари, "бегона тил"ни тўғри тушуниш зарурати таржимани юзага келтирди. Герменевтика истилоҳи қадимги юнон тилидан келиб чиққан [<hermeneuticos] бўлиб, антик мифологияда худоларнинг амрини бандаларига етказувчи воситачи - Зевс ва Майянинг ўғли Гермес номи билан боғлиқ. Кўпхудолиликка асосланган қадимги политеистик динларда илоҳларнинг каломи бандаларига тушунарли бўлиши учун, масалан, қадимги Юнонистонда Гермес уларнинг амр-фармонларини мувофиқ тарзда шарҳлаб, тушунтириб бериши керак эди. Бу ерда у воситачигина эмас, шориҳ ҳам эди. Антик адабиётдаги Гермес фаолиятини жаҳон ва миллий динлардаги пайғамбарлар фаолияти билан қиёслаш мумкин. Тангрининг бандалари тушунмайдиган момақалдироқ гумбури-ю карнай садосидай овозини (Тавротнииг "Чиқиш" китобидаги 19-боб 16-20-бандларида ҳикоя қилинишича, Мусо а-с. Синай тоғида ва Исо а-с. "Юханнога худо юборган Ваҳий" китобининг "Арши аъло" бобида Аллоҳ таолонинг карнай садосидан ҳам кучли овозини эшитадилар ва Унинг сўзларининг маъносини ўз қавмига тушунтириб беради) фақат пайғамбарларгина тушунадилар ва бандаларга талқин қилиб берадилар. Кейинчалик, фалсафий герменевтикани фан сифатида шакллантирган Ханс Георг Г?дамер (1900-2002) idea boni interpretis (тўғри талқин идеали - лотин.)ни яратган Иоганн Конрад Даннхауэр (1603-1666)ни "герменевтика" атамасини биринчи бўлиб қўллаган олим шу бўлса керак, деб ҳисоблайди. Лекин Даннхауэр Аристотелнинг "Peri hermeneias" ("Шарҳлаш санъати") трактати борлиги ва унда билдирилган фикрларни давом эттириб, охирига етказиш нияти борлигини билдирган.

Фалсафий герменевтика лисоний матн кодини, тарзини ўзгартириш ва бу жараёнда унинг ифода ва мазмун бирликларининг янги лисоний ва услубий шаклини

яратишни назарда тутади. Инвариант, яъни мазмуннинг бир матндан иккинчисига ўтиши, бунда аслиятнинг услубий ва бошқа ўзига хос хусусиятлари мумкин қадар аниқ сақланишини кўзлайди. Бунда китобхон аниқ, аффирматив таржимага эга бўлади, бунда таржима матнлараро алоқа, метаматн тусини олади.

Тиллар, услублар ва маданиятлар ўртасидаги фарқлар эътиборга олинса - бу хақда Гадамер китобининг "Тил ва тафаккур", "Семантика ва герменевтика", "Риторика ва герменевтика", "Санъат ва тақлид", "Эстетика ва герменевтика" бўлимларида фикр юритилганидай - аслиятии сўзма-сўз ўгириб бўлмаслиги аниқ бўлиб қолади. Худди шу ерда таржима қилиб бўлмаслик назариясига дуч келамиз. Она тилида аслиятдаги у ёки бу сўз ёки тушунчага мос келадиган муқобил эквивалентнинг йўқлигидан таржимонлар ана шу назарияни рўкач қилишади. Агар таржима ахборотни қайтариш чоғида ҳеч қандай йўқотиш сезмай, аслият шакли ва мазмуни эса юз фоиз тикланиши лозим дейдиган бўлсак, билингки, бундай таржима мутлақо бўлмайди. Агар таржимани ахборотни узатиш ва қабул қилишга йўналтирилган нутқ ва тил фаолияти, ёинки тиллараро мулоқот учун керак ҳодиса деб қарайдиган бўлсак, унда таржима бўлиш муаммоси ижобий ҳал этилади. Таржимадаги қийинчиликлар деганда аслият тилини етарли даражада билмаслик ва оқибатда асарни тушунмаслик ёки махсус билим йўқлигидан бадиий воқелик моҳиятини англамасликдан келиб чиқадиган муаммолар назарда тутилади. Тил бирликларининг ифода ва мазмун томонлари ёритилмай қолади. Шунинг учун таржима жараёнида, энг аввало, ана шу икки томонга аниқлик киритиш лозим. Станислав Лец "Тарошланмаган фикрлар" китобида "Не ходи по гладкой дороге - поскользнешься" деган иборани келтиради. Таржима қилиб кўринг-чи: "Текис йўлдан юрма - тойиб кетасан" (текис йўлда ҳам тойиб кетадими?!) деб ўгириш мумкин. Буни шунчаки оддий гап деб ўйласангиз, янглишасиз. Бу ерда гапнинг маъно даражаси муҳимроқ, уни шунчаки оддий бир матнда, деб ўйласак, унинг асл маъносини уқмаган бўламиз. Бу ерда инсон зотининг ўзига хослиги, ҳар кимнинг ўзи танлаган йўли бўлишлиги, тақлидгўй бўлмаслиги таъкидланади. Бировнинг силлиқ йўли ўзга учун тошлоқ ёки тиконли бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун нотекис бўлса ҳам, ўз йўлингдан юр - тойиб кетмайсан, демокчи. Лецнинг китобида 2000 га яқин ана шундай сермаъно, сермазмун ва сержило фикрлар борки, ўқувчи ўз ҳаёт тажрибаси, ўз фикрларининг қанчалик чуқурлиги, ақл-заковатига қараб ҳар хил ўқиши ва ҳар ҳил тушуниши, баъзан нотўғри тушуниши ёки умуман тушунмаслиги ҳам мумкин. Энди мана бу гапни ўгириб, мағзини чақиб кўринг: "Не один нуль воображает себя эллипсом, по которому вращается мир"; ёки яна бир топишмоқ: "Интересно, думают ли звери, глядя на нас: "Се человек?" Агар сиз бу иккала интеллектуал нутқ бирлигини ғирт бемаъни нарса десангиз, уларда ифодаланган инсон руҳи ва фикрининг динамик ҳолати чуқур маънавий ва маърифий мазмунни уқмаган бўлишимиз мумкин. Демак, таржима жараёнидаги энг муҳим амал - матн семантизацияси.

Бу осонликча қўлга киритиладиган жараён эмас. У таҳлил, тафсир, талқин, табдил, таҳрир ва яна бир қанча мураккаб ва нозик ҳаракатлар транслатологик амалларни қамраб оладики, уларнинг барчаси тўғрисида фикр юритиш муайян илмий изланишларга туртки беради. Ўқувчининг хабари бўлса, бундай туртки ёки импульс 200-300 йил муқаддам немис файласуфлари Ф.Шлейермахер (1768-1834), В.Дильтей (1833-1910), М.Хайдеггер (1889- 1979), Г.Гадамер (1900-2002) тадқиқотларида акс этган. Улар ўзлариниг фалсафага оид асарларида нарса, воқеа, ходисалар ва турли анъаналарнинг моҳиятини чуқур англашда - у русчада "предпонимание" деб юритилади - фалсафий герменевтиканинг ўрни катталигини таъкидлаганлар. Масалан, бу соҳанинг етакчи кошифи саналган буюк устози Мартин Хайдеггернинг машҳур тадқиқоти "Борлиқ ва Замон" ("Бытие и Время") асаридан қувват олган Ханс Георг

Гадамер "Фалсафа ва герменевтика" номли мақоласида оламни ўрганиш, бегона, ёт унсурларни ўзлаштиришда, уларни чуқур англаб, тагига етишда, нотанишлик ва билмасликни бартараф этишда герменевтик жараён кўп қўл келади, дейди. Чунки субъектив онг, яъни ўқувчи-китобхон табиатан анойи бўлади. У матнни ўқир экан, у ерда айтиляпти-ку, ёзиб қўйилибди-ю, демак, ҳаммаси рост экан-да, деб уни тушунганлигини айтади, чин, ҳақиқат деб билади, унга лақ этиб ишонади, аслида, гап тагидаги гап, тагмаъно (муаммо жанридаги текст ёки фикрнинг ички, яширинган маъноси) тушунилмайди. Муаллиф назарда тутган ва адабий жараён ёки асар поэтикаси талабларига кўра яширинган экзистенция, унинг ўйлаганидек маънода тушуниш, пинҳоний, яширин нарсани яхлит тарзда ойдинлаштириш, кўрсатиш, талқин, тавсиф ёки табдил қилиш, экстралингвистик унсурларга ойдинлик киритиш лозим. Буюк файласуф ва филолог Махмуд Замахшарий (1075-1144) бу герменевтик ҳодисани немис файласуфларидан 700-800 йил аввал асослаб берган ва буни "бирор нарсани ўз номи билан эмас, бошқа сўз билан аташ", яъни бирор мақсадни аниқ айтмасдан шунга ишора қилиши деб изоҳлайди. Масалан, бир муҳтож ҳожат билан бировнинг олдига келиб, ўз ҳожатини аниқ айтмасдан, "саҳоватли юзингизни бир кўрай деб келдим" деса, бу Замахшарий фалсафафий герменевтикасининг асоси бўлади. Немис файласуфи Карс Ясперс (1883-1969) ҳам шундай фикрни билдирган.

Фалсафий герменевтиканинг бу муаммолари таржима амалиётигача бўлган жараёнда юқоридаги "предпонимание" тушунчаси ифодалаган тўғри талқин қилишнинг гуманистик, филологик принципларига ҳам аниқлик киритади. Гадамернинг фикрича, тарихий тафаккур асосида ҳамма вақт ҳам анъанавий хусусиятга доҳил тушуниш, тушунтириш, изоҳлаш (предпонимание) ётган. Уни тузатиш, унга ўзгартишлар киритиш мумкин, аммо ундан мутлақо воз кечиш, уни тан олмаслик мумкин эмас, бу доиллик ҳар қандай тушунишлик ва изоҳлашнинг энг зарур шарт-шароити, замини саналади.

Демак, немис файласуфларининг фикрига кўра, ҳар қандай тажриба, ҳаётдаги, воқеликдаги ҳамма нарса ҳам нутқ, гап воситасида рўёбга чиқавермайди. Кўп нарса тил, забондан ташқарида, унсиз, сукут орқали ифодаланади. Шу сабаб, Станислав Лец "Даже в его молчании были грамматические ошибки", деган экан, унинг фикрида ҳам жон бор. "Сукут - аломати ризо" ("молчание - знак согласия") имплицит конструкция тагматни "тилнинг хайрлиси - сўзламай тургани" экспликациясидай эмас, "унинг ҳатто сукутида ҳам грамматик хатолар бор эди" гапидаги окказионал маъно бирдай стилистик юк ташийди ёки вазифа бажаради. Шу каби ҳолатларда, айниқса, оламни ўрганишда, тилдаги бегона, ёт унсурлар, масалан, реалемаларни ўзлаштиришда, уларнинг тагига етишда, тагматн маъносидан бехабарлик ёки унга эътиборсизликни бартараф этишда герменевтик жараён таржимонга қўл келади. Гадамер бунда тафаккур, унинг имкониятлари ва чегараларининг тил билан боғлиқлиги ва у билан белгиланиши ҳақида сўзлаб, талқиннинг ҳам тилга боғлиқлигини кўрсатади. Бирор матнни тушунмаётганимизда ва бирорта кўпмаъноли (полисемантик) сўз бошимизни қотираётганида ва бу бошқотирма талқиннинг бошқа имкониятларини қидиришга ундаганида, дейди у, биз, турган гап, тушунишни кийинлаштираётган тил билан боғлиқ тўсиқларга дуч келамиз. Охир-оқибат кўпмаънолиликнинг тагига етиб, сўзнинг аниқ, ягона маъносини белгилаб олганимиздан сўнггина биз матнни ўқиб олганимиз, уни тўғри тушунганимизга иқрор бўламиз. Демак, таржимон тилшунос бўлмай, адабиёт билан, файласуф бўлмай, матншунослик ва унинг яширин маъноларини англаб олиши даргумон.

Бадиий асар таржимасида мантиқнинг бу фалсафий тармоқлари турлича кўринишда шаклланиб келмокда. Матн остида ёки китоб охирида сўзларни изоҳлаб бериш, бизнинг назаримизда, мутлақо номақбул

амал. Чунки, маълумки, бадиий асар бу жозибали, эстетик қадрият. Демакки, у китобхонда эстетик завқ уйғотиши лозим. Асарни ўқиётиб, нотаниш сўз учраса, ҳадеб матн остига ёки китобнинг орқасига қараб, талқин билан танишиш ҳам вақтни олади, ҳам эстетик завқни сусайтиради, ҳам ўқилган матн мазмунининг хиралашувига сабаб бўлади. Шунииг учун изоҳталаб сўзларни матн ичида талқин қилиб берилгани маъқул. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда, масалан, рус тилидаги матнда берилган бир босма табоқ ҳажмидаги изоҳ, ўзбек тилига ўгирилаётганда керакли ўринларда бир-иккита сўз билан матнга сингдириб юбориш мумкин. Ўйлаймизки, бу - самарали тадбир.

Аслият муаллифи асарини ўз ўқувчисига мўлжаллаб ёзади. Шунда у фикрини китобхоннинг онги, шуури, диди, сезгирлиги, ақл-заковатига эътиборан қисқа ёки батафсил ифода қилиши мумкин.

Одатда, шеърият қисқаликни талаб қилади. Баён қилиниши лозим бўлган фикрни муаллиф очиқ-ойдин ифодалаб ўтирмайди, уни китобхонниг ўзи ўқиб олишини ҳисобга олиб, компрессия ҳолатидагидек, айтмай кетиши мумкин. Масалан, "Куз ҳақида саккиз станс" деб номланувчи шеърнинг саккизинчи станси (шеърнинг синтактик жиҳатдан тугалланган ҳар бир мисраси ҳамда шундай тўрт мисрадан иборат шеърий банди)да "Осталось гнездо на ветвях платана / Но фениксов нет давно" мисраларида илгарилари давлат доно, оқилона бошқариларди, энди доноликдан асар ҳам қолмади, дегандек, донишмандлик рамзи Ҳумонинг "инигина" қолди, Ҳумо - донолик энди йўқ, дейди шоир Ду Фу: "Сарвларда инлари қолган / лекин қайтиб келмади Ҳумо".

Стансларда "Волшебники плыли со мною в лодке / под ласковою луной" мисраларидаги волшебники сўзи ўқувчини чалғитмаслиги учун бу ерда ҳам сеҳргар-дўстларим деб матнга аниқлик киритилган. Бу ФИТ (Таржимонлар халқаро федерацияси) Низомига хилоф эмас, чунки унда айтилган: "Аниқлик - ўгирилаётган асарнинг шакли, муҳити, характери. Ички яширин маъносини бошқа тил, бошқа юртда тўлақон ҳис эттириш мақсадида баъзи ўзгаришларсиз рўёбга чиқмаслигини ҳисобга олса ҳам, аниқ таржимани ҳижжавий таржима билан алмаштириб бўлмайди". (5-модда)

"Табиат қўйнида" шеърида "Тао Цяню / следую во всем" дейилган холос. Тао Цянь ким? Нега энди шоир унга эргашиши керак? Антропоним ўқувчини чалғитмаслиги учун мисралар аслият руҳига биноан "Ва ҳар соҳада улуғ шоир / Тао Цяньга эргашаман" деб, улуғ шоир сифатловчисини қўшиб изоҳлаб таржима қилинди. "Ўзим билан майхўрлик" шеърида А.Гитович ўгиради: "Шляпы не хочу / и колесницы// приносит радость мне / уединенье // и незачем / перед людьми хвалиться". Ўзбек тилига: "На даркор шляпа, файтун / бу - давлат // ягона қувончим билсангиз / узлат // мақтаниш, биламан, ярамас / одат" деб шляпа ва файтуннинг аслий матнда кўрсатилмаган амал рамзи эканлиги билан изоҳланди.

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

НАСРИЙ ВА НАЗМИЙ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Ганижон Хошимов Мирзааҳмедович,
филология фанлари доктори, Андижон давлат университети профессори
For citation: G.M. Xoshimov Problems of prose and verse translation. International Journal of Word Art. 2018, vol. 2, issue 2, pp. 79-87

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-12

Келиб тушган сана 18 март, 2018
Эълон қилинган сана 25 апрель, 2018.

АННОТАЦИЯ

Мақола таржима назарияси муаммоларига бағишланган, хусусан, проза ва шеърий таржималар, бу иккала турдаги турфа хил, экспрессион ва таркибий текисликнинг муайян қийинчиликлари билан тавсифланади.

ПРОБЛЕМЫ ПРОЗАИЧЕСКОГО И ПОЭТИЧЕСКОГО ПЕРЕВОДА

Ганижон Хошимов Мирзаахмедович
доктор филологических наук, профессор Андижанского государственного университет

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена проблемам теории перевода, в частности, прозаического и поэтического переводов, в ней последние рассматриваются как две жанровые разновидности перевода со своими характерными для каждой из них трудностями как плана выражения , так и плана содержания.

PROBLEMS OF PROSE AND VERSE TRANSLATION

Ganijon Khoshimov Mirzaahmedovich
doctor of philology, professor of Andijan State University

ABSTRACT

The article is devoted to the problems of theory of translation, particularly of prosaic and poetic translations, which are the two genre types of the latter characterized by specific difficulties of both plane of expression and plane of content.

Бугунги кунда жаҳонда мунтазам кечаётган интеграллашув ва глобаллашув жараёнларида таржима ва таржимашуносликнинг роли ва аҳамияти тобора ошиб бормоқда, чунки инсон ҳаётининг қайси жабҳасини олманг, у ерда илмий-техникавий, маданий-маърифий, сиёсий-иқтисодий ва бошқа бир қатор соҳалар бўйича охирги янгиликлар, илғор фикр ва ғоялар, уларда эришилган кашфиётлар бевосита таржима орқали умуминсоният мулкига айланиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда бугунги ҳаётимизни таржимасиз, унинг инсониятга беминнат ва беқиёс хизматисиз умуман тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Қуйида биз кўп йиллик таржимонлик фаолиятимиздан келиб чиқиб, таржима моҳияти ва унинг инсон ҳаётидаги беқиёс ўрни ва аҳамияти, айниқса насрий ва назмий таржима турларининг айрим долзарб муаммоларига мухтасар тўхталиб ўтамиз.

Таржима - бу таржимон томонидан аслият тилидаги матннинг мазмунини таржима тилига тўлиқ сақлаган (ёки жуда яқинлаштирган ҳолда) ўгирилиш жараёни ёки унинг пировард натижасидир.

Таниқли рус олими Л.С. Бархударов таъбири билан айтганда, "таржима бу тиллараро маънавий ва мазмуний трансформациялар мажмуасидир" (Бархударов1975, 27).

Таржима адабиётида таржимабоплик жиддий масалалардан бири бўлиб, ушбу масалага ёндашишда олимлар икки гуруҳга бўлинадилар.

Биринчи гуруҳ олимлар фикрига кўра бир тилдан иккинчи тилга таржимани амалга ошириш мумкин эмас, чунки тилда миллат руҳи акс этади, уни бошқа тилга ўтказиш мумкин эмас (В.Ф.Гумбольд ва унинг шогирдлари, Жорж Мунен, 1964, Испания файласуфи Хосу Ортега-и-Гассет ва б.қ.). Бундай олимлар учун тиллар ўртасидаги тафовутлар мавжудлиги дастак бўлиб келмоқда. Масалан, банту тилида, жинс тушунчасини ифодаловчи 24 категория мавжуд, араб тилида туя номи билан боғлиқ уни ифодаловчи 5,714 та сўз бор, ўзбек тилидаги "-лар" қўшимчаси орқали ҳурмат шахснинг ўзига ва, шуниси қизиқки, хатто унга тегишли нарсаларга ҳам бажо келтирилади, ёки араб тилида бирлик, иккилик ва кўплик сони мавжудлиги каби тиллардаги бетакрор жиҳатлар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Иккинчи гуруҳ олимларга кўра таржима амалга оширилиши мумкин деган фикр олға сурилади (Бархударов 1975, 1978; Швейцер1973, 1988; Catford 1965; В.Н.Комиссаров 1973, 1980;1989; Миньяр-Белоручев 1976, 1980; Федоров1985; Саломов 1966, 1978 ва б.қ.).

Биринчи гуруҳ олимларга тилларнинг ривожланган ва бой, ҳамда ривожланмаган ва камбағал турлари мавжуд деган тушунча ҳам дастак бўлиб келмокда (Гумбольд В.Ф. ва шогирдлари, Марр Н.Я. ва шогирдлари).

Бизнингча, иккинчи гурух олимларининг таржимабоплик масаласига ёндашиши кўпчилик соҳа мутахассислари томонидан маъқулланишига етарли асослар бор, чунки фақат ва фақат таржима туфайли жаҳон халқлари иқтидорли ва таниқли вакиллари томонидан яратилган шоҳ, дурдона асарлар, фан ва техника борасидаги кашф этилган ихтиролар ва ҳ.к. умуминсоният мулкига айланиб улгурган. Албатта тилларда маълум бетакрор жиҳатлар ҳам борки, уларни айнан таржимада қайта яратиш, такрорлашнинг имконияти йўқ, ваҳоланки бундай ҳолатларда эркин таржима ёки изоҳли (шарҳлов) таржималар қўл келади.

Таржимашуносликнинг фан сифатида қаралишига икки хил ёндашиш мавжуд:1) таржимашунослик - бу адабиётшунослик фанининг бир қисми (Реформатский 1967; Федеров 1985 ва б.қ.).2)таржимашунослик - бу лингвистик фан (Бархударов 1975; R.Jacobson 1959; Nida 1964 ва б.қ.).

Олимлар орасидаги тортишувлар ва баҳслар таржиманинг назарий масалалари юзасидан турли-туман қарама-қарши фикрлар, жумладан таржима антиномиялар(бир-бирига зид қонуниятлар)нинг юзага келишига олиб келди. Улар қуйидаги антиномиялардир:

1) таржимашунослик бу адабиётшунослик асосига қўйиладими, унинг асосида шаклланадими ёки тилшуносликками?

2) таржима бу асл нусханинг сўзма-сўз

"ҳижжалаб" таржима қилинишими ёки унинг эркин ижодий таржима қилинишими?

3) манба тил хусусиятларини сақлаш керакми ёки таржима тили хусусиятларини ишга солиб, унинг андозасига тушириш керакми?

4) таржимабоплик: таржимани амалга ошириб бўладими ёки йўқми? (F.Саломов. 1966,40-41).

Г.Сэвори фикрига кўра таржимадаги антиномиялар қуйидагилар:

- таржима асл нусханинг сўзларини берсин;
- таржима асл нусханинг ғояларини ифодаласин;
- таржима оригинал асардай ўқилсин;
- таржима таржимадай ўқилсин;
- таржима асл нусханинг услубини акс эттирсин;
- таржима таржимоннинг услубини акс эттирсин;
- таржима асл нусхага нисбатан замонавий асар сифатида ўқиладиган бўлсин;
- таржима таржимонга нисбатан замонавий бир асар сифатида ўқиладиган бўлсин;
- таржимада ниманидир қўшиш ва тушириб қолдириш мумкин;
- таржимада ҳеч нарсани қўшиб ҳам, тушириб ҳам бўлмайди;
- шеърни шеър билан таржима қилиш керак;
- шеърни наср билан таржима қилиш лозим ва ҳ.к. (Savory 1978, 97)

Бундай ҳолларда қандай бўлмасин аслият ва таржима тилларидаги матнларнинг мазмун кўлами тадқиқотчилар диққат марказида туради, чунки таржима табиатан матн мазмун кўламини сақлаб қолиш даражаси билан баҳоланади.

Мазмун кўлами деганда тил бирлиги бўлмиш бир белгининг бошқа белгилар билан кириша оладиган ҳамма муносабатларини назарда тутган ҳолда, ўта кенг маънода тушуниш керак. Яъни маъно (значение) деганда биз айни ҳолатда предметнинг луғавий ёки денотатив маъносини тушунамиз. Бошқача қилиб айтганда, денотатив ёки предметлик маъноси деганда "референциал маъно"ни тушуниш керак. Шундай қилиб, таржима процессининг моҳиятига тушуниб етиш, аввало тил бирликлари маъноларининг назариясини ёки семасиологияни ўрганиб чиқишни талаб қилади.

Маъно кўламининг таржимада ўзгармаган ҳолда бир тилдан иккинчи бир тилга ўтишини тўла (100%) бўлади деб тушунмаслик керак, чунки бир тилдан иккинчи тилга текст трансформация қилинганда ва унинг акси бўлганда бирор бир маъно оттенкаси қўшилиб қолиши, маълум бир кичкина маъно тушиб қолиши ёки йўқолиши табиий. Бошқача қилиб айтганда, баъзан аслият матнидаги ифодаланган маъно 100% таржима тилига ўгирила олмайди. Бундан келиб чиқадики, таржима матни ҳеч қачон манба матнига тўлиқ ва мутлақ эквивалент бўла олмайди. Айни ҳолатда таржимоннинг вазифаси мана шу эквивалентлик (мослик) ни иложи борича тўлароқ бўлишига эришишдир. Аслият(оригинал) матни шундай таржима қилиниши керакки, унда маъно тушиб қолиши бўлмасин, ёки жуда камайган бўлсин, лекин айрим ҳолатларда ҳар икки тил(аслият ва таржима тили)да 100% маъно мослигини таъминлашни таржимондан талаб қилиш нотўғридир. Бундан кўриниб турибдики, таржима назариясининг яна бир вазифаси маъноларнинг сақланиш даражасини аниқлашдир. Бунда қайси маънолар таржима жараёнида катта ўрин тутади, қайсиларини таржима тилида сақлаб қолиш керак ва қайси бирларининг сақлаб қолиниши имконияти йўқлиги (баҳридан ўтилиши)ни аниқлаш катта аҳамиятга эга.

Манба(аслият) тили матнидаги маъноларни таржима тилига у ёки бу ҳолда берилиши таржимага боғлиқ, бундай ҳолат яна бир масалага - таржимабоплик масаласига тўхталиб ўтишни талаб қилади.

Таржима адабиётида бир тилдаги маънонинг иккинчи бир тилга тўлақонли (адекват) берилиши кўпчилик назариётчи олимлар томонидан гумон остига олинади. Бундай зиддиятлар ва гумонларнинг келиб чиқишига сабаб шуки, баъзи бир назариётчи олимлар дунёда "ривожланган",

"цивилизациялашган" тиллар, ҳамда ривожланмаган (қолоқ), ибтидоий тиллар бор деган бидъатни ўртага ташлайдилар. Бу эса бир беъмани, илмий жиҳатдан асосланмаган бир хурофотдир.

Бизнингча, барча тиллар ўзига хос бой ва ривожлангандир, лекин улар ўзларининг айрим тизимларида бошқа тилларга нисбатан миллий унсурларининг миқдорининг оз ёки кўплиги билан фарқланадилар. Лекин ҳалигача ҳеч бир тилда сўзловчилар/ёзувчилар ўз тилларидаги лисоний ёки нутқий ифода воситаларнинг етишмовчиликлари ҳақида ҳеч қачон шикоят қилмаганлар ва қилмайдилар ҳам, чунки ҳар бир миллий тил ҳар қандай тушунча, маъно ва мазмунни ҳеч бўлмаганда тушунтириб ёки изоҳлаб бериш имкониятига эга.

Шундай қилиб, таниқли тилшунос, таржимашунос олим Л.С.Бархударов таъбири билан айтганда "грамматик қурилишга эга бўлган ҳар қандай тил ҳар қандай предмет, маъно ва ҳар қандай тушунчани ифодалашга қодирдир. Акс ҳолда у тил эмас ва ўз сўзловчиларига (ёзувчиларига, тингловчиларига) хизмат қилишга қодир эмас" (Бархударов1975, 20)

Шундай қилиб, ҳар қандай тилдан ўзга тилга таржима қилиш имконияти борлигини баралла эътироф этиш зарур, акс ҳолда халқаро алоқалар амалга ошмаган, турли кашфиётлар, дунёга машҳур ёзувчиларнинг дурдона ва шоҳ асарлари, илму-фан ва техника ютуқлари умуминсоният мулкига айланмаган ва ҳаётимизда бугунгичалик юксакликларга эришилмаган бўларди. Демак, ҳамма гап таржимоннинг ноёб қобилият ва маҳорат соҳиби бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, бундай омиллар таржиманинг тўлақонли чиқишига пухта замин яратади.

Ўзининг "Слово о переводе" асарида таржимашунослик, ёки В.Н.Комиссаров таъбири билан айтганда, "транслатология" (Комиссаров1973, 67) қуйидаги фанлар билан узвий алоқага киришади:

1) қиёсий тилшунослик (унинг методологик асоси)
2) умумий тилшунослик
3) грамматика
4) лексикология
5) стилистика
6) фразеология
7) текстология
8) типология
9) қиёсий типология
10) социолингвистика
11) психолингвистика
12) диалектология
13) вариантология
14) адабиётшунослик
15) кибернетика
16) информатика
17) тарих
18) медицина
19) физика
20) химия
21) астрономия
22) тиббиёт
23) психология
24) теология ва ҳ.к.

Таржима назарияси бошқа яна кўпгина фанлар билан алоқадор. Таржимашуносликнинг юқоридаги фанлар билан алоқага кириши бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Масалан, таржимашунослик филологик фанлар билан (адабиётшунослик, тилшунослик, социалингвистика, психолингвистика ва бошқалар) бевосита боғлиқдир, чунки юқоридаги санаб ўтилган барча фанлар бевосита тил билан иш кўради.

Қолган фанлар эса (медицина, физика, психология, тарих, астрономия, информатика, кибернетика ва ҳоказолар) таржимашуносликка билвосита алоқадордир, чунки таржима қилинаётган матн у ёки бу жиҳатдан юқоридаги фанларга алоқадор бўлиб қолади. Масалан, тарихий романлар таржимасида тарихий фактлар ролини инкор этиб бўлмайди, агар таржима тўлақонли чиқсин десак, асл нусха матнидаги воқелик билан боғлиқ тарихни яхши билиш таржимон учун катта аҳамият касб этади, бундай омил унинг фикрларини ойдинлаштиради, шундай қилиб, тарихий воқелик таржима учун пухта замин бўлиб хизмат қилади ва ҳоказолар.

Юқоридаги фанлар ичида қиёсий тилшунослик таржимашунослик учун методологик асос бўлиб хизмат қилади,

чунки таржимашунослик ўз тадқиқотларида, таҳлилларида бевосита қиёсий тилшунослик ютуқларига таянади, ундаги бой лингвистик анъаналар, маълумотлар ва тегишли ечимларидан фойдаланади.

Таржимашуносликнинг у ёки бу фанлар билан бевосита ёки билвосита боғлиқлигидан келиб чиқиб, таржимашуносликнинг маълум қирраларини алоҳида ўрганувчи йўналишлар ҳам шаклланиб келмокда. Масалан, бугунги кунда:

1) адабий таржимашунослик (литературное переводоведение)

2) руҳият таржимашунослиги (психологическое переводоведение)

3) этнографик таржимашунослик (этнографическое переводоведение)

4) халқлар тарихи билан боғлиқ таржималар ва уларнинг таҳлили (историческое переводоведение)

5) лисоний таржимашунослик (лингвистическое переводоведение)

Бу фанларнинг йўналиши улар олдига қўйилган таҳлил мақсад ва вазифаларидан келиб чиққанлиги кўриниб турибди, ваҳоланки улар ўзларига хос ўқув предметлари, иш кўриш объектлари ва методларига ҳам эгадирлар.

Таржимада матннинг жанр хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унинг икки хил тури борлигини эътироф этиш зарур:

1) насрий таржима 2) назмий таржима.

Бу таржиманинг икки асосий тури бўлиб, ҳар кандай таржима шу турлардан бирига дахлдор бўлиши табиий.

Таржиманинг биринчи тури насрий, яъни проза жанрида ёзилган (ёки айтилган) матнлар таржимаси бўлиб, у назмий таржимадан, яъни шеърий таржимадан тубдан фарқ қилади.

Хўш, бу таржима турларининг бир-биридан фарқи нимада? Бу борада қандай кийинчиликлар бор ва улар қандай бартараф килинади? Бу саволга жавоб бериш осон иш эмас, албатта, лекин унга қуйидагича жавоб бериш, бизнингча, максадга мувофиқ бўларди:

1. Насрий таржима моҳияти, яъни унинг лисоний жиҳатлари қуйидагича:

1) у кенг тарқалган таржима тури бўлиб, бошқа турлар орасида алоҳида ўрин тутади.

2) насрий матнлар билан иш кўрилади.

3) насрий таржимада ўзига хос грамматик, лексик, стилистик ва фразеологик жиҳатлар мавжуд.

4) эркин таржима ёки бошқа таржима турларини қўллаш мумкин.

5) ушбу таржима учун чеклашлар (маълум шакл ва мазмунни уйғунлаштириш ва оҳанг қолипига тушириш каби талаблар йўқ).

2. Назмий таржиманинг лисоний жиҳатлари қуйидагича:

1) таржимада назмий матн, яъни шеърий матн билан иш кўрилади;

2) таржимада ўзига ҳос назмий оҳангдорлик таъминланиши шарт;

3) таржимада вазнни танлаш ва унга риоя қилиш масъулияти мавжуд;

4) шеърий ўлчовларни таржима тилида танлаш ва уларни муваффақиятли қўллаш;

5) таржима тилига ассонанс, аллитерация ва бошқа фонетик стилистик воситаларни таржима қилиш ва улардан кузатилган мақсадга таржима тилида ҳам эришиш;

6) назмий асар сатрлари сони ва уларда мужассамлантирилган фикр ва ғояларни сақлаб қола олишлик масъулияти мавжуд;

7) назмий лексик, грамматик ва стилистик воситаларга мурожаат қилиш ва улардан муваффақиятли фойдаланишга эришиш.

Юқоридаги таржима турлари улардаги ўзига ҳослик (хусусийлик) ва ўхшаш жиҳатлар (умумийлик) бўлажак таржимонлар учун муҳим аҳамият касб этади, чунки ушбу таржима турларини улар бутун фаолиятлари давомида қўллашларига тўғри келади ваҳолангки, барча таржималар мана шу икки асосий жанрда амалга оширилиши лозим, бундан бошқа йўл йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Бас, шундай экан, биз назмий таржиманинг моҳияти, унинг ўзига хос жиҳатлари ва қўлланиш ўринларини ўзимизга тўлиқ тасаввур этишимиз зарур. Қуйида биз ушбу вазифани баҳоли қудрат бажаришга киришамиз.

Назмий асарнинг оҳангдорлиги ва вазнига риоя қилиш усуллари масаласи

назмий (шеърий) таржима назарияси ва амалиётининг энг муҳим, ҳам назарий, ҳам амалий қирраларидан биридир.

Бу борада ўзбекча таржимада инглиз (ёки бошқа хорижий тилда ёзилган) шеър тузилишининг у ёки бу вазнига риоя қилишнинг муайян қонун-қоидаларини аниқлаш лозим. Албатта, ғарб тилларидан рус тилига ва рус тилидан ўзбек тилига қилинадиган таржималарда рус ва ўзбек шеърлари тузилиши вазнларига риоя қилишда қарор топган, шаклланган анъана бор. ("Масалан, французча "Александрит" шеърини олти туроқли ямб, икки бўғинли туроқларда тузилган ва урғуси иккинчи бўғинга тушадиган шеър вазни орқали таржима қилиш, Шота Руставели шеърини таржима қилишда саккиз туроқли ўзгарган хорейга мурожаат этиш одат тусини олган" (Умарбекова 1973, 90). Бу белгиланган норма (меъёр), сўзсиз, таржимон ишини анча енгиллаштиради, лекин минг афсуски, ўзбек таржимонлари учун ғарб тилларидан тўғридан-тўғри назмий асарларни ўгириш анъаналари ҳанузгача ҳам сезиларли шаклланганича йўқ. Бунга асосий сабаб, аввало, бизнингча, ғарб тилларини (жумладан инглиз тилини) пухта биладиган ўзбек шоирлари ҳалигача етишиб чиқмаган, қолаверса, бундай шоирлар ёки шоиралар оз бўлсада бор, лекин улар бу масала устида ҳанузгача бош қотирганларича йўқ.

Умид қиламизки, ўсиб келаётган ёш авлодларимиз орасида шундай етук шоир ва шоиралар етишиб чиқадиларки, улар ўзбек миллий шеъриятининг дурдона, шоҳона асарларини ғарб тилларига, жумладан, инглиз тилига ўгиришни бир томондан бурч, ғурур деб топсалар, иккинчи томондан катта журъат ва масъулият деб ҳис қиладилар. Бу вазифа эса улардан нафақат асл нусха тили (source language)ни ва таржима тили (target language)ни яхши, пухта билишни талаб этади, балки ушбу тилларда шеър тузилиши, ўлчовлари, қоидалари ва қонунларини ҳам чуқур билиш билан бирга ушбу халқлар урф-одатларини, маданиятини, ҳаётий қизиқишларини ва ички кечинмаларини обдон билишни тақозо этади, акс холда таржима ўз қимматини йўқотади. Бундай ҳолат эса китобхон-мухлисларни ранжитиши мумкин, ҳолбуки, таржимада бундай омилларни ҳисобга олмаслик турли инжик танқидчилар учун "арзигулик дастак" бўлишига олиб келиши мумкин.

Назмий таржимада таржимон олдида энг асосий "вазифа", яъни асл нусха тилидаги матн мазмунини мисрапараро қофия ва оҳангдорликни таъминлаган ҳолда таржима тилига ўгиришдек улкан ва ўта маъсулиятли масала кўндаланг бўлиб туради, бу эса анойи ишлардан эмас. Бунинг устига оҳангдорлик мазмунни тўла ўгиришдек вазифа устига қўйилиши керак, акс ҳолда мазмуни асл нусха тилидаги матн мазмунидан йироқ бўлган, лекин оҳангдорлиги яхши таъминланган назмий таржиманинг ҳеч қандай аҳамияти йўк, унинг самараси ҳам йўқ, ундай таржима ҳеч кимга керак ҳам эмас, ваҳоланки, бундай "қофия таржималари" оз бўлсада, лекин амалиётда учраб туради.

Бундан келиб чиқадики, мазмун атрофида таъминланиши лозим бўлган оҳангдорлик ўзи нима, "адекват оҳанг" нима, унинг шакллари ва усулларини топишдек муаммолар, назмий таржима муаммолари ва ҳоказолар назмий таржима кун тартибида турган энг долзарб масалалардан биридир.

Хўш, "адекват вазн" ёки "адекват оҳанг" бу нима?

Ушбу саволга таржимашунос олима Э.Умарбекова жавоб беришга ҳаракат қилган, Унинг фикрига кўра, "Оханг мазмунни ёрқин кўрсатишга ёрдам беради. Механик тарзда қайта яратилган ЯМБ, ғарб тилларида яратилган асарларда пайдо қилган ҳиссиётни ўзбек китобхонида айрим ҳолларда қўзғай олмаслиги табиий. Бу асар асл нусхада қандай эшитилса, таржимада ҳам шундай оҳангдор бўлиши керак демакдир. Айни вақтда оҳанг мазмунга мос келиши ва шу билан бирга ўзига хослиги тўғрисида китобхонда тасаввур қолдириши лозим. Шундай оҳанг адекват ҳисобланади (Умарбекова 1973, 91).

Назмий таржимада оҳангдорлик баъзида асосий мезон саналиши ҳам мумкин, яъни таржимада оҳангдорликни таъминлаш

биринчи даражали аҳамиятга эга бўлиб қоладики, унда мазмун оҳангдорлик устига қуйилади. Бундай ҳолатни сўз ўйинлари (каламбурлар), аскиялар, туюқлар таржимасида кузатиш мумкин, чунки юқоридаги жанрларда асосий эътибор оҳангдорликка қаратилган бўлиб, оҳангдорлик орқали мазмун бутунлиги таъминланади.

1.-Are You Earnest? (сўз ўйини)

-Yes, I am as always.

2. -Are You Earnest?

Yes, I am Earnest Hemingway.

1. Сиз Эрнестмисиз? (эрнест ҳақиқатчи, одил демакдир)

Ҳа, мен одилман, одатдагидек.

2. Сиз Эрнестмисиз? (отингиз Эрнестми?)

Ха, мен Эрнестман.

Бу эса ўзбек тилидаги қуйидаги гапга ўхшаб кетади:

1. Сиз Бахтиёрмисиз?

Ушбу гапни 2 хил тушуниш мумкин:

1) Сиз бахтиёрмисиз? (хурсандмисиз?)

2) Сизнинг отингиз Бахтиёрми?

Ҳар биримиз болалигимизда тез айтишларни қизиқиб тинглаганмиз, ўзимиз ҳам уларни тез айтишга бир неча бор уриниб кўрганмиз, базида тез айтишлар муваффаққиятли, баъзида эса муваффаққиятсиз ҳам чиққан. Шуниси қизиқки, тез айтишларни бошқа тилга ўгириш таржимон ишини жуда мураккаблаштиради, чунки уларни бир тилдан иккинчи тилга ўгириб бўлмайди: Масалан, инглиз тилидаги қуйидаги тез айтиш(tongue twister)ни олайлик. Унинг таржимасида "тез айтиш"га арзигулик нарса қолмайди.

She sells seashore shells on the sea shore. If she sells seashore shells on the seashore, where are the seashore sells she shells on the seashore.

Ёки ўзбек тилидаги мана бу тез айтишни олайлик: Оқ чойнакка кўк қопқок, кўк чойнакка оқ қопкоқ.

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган инглиз тилидаги мазкур тез айтиш [sh] ва [s] ҳарфларинг ва улар орқали ифодаланадиган фонемалар (товушлар)нинг узликсиз такрорланишидан келиб чиқадиган эффектга йўналтирилган бўлиб, улар ҳам айтувчида, ҳам тингловчи(лар)да комик эффект ҳосил қилади. Худди шундай эффектга [о] ва [қ] товушлари орқали эришиш ўзбек тилидаги тез айтишда ҳам асосий мақсад қилиб кўйилган. Бундай нозик эффект берувчи омиллар таржимада акс этирилиши амри маҳол. Уларнинг ўрнини товуш эффекти жиҳатидан аслиятга яқин бўлган, таржима тилидаги бошқа бирон тез айтиш билангина тўлдириш мумкин.

Биз зиёлилар ўз фаолиятимизни асосан боғчада, мактабда, колледжда ёки олий мактабларда олиб борар эканмиз, тарбияланувчиларга, ўқувчиларга ва талаба ёшларга эзгуликка ундовчи, сермазмун, ҳаётбахш ва қизиқарли шеърлар, ғазалларни ўргатишимиз керак, чунки улардаги ифодаланган вазият, воқелик, умуминсоний ғоялар, қадриятлар ҳаётда инсонга керак бўлади.

Масалан, агар эсласангиз, боғчада шундай шеърлар борки, улар тарбияланувчиларнинг кўпчилигини ўзига ром қилган, масалан:

Мишка косолапый
По лесу идет,
Шишки собирает
В корзиночку кладет,
Одна шишка улетела
Прямо в Мишкин лоб,
Мишка рассердился
И ногою "топ"!

Бу шеърни биз болажонларга қуйидагича таржима қилиб беришимиз мумкин:

Маймоқ оёқ айиқча
Ўрмон кезарди,
Бир қўлида саватча
Ёнғоқ тераради,
Шунда учиб бир ёнгоқ
Пешонага тегди "Пақ"!
Айиқча аччиғланиб кетди
Аламидан ерни бир "тепди".

Шу кичик бир назмий таржима мисолида ундаги қофия ва оҳангдорликни таъминлаш бир томондан қанчалик муҳим, иккинчи томондан эса қанчалик мураккаб эканлигини кўриш мумкин.

Назмий таржима амалиётида қофия ва оҳангдорликни таъминлаш борасида ўзбек тилида назмий жанрлардан бири бўлган туюқлар таржимаси алоҳида ўрин тутади,

чунки бу ерда таржимоннинг асосий вазифаси аслият тилидаги туюқлардан кузатилган мақсадни таржима тилида ҳам туюқ эффектини сақлаган ҳолда беришдир:

Агар қолсин десанг, ўзингдан яхши от,
Бир умр яхшилик қил ёмонликни от.

Ушбу туюқни таржима қилишга ҳаракат қилиб кўрамиз:

If you want to leave a very good name,
Goodness should be the essence of your fame.

Ушбу туюққа асосланган сатрларни таржима қилиш муаммолидир, чунки ҳамма вақт ҳам аслиятдаги туюқни таржима тилида туюқ билан бериб бўлмайди-да!

Бундан бир ўн-ўн беш йилча олдин мен, ватандошимиз Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг "Бизнинг Ватан" шеърини инглиз тилига ўгиришга уриниб кўргандим, қуйида уни шеърият мухлислари ҳукмига ҳавола қиламан:

Бизнинг Ватан
(асл нусха)

Ер юзинда ўзга бир олам эрур
бизнинг Ватан
Бошқа ҳар бир улкадан кенг,
ҳар диёрдан каттакон.
Ҳар томондан юксалиш сорига
ташлаб зўр қадам,
Дашту саҳроси анинг гул-гул
очилмишдир чаман.
Дарёси аввалгидек ердан
олиб қочмас ўзин,
Чунки пойига онинг маҳкам
урилмишдир кишан.
Мунда меҳнат ҳурлик олган,
барча меҳнат аҳли - ҳур,
Кимки меҳнат қилса қувноқ,
кимки меҳнат қилса шан!
Фан билан меҳнат икковлон
қўл беришган иттифоқ,
Эркин-эркин яйрашиб,
ижод этар меҳнат ва фан.
Янги жамият қуриб, дунёга ўрнак бўлгали
Барча меҳнат аҳли бирга,
ҳамма бир жон, бир бадан.
Бу Ватанни жон билан сақлашга,
Чўлпон, ҳозир бўл!
Кимки қасд этса анга,
кийсин пушаймондин кафан!

Our Motherland
(таржима)

There is no other world like our Motherland,
Because it is the broadest and vastest land.
It is boldly pacing into the progress,
That you can see even in deserts no less.
Its rivers are full of nice and sweet water,
That runs wavy through its fields for ever.
Here the people are free, so is the labour,
Because labour is joy, it is favour.
Here you can see progressing
science and labour,
Working hand in hand for our joint favour.
To build a new, society is our aim,
So we put souls together for common fame.
To defend Motherland, Chulpon, be ready,
He, who attacks it, is dead already.

(Хошимов F.M. таржимаси)

Наша Родина
(таржима)

Есть на свете особый свет - наш Ватан,
Эта край наш и огромнее других стран.
Он шагает великою
поступью к возвышенью
И цветами прекрасными до краев осиян.
И река течет в берегах резных кандалов,
Набирая течение, раздвигаясь как океан.
Труд свободен и славен на родине
милой моей,
Каждый труженик стройно и гордо
расправил свой стан.
И наука и турд как единый союз на века.
И ученых сплотил и рабочих и
наших дехкан.
Только саван тому,
кто на Родину посягнет.
А ее сохранит своим телом,
душою Чулпан.

(шоир И.П.Иванов таржимаси)

Биз юқоридаги таржималарда мазмун устига устқурма этиб қофия ва оҳангдорликни қўйишга ҳаракат қилдик, ваҳоланки назмий таржимада бевосита қофия ва оҳангдорлиги таъминламаган шеърнинг насрий асардан ахир нима фарқи бор!

Шундай қилиб, назмий таржима - бу жуда мураккаб ва маъсулиятли таржимадир, уни обдон ўйлаб, яхшиси ёзма шаклда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир, акс ҳолда таржимада шеърий ўлчовлар, вазн, мазмун ва сатрлар миқдори тенглиги, шунингдек кофия ва оҳангдорликни таъминлашдек мураккаб вазифани бажариш амри маҳолдир.

Насрий таржима эса назмий таржимадан ўзига хос бир қатор фарқли томонлари билан ажралиб туради, чунки насрий жанр билан иш кўрганда таржимоннинг ўгириш билан бевосита боғлиқ фаолиятлари эркин кечади, уларни "кишанловчи", "қолипловчи" қофия, оҳангдорлик, турли шеърий ўлчовлар каби назмий омиллар йўқ, лекин ҳар қандай таржимада мазмун ва маъно каби ҳал қилувчи омиллар унинг ягона ва мустаҳкам пойдеворини ташкил этишини таржимон унутмаслиги керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, таржима ва таржимашунослик бугунги кунда мустақил республикамизда ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Бунга сабаб Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан бўлган кенг дипломатик, иқтисодий, маданий, илмий-техникавий ва маънавий-маърифий ва диний муносабатларининг ривожланиб бораётганлигидир.

Бугунги кунда буюк халқимиз томонидан тарихан яратиб келинаётган минглаб дурдона асарларимизни тўғридан тўғри (воситачи тилларсиз) ўзбек тилидан бошқа тилларга монанд таржима қилишдек катта муаммо таржимонларимиз олдида биринчи даражали масала ва маъсулиятли вазифа бўлиб турибди.

Таржима ва таржимашуносликни мунтазам равишда пухта ўрганиб, ривожлантириб, уларни мустақил ва ҳур халқимиз хизматига йўналтириш биз зиёлиларнинг фуқоролик бурчимиздир.

Адабиётлар

1. Бархударов Л.С."Язык и перевод" М.,1975.
(Barkhudarov LS "Language and Translation" M., 1975)
2. Бархударов Л.С. Что нужно знать переводчиту? // Тетради переводчика. М.,1978, выпуск 15.
(Barkhudarov L.S. What does the translator need to know? // Interpreters' notebooks. M., 1978, issue 15.)
3. Комиссаров В.Н. "Слова о переводе". М.,1973.
(VN Komissarov. "Words about translation". M., 1973.)
4. Комиссаров В.Н. Теория перевода. М.,1989.
(VN Komissarov. Translation theory. M., 1989.)
5. Комиссаров В.Н. Лингвистика перевода.М.,1980.
(VN Komissarov. Linguistics of translation. M., 1980.)
6. Миньяр-Белоручев Р.К. Последовательный перевод. М.,1976.
(Minyar-Beloruchev R.K. Consecutive translation. M., 1976.)
7. Миньяр-Белоручев Р.К.Общая теория перевода и устный перевод. М., 1980.
(Minyar-Beloruchev RKThe general theory of translation and interpretation. M., 1980.)
8. Реформатский А.А. Введение в языковедение. -М.: "Просвещение", 1967. - 542 с.
(Reformatsky A.A. Introduction to Linguistics. -M.: "Education", 1967. - 542 p.)
9. Саломов Г.С. Таржима назариясига кириш, Тошкент,1978.
(Salomov G.S. Introduction to Translation Theory, Tashkent, 1978.)
10. Саломов Г. Тил ва таржима. Тошкент,1966.
(Salomov G. Language & Translation. Tashkent, 1966.)
11. Умарбекова Э. Шеърий таржимадан шингил тадқиқот//Таржима санъати, Т., 1973).
(Umarbekova E. Research on poetry translation // Transl. Art, T., 1973).)
12. Федоров А.В. Основы общей теории перевода. М.,1985.
(Fedorov A.V. Fundamentals of the general theory of translation. M., 1985.)
13. Швейцер А.Д. Теория перевода. М.,1988.
(Schweizer A.D. Translation theory. M., 1988.)
14. Швейцер А.Д.Перевод и лингвистика.М., 1973.
(Schweizer AD Translation and linguistics. Moscow, 1973.)
15. Catford J.C. A Linguistic Theory of Translation, London, 1965.
16. Jacobson R. On Linguistic Aspects of Translation, Cambridge, 1959
17. Nida E.A.A. Language Stucture & Translation. Atanford, 1975.
18. Nida E.A. Toward a Science of Translation, Leiden, 1964
19. Nida E.A. Language Stucture & Translation. Atanford,1975.
20. Sawory T. The Art of Translation. Boston, 1978.

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

НОТИҚЛИК ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ - БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИДАГИ МУҲИМ ВОСИТА СИФАТИДА

Лалихон Муҳаммаджонова,
ф.ф.н., ЎзМУ, ижтимоий фанлар факультети этика ва эстетика кафедраси доценти
Lalixon@list.ru, lalixonm@gmail.com
http://dx.doi.org/10.26739/prefix
For citation: L. Muhammadjonova. Oratory and culture of speech as an important means in the management process. International Journal of Word Art. 2018, vol. 2, issue 2, pp. 88-92

http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2-13

Келиб тушган сана 25 февраль, 2018
Эълон қилинган сана 25 апрель, 2018.

АННОТАЦИЯ

Мақолада нотиқлик ва нутқ маданияти - бошқарув жараёнидаги муҳим восита сифатида таҳлилга тортилади.

Давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи бошқарув тизимида нутқ давлатни бошқариш, халқни ҳокимият атрофида бирлаштириш ва муайян мақсадлар сари йўналтириш, турли тоифадаги одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш каби ишларнинг барини амалга оширишнинг бош воситасидир. Ҳар қандай жамиятда тилни ривожлантирувчи куч нутқ ҳисобланади. Нутқ - инсонларнинг тил орқали бир - бирлари билан муомала ва алоқа қилиш усулидир. Нутқ воситаси билан алоқа боғлаш инсоннинг доимий эҳтиёжи бўлиб, бу алоқа фикр алмашувига хизмат қилади.

Раҳбар ва у мулоқотга киришган шахс ёки аудитория бир-бири билан узвий боғлиқ ва у ёки бу масалани ҳал этишда ўзига хос тандемни ташкил этади.

Мақолада раҳбарнинг мулоқот ўрнатиш маҳорати, ўзгаларни ишонтириш қобилиятининг аҳамияти ва зарурияти мамлакатимиз ва бутун жаҳон миқёсидаги мураккаб мафкуравий жараёнлар билан ҳам белгиланиши, тараққиётнинг асосий шарти мамлакатдаги барқарорликга ҳам боғлиқ эканлиги очиб берилган.

Замонавий раҳбар учун касбга оид билимлардан ташқари тарғибот-ташвиқот ишларининг ўзига хос қонун-қоидаларни билиши, одамлар билан мулоқотда уларни қўллай билиши ҳам лозим. Ҳамда раҳбар одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни олий мақсадлар сари йўналтириш каби мураккаб ижтимоий вазифаларни уддалай олиши шарт. Энг муҳим талаблардан бири эса нотиқлик маҳоратини эгаллаш, жонли сўзнинг таъсир кучидан фойдалана олиши, оҳангдан тўғри фойдалана билиши алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Калит сўзлар: Оғзаки нутқ, нотиқлик санъати, талаффуз, оҳанг, имо-ишора, раҳбар нутқи, нутқни бошқариш.

ОРАТОРСКОЕ ИСКУССТВО И КУЛЬТУРА РЕЧИ КАК ВАЖНОЕ СРЕДСТВО В ПРОЦЕССЕ УПРАВЛЕНИЯ

Лалихон Мухаммаджонова,
к.ф.н. доцент кафедры этики и эстетики Национального университета Узбекистана им. Мирзо Улугбека

АННОТАЦИЯ

В статье ораторское искусство и культура речи рассматриваются как важнейшие средства убеждения в процессе управления государством и людьми.

В системе управления каждого этапа развития любого государства и общества речь играет важную роль в управлении государством, консолидации народа с властью и целенаправленной ориентации народа, упорядочении социальных взаимоотношений.

В любом государстве речь является силой, развивающей язык. Речь - способ коммуникации. Установление контакта с людьми с помощью человеческой речи является постоянной потребностью людей и эта связь способствует обмену мнениями между людьми. Руководитель и личность, входящая с ним в контакт или слушательская аудитория всегда непосредственно связаны между собой, и они при решении какой-либо проблемы образуют тандем.

В научной статье раскрывается определение роли мастерства коммуникации руководителя, значения и необходимости способности убеждать через сложные идеологические процессы, происходящие в нашей стране и за рубежом, связи основного требования развития со стабильностью в стране и мире. Кроме профессиональных знаний современному руководителю необходимы глубокие знания специфических законов и правил пропаганды, умения применять эти знания при общении с людьми.

Также руководитель обязан уметь выполнять такие важные социальные задачи как изменить сознание людей, то есть переубедить их, направить их мысли на осуществление высоких благородных целей. В статье особое внимание уделено освоению ораторского мастерства, умению использовать воздействующую силу, тональность живого слова.

Ключевые слова: Устная речь, ораторское исскуство, произношение, тон, жест, речь руководителя, речевое управление.

ORATORY AND CULTURE OF SPEECH AS AN IMPORTANT MEANS IN THE MANAGEMENT PROCESS

Lalihon Muhammadjonova
Ph.D. Associate Professor of the Department of Ethics and Aesthetics of the National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek

ABSTRACT

In the article, oratory and the culture of speech are considered as important means of governing.

In management of each stage of development of any state and society, speech is important in consolidating people and targeting them, and streamlining social relationships.

In any state speech is a force that develops the language. Speech is a way of communication. The establishment of communication through speech is a constant need of people and this connection encourages the exchange of opinions. The leader and the person who contacts him or audience are connected, they form a tandem in solving problem. The article reveals the definition of the role of master's communication skills, importance and necessity of ability to convince through complex ideological processes occurring in Uzbekistan and abroad, the connection of basic demand for development in Uzbekistan and the world.

Furthermore, the modern leader needs knowledge of specific laws and propaganda rules, ability to apply it in communication with people.

Also, the leader must perform such social tasks as changing the consciousness of people: to convince them, to direct their thoughts to realization of noble goals. The article focuses on development of oratorical skills, ability to use acting force, tonality of living word.

Keywords: Oral speech, oratory, pronunciation, tone, gesture, speech of the head, speech control.

Давлат ва жамият тараққиётининг ҳар бир босқичи бошқарув тизимида фаолият юритаётган ҳар бир раҳбар олдига маълум талабларни қўяди. Бу талабларга риоя этмаслик муваффақиятсизликка, белгиланган мақсад йўлида амалга оширилаётган ишларнинг самарасизлигига сабабчи бўлади.

Нутқ давлатни бошқариш, халқни ҳокимият атрофида бирлаштириш ва муайян мақсадлар сари йўналтириш, турли тоифадаги одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш каби ишларнинг барини амалга оширишнинг бош воситасидир. Бугунги кунда ҳам ҳар қандай раҳбар ишининг самараси кўп жиҳатдан унинг нотиқлик маҳоратига боғлиқ.

"Инглизча "нотиқ" атамаси тартиб даҳосини англатади ва бу талабга жавоб берган инсонни шоир деб аташ мумкин. Римда "нотиқ" атамаси қобилият билан эмас, касбий ёки расмий муносабат билан боғлиқ, деб тушунилган. Шу сабабли, самарали ёки бесамар бўлса ҳам, бундай муносабатни ўрнатган ҳар бир инсонга нотиқлик хос, деб айтиш мумкин бўлган."[1]

Ҳозирги шароитда бошқарув тизимида ишлаётган ҳар қандай раҳбар учун, у бирон бир корхона, ташкилот, жамоа раҳбари бўладими ёки сиёсий арбоб бўладими, одамлар билан мулоқот маданиятини ўзлаштириш, жонли сўз воситасида кишиларга Ўзбекистон ҳукумати сиёсатини тўғри тушунтира олиш, мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш ва фуқаролик бурчларини чуқур англаб етишларига ёрдам бериш муҳим аҳамиятга эга. Хориж адабиётларида ёзилишича "Қадимги интеллектуал ҳаётда догмага айланган фалсафадан фарқли ўлароқ, нотиқлик санъати эркинроқ ривожланиш қудратига эга бўлган"[2]. Шундай бўлса ҳам уни эгаллаш ўта маҳоратни талаб қилади.

Нотиқлик санъати мураккаб санъат бўлиб, уни эгаллаш кишидан қунт ва чидам, малака ва тажриба талаб этади. Ҳақиқий нутқ катта маҳорат ва пухта тайёргарликнинг маҳсулидир. Оддий, маданий ва саводли сўзлашни ўрганган нотиқ, нотиқлик санъатини эгаллашга биринчи қадамни қўйган ҳисобланади.

"Умумий назария сифатида нотиқлик санъати мулоқот маданиятида назарий ечими - нафис, амалий жиҳатдан - содда. У ким қандай нутқ сўзлайди?, ёзади?, ижод қилади?, кимга?, нима мақсадда?, нима?, қандай узатилади? саволларига жавоб беради."[3]

Ҳар қандай жамиятда тилни ривожлантирувчи куч нутқ ҳисобланади.

Нутқ - бу тил деб аталувчи, ўта муҳим вазифаларни бажарувчи ноёб қуролдан фойдаланиш жараёни, тил бирликлари имкониятларининг борлиқ, тафаккур, онг ҳамда вазият каби ҳодисалар билан муҳим муносабатда намоён бўлишидир. Нутқ жараёни - тилнинг ўз вазифасини бажариш ҳамда амалга ошириш жараёнидир.

Тил ва нутқ бир-бирига боғлиқ ҳодисадир. Уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Тил - бу қурол. Тил нутқ учун моддий материалдир. Лекин, шу билан бир қаторда улар бир-биридан фарқ ҳам қилади. Тил кишиларга доимо ўзаро алоқа, муносабат, маданий-маънавий зарурият, жамоа бўлиб бирлашиш, курашиш қуроли бўлиб ҳам хизмат қилади.

Нутқ - инсонларнинг тил орқали бир-бирлари билан муомала ва алоқа қилиш усулидир. Инсон нутқ ёрдамида ўзининг фикри, ҳис-туйғулари, майл ва истакларини бошқаларга айтиб беради ва бошқаларнинг фикрлари ва хоҳиш истакларини англаб олади. Нутқ воситаси билан алоқа боғлаш инсоннинг доимий эҳтиёжи бўлиб, бу алоқа фикр алмашувига хизмат қилади.

Ҳар бир кишининг нутқи унинг ёшига, билимига, умуман, маданий савиясига қараб, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ҳар бир кишининг ўз нутқи бор. Нутқда ҳар қандай фикр мантиқан асослангандагина унинг таъсирчанлиги кучли бўлади. Аниқлик, изчиллик ва далиллилик - тўғри фикр юритишнинг зарурий хусусиятидир. Нутқ тўғри бўлиши учун фикрлар аниқ ва муайян, бир-бирига изчил боғланган бўлиши, мавзудан четга чиқмаслик зарур, мазмунида зиддиятли ва

пойма-пой, ноаниқ гаплар бўлмаслиги керак. Ҳукмлар ва хулосалар асосли бўлмоғи лозим, йўқса ишонарли бўлмай қолади. Демак, нутқ - бу нотиқнинг тингловчиларга билим, кўникма ва малака бериши, уларда янги ҳақиқатларни оча билишга қодир бўлган ижодий, мантиқий тафаккур тарбиясидир. Нотиқ нутқининг равонлиги, маъноли, гўзал нутқи, берилган маълумотлари янгилигини бадиий асарга ўхшатиш мумкин.

Ҳар қандай ҳолат, яъни жамиятдаги тутган ўрнингиз, оила ёки ишдаги нохуш ҳолатлар, соғлиғингизнинг ёмонлашгани ва бошқалар атрофдагилар билан қўпол муомалада бўлишга сабаб бўла олмайди. Ҳатто буйруқни ҳам мулойим оҳангда бериш мумкин. Буйруқ оҳангидан фақат бажарилиши шарт ва мажбур бўлган соҳаларда, яъни ҳарбийлар фойдаланиши мумкин. Муомала маданиятининг асосий воситаларидан яна бири - бу инсоннинг манераси, яъни хатти-ҳаракатининг оҳанг билан уйғунлиги. Буларга қоматнинг ҳолати, қўл ҳаракати, юздаги мимикалар ҳам киради.

Нутқ - тилнинг ва тафаккур тараққийси билан бирга ривожлана боради. Ўз нутқини тўғри ташкил эта билиш нотиқлик санъатини эгаллашнинг муҳим шартларидан биридир. Яхши нотиқнинг нутқи ҳамиша мазмунли, тушунарли, ифодали ва таъсирчан бўлади.

Нутқнинг юзага чиқишида аниқ бир мақсад - тингловчи онгига таъсир этиш вазифа қилиб қўйилади. Шунинг учун ҳам таъсирчанлик нутқнинг асосий сифатларидан бири саналади. Нутқнинг таъсирчанлиги асосан, оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади. Шунинг учун унинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги руҳий вазиятни эътиборга олиш ҳам муҳимдир. Омма тушуна оладиган тилда гапириш, уларни ишонтира олиш нотиқлар олдига қўйиладиган асосий шартлардан ҳисобланади. Нутқнинг тингловчиларга қандай таъсир қилишида нотиқни ўзини қандай тута билиши, имо-ишоралари, ҳатто кийиниши ҳам асосий омиллардан биридир. Самимийлик, хушмуомалалик, одоблилик, тингловчиларга ҳурмат билан қараш каби фазилатлар нутқнинг кишилар томонидан эътибор билан тингланишига сабаб бўлади.

Раҳбар фаолияти билан боғлиқ мулоқот маданияти бўлиб, қуйидагилар назарда тутилади:

1. Сўзлаш (жумладан, омма олдида) санъати.
2. Тинглаш қобилияти.
3. Суҳбатдош (ҳамкор, ўзга кишилар, қўл остида ишлайдиганлар) ни объектив баҳолаш ва тўғри тушуниш кўникмалари.
4. Ҳар қандай одам билан муносабат ўрната олиш ва ўзаро манфаатдорлик асосида унга самарали таъсир ўтказа олиш.

Чинакам мулоқот маданияти юксак ахлоқий маданиятни назарда тутади, яъни ўзга кишида ўзи учун ўз мақсадига эришиш учун керакли одамнигина эмас, балки тўлақонли шахсни кўра билиш зарур.

Раҳбар ва у мулоқотга киришган шахс ёки аудитория бир-бири билан узвий боғлиқ ва у ёки бу масалани ҳал этишда ўзига хос тандемни ташкил этади.

Раҳбарнинг мулоқот ўрнатиш маҳорати, ўзгаларни ишонтириш қобилиятининг аҳамияти ва зарурияти мамлакатимиз ва бутун жаҳон миқёсидаги мураккаб мафкуравий жараёнлар билан ҳам белгиланади. Тараққиётнинг асосий шарти мамлакатдаги барқарорликдир.

Замонавий раҳбар учун касбга оид билимларнинг, хўжалик ишларини юритиш маҳоратининг ўзи камлик қилади. "Замонавий нотиқлик санъати назарияси мазкур соҳанинг назарий билимларини тасвирлайди, талқин қилади ва асослаб беради."[4] Демак, раҳбар тарғибот-ташвиқот ишларининг ўзига хос қонун-қоидаларни билиши, одамлар билан мулоқотда уларни қўллай билиши ҳам лозим. Ва аксинча, одамларнинг онгини ўзгартириш, уларни олий мақсадлар сари йўналтириш каби мураккаб ижтимоий вазифаларни уддалай олмаган киши раҳбарлик лавозимини эгаллаши мумкин эмас. Мамлакат ва халқ тақдири, амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси биринчи навбатда раҳбар кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлиқ жавоб бера олишига

боғлиқ. Энг муҳим талаблардан бири эса нотиқлик маҳоратини эгаллаш, жонли сўзнинг таъсир кучидан фойдалана билишдир. Шунинг учун ҳам Биринчи Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясидаги нутқида: "Ўз фикрини мутлақо мустақил, она тилида равон, гўзал ва лўнда ифода эта олмайдиган мутахассисни, аввалambор, раҳбар курсисига ўтирганларни бугун тушуниш ҳам, оқлаш ҳам қийин", - дея алоҳида таъкидлаган эди.[5] Нотиқлик санъатининг яхши эгаллаган раҳбар сўз қудратидан фойдаланиб, одамларни ўзига қарата оладиган ҳақиқий йўлбошчига айлана олади. Бу эса, юқорида айтганимиздек, осон иш эмас. Римнинг буюк нотиғи Цицерон шундай деган эди: "Сухандонлик шундай сифатки, унга осонликча эришиб бўлмайди ва у жуда кўп билим ва меҳнатдан туғилади". Бу сўзлар ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Нотиқлик назариясини билиш, одамлар психологиясини ўрганиш, нутқ сўзлашни доимий машқ қилиш ва сўз устида жиддий ишлаш одамларга таъсир ўтказиш, уларнинг диққатини жалб этиш имкониятини беради. Одамларни мажбур этиш уларни иноитиришдан кўра осонроқ. Шунинг учун айрим раҳбарлар одатда мажбурлаш орқали одамларни ўз иродаларига бўйсундиришга ҳаракат қилишади. Бироқ ишонтиришнинг мажбурлашдан кўра афзал жиҳатлари бениҳоя кўп. Ўзга одам унинг қўрқув ва манфаатпарастлик туйғуларига таъсир ўтказилаётган пайтдагина буйруққа қулоқ тутади ва унга амал қилади. Уни қўрқитишни ёки шахсий манфаат орқали ўзингизга мойил қилишни тўхтатганингиз ҳамоноқ у сизнинг таъсирингиздан халос бўлади ва сиз энди уни ўз иродангизга бўйсундира олмай қоласиз. Шунинг учун куч билан таъсир ўтказиш вақтинчалик ҳолатдир. Ишонтириш эса инсон ақл-тафаккури устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради ва доимийлик хусусиятига эга. Агар сиз ўз фикрларингизни ўзга кишининг онгига сингдирсангиз, улар ўша одамнинг ўз шахсий фикридек хатти-ҳаракатларини йўналтирувчи кучга айланади ва оқибат ўлароқ у сизнинг доимий таъсирингиз остида қолади. Тақдир тақозоси билан ўзгаларни ўз фикрига иноитиришга эришган раҳбар эгаллаган лавозимидан кетса ҳам, унинг бошлаган эзгу ишлари давом этади.

Адабиётлар:

1. Sir Richard C.Jebb, The Attic Orators from Antiphon to Isaeos.
2. George A. Kennedy. A New History of Classical Rhetoric.
3. A_Theory_of_Contemporary_Rhetoric.
4. A theory of contemporary rhetoric. Routledge.
5. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Т.: "Ўзбекистон", 1998. 331-б.
(I.A.Karimov. For security and sustainable development. Volume 6 -T .: "Uzbekistan", 1998. p. 331.)

СЎЗ САНЪАТИ
Халқаро Илмий-Танқидий Журнал

Журналда тилшунослик, адабиётшунослик, фольклоршунослик, журналистика ва таржимашунослик илмининг долзарб масалаларига бағишланган илмий мақолалар чоп этиб борилади. Журнал филолог олимлар: тил, адабиёт, фольклор, журналистика ва таржима назарияси билан шуғулланувчиларга мўлжалланган. Шунингдек, журналда олий ўқув юртларининг иқтидорли талабалари, магистрант ва докторантлари ҳам илмий мақолаларини чоп этишлари мумкин. Журналда эълон қилинган мақолалар илмий аҳамиятга эга бўлиб, замонавий филология илмининг долзарб муаммоларини ўзида акс эттиради.

Тақдим этилаётган мақолалар талаблари:

1. Мақолалар ўзбек, инглиз ва рус тилларида минимал 8 саҳифадан иборат, Microsoft Word ва Open Office Writer форматида Times New Roman, 14 кегль, сатрлар оралиги 1,15 см, саҳифалар барча томондан 2см қолдирилган ҳолда бўлиши шарт.
2. Сатр боши - 1,25 см, сатрларни энига тўғирлаш, сўзларни бошқа қаторга кўчириш-автоматик тарзда бўлиши лозим.
3. Биринчи қатор марказдан муаллифнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, 2-чи қаторда муаллифнинг иш жойи, лавозими, илмий даражаси ва унвони, електрон почта манзили ва телефон рақами, 3-чи қаторда саҳифанинг ўртасида бош ва қалин ҳарфлар билан мақоланинг номи. Ушбу маълумотлар албатта ўзбек, инглиз ва рус тилларида киритилиши лозим.
4. Кейинги қатордан 200 сўздан иборат аннотация 3 тилда: ўзбек, инглиз, рус.
5. Кейинги қатордан калит сўзлар 3 тилда.
6. Кейинги қатордан асосий матн бошланади.
7. Мақолалар илмий аҳамиятга эга бўлиб, замонавий филология илмининг долзарб муаммоларини ўзида акс эттириши, улардаги факт ва фикрлар асосланган ҳамда мустақил маъно касб этиши, плагиатдан йироқ бўлиши лозим. Муаллиф ўз фикрларини билдиришда фойдаланилган адабиётларни аниқ кўрсатиши, олинган иқтибосларнинг аниқ манбаларини келтириши лозимдир.
8. Сноска яъни иқтибозлар "web of science" ҳамда "scopus" тизимидаги журналлардан бўлиши лозим. (таҳрир ҳайъати бу борада яқиндан ёрдам беради)
9. Адабиётларнинг тўлиқ рўйхати асосий матндан сўнг алифбо тартибида кўрсатилиши, ўзбек ва рус тилларидаги манбаларнинг қавс ичида инглиз тилидаги таржималари берилиши лозим.
10. Манба ва адабиётга ишора (сылка)лар асосий матн ичида [1.25] кўринишда бўлиши лозим.
11. Мақолаларни електрон нусхада қуйидаги манзилга тақдим қилишингизни сўраймиз.

E-mail: word@tadqiqot.uz
тел: +998919410113

ИСКУССТВО СЛОВА
Международный научно-критический журнал

В журнале публикуются научные статьи посвященные актуальным научным проблемам лингвистики, литературоведения, фольклора, журналистики и перевода. Журнал предназначен для ученых филологов которые занимаются языковедением, литературой, фольклором, журналистикой и теорией перевода. А также, в журнале могут опубликовать свои научные статьи одарённые студенты высших учебных заведений, магистры и докторанты. Опубликованные статьи журнала содержат актуальные проблемы современной филологической науки.

Требования к оформлению научной статьи:

1. Статьи должны содержать 8 страниц, в формате Times New Roman на Microsoft Word и Open Office Writer, 14 pt, между строками 1,5 см, со всех сторон страницы 2 см.
2. Начало абзаца - 1,25 см, выпрямить строки по ширине, перенос слов в другой ряд должен быть в автоматическом порядке.
3. В первой строке от центра Ф.И.О. автора, во второй строке место работы, должность, ученая степень и ученое звание, адрес электронной почты и номер телефона, в третьей строке по центру страницы прописными буквами жирным шрифтом название статьи.
4. В следующей строке аннотация из 200 слов на трех языках: узбекский, английский и русский.
5. Со следующей строки ключевые слова.
6. Далее начинается основной текст.
7. Статьи должны иметь научное значение, отразить актуальные проблемы современной филологической науки, факты и идеи должны быть обоснованными и избежать плагиатства. Автор должен точно указать использованную литературу и ссылку на источники, при помощи которых он выразил свое мнение.
8. Сноски или ссылки должны быть взяты из "web of science", а также системы журналов "scopus" (редакционная коллега поможет по этому поводу)
9. Полный список литературы должен быть указан после основного текста в алфавитном порядке.
10. Сноска на источник и литературу должны быть внутри основного текста в виде [1].
11. Просим отправить статьи в электронной форме по данному адресу.

E-mail: word@tadqiqot.uz
тел: +998919410113

"WORD ART"
International Scientific-Critical Journal

In the journal scientific articles are published on issues of linguistics, literature, folklore, journalism, and translation science. The journal is for philologist scientists who research language, literature, folklore, journalism and theory of translation. In addition, in this international scientific journal doctoral student, masters, graduate students and students in researcher of higher educational institutions may also have published their scientific articles. The articles published in the journal have scientific significance and reflect actual problems of contemporary philology science.

Requirements of the articles submitted:

1. Articles should be at least 8 pages, in Times New Roman, Microsoft Word and Open Office Writer, 14 pt.
2. The line head should be 1.25 cm, line spacing, and the words should be automatically moved.
3. The first and last names of the author in the first line, and the title, position, academic degree and title of the author, e-mail address and telephone number in the second line, the name of the article in bold letters in the third line. This information certainly must be entered in Uzbek, English and Russian.
4. An annotation of 200 words in the next line in three languages.
5. Key words from the next row in three languages.
6. The next line begins with the main text.
7. Articles must be of scientific importance and reflect actual problems of modern philology, facts and opinions in the article should be well-grounded and have an independent meaning, and they must be free of plagiarism. The author must clearly demonstrate the literature used in his or her opinion, and provide the exact sources of the extracts.
8. Quotes should be from "Web of science" and "Scopus" journals.
9. A complete list of publications should be followed in alphabetical order after the main text. English translations of Uzbek and Russian sources should be provided.
10. Seals and references should be in the main text [1].
11. Articles are reviewed by the Organizing Committee and recommended for publication. We kindly ask you to submit the following articles to the following address.

word@tadqiqot.uz
tel: +998919410113

№1 (2018) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-2

МУНДАРИЖА

Адабиётшунослик
1. Мухаммаджон Холбеков
СТРУКТУР АДАБИЁТШУНОСЛИК: ТАДРИЖ ВА ТАЛҚИН..... 4
2. Алмаз Улвий (Биннатова)
МАҚСУД ШАЙХЗОДАНИНГ АДАБИЙ ШАХСИЯТИ ВА МЕРОСИНИНГ АДАБИЙ АЛОҚАЛАРДА ТУТГАН ЎРНИ.....17
3. Абдуҳамид Холмуродов
НАВОИЙ АСАРЛАРИДА ВАТАН МАВЗУСИ ТАЛҚИНИ.....25
4. Конул Ҳажиева
ФУЗУЛИЙ ВА XV АСР ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ.....30
5. Халлиева Гулноз, Юсупов Файзулла
ХОРАЗМ ТУРКИЙ-АДАБИЙ МАНБАЛАРИ ТАЛҚИНИДА ИЖТИМОИЙ-АДАБИЙ СИНКРЕТИЗМ..... 37
6. Лайло Жўраева
АЛИШЕР НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА БАСТАКОРЛИК ИЖОДИЁТИ.....44

Тилшунослик
7. Ҳамид Ёдгоров
АЙРИМ ҚАРИНДОШЛИК ЛЕКСЕМАЛАРИНИНГ ЭТИМОЛОГИЯСИ ХУСУСИДА.....49
8. Мехринигор Ахмедова
ЛИНГВИСТИКАДА КАТЕГОРИАЛ ТАҲЛИЛ МУАММОСИ 53
9. Оқила Туракулова
ДАРС ВА СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИДА КУТУБХОНАЧИ ВА ЎҚУВ ФАНЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ҲАМКОРЛИГИ..... 59
10. Нилуфар Сулайманова
ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРДА МАКОН ДЕЙКСИСИНИ ИФОДАЛОВЧИ СИНТАКТИК БИРЛИКЛАР.....66

Таржимашунослик
11. Комилжон Жураев
ФАЛСАФИЙ ГЕРМЕНЕВТИКА: ИФОДА ВА МАЗМУН БИРЛИКЛАРИ.....74
12. Ғанижон Хошимов
НАСРИЙ ВА НАЗМИЙ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ.....79

Журналистика
13. Лалихон Муҳаммаджонова
НОТИҚЛИК ВА НУТҚ МАДАНИЯТИ - БОШҚАРУВ ЖАРАЁНИДАГИ МУҲИМ ВОСИТА СИФАТИДА.....88

СОДЕРЖАНИЕ

Литературоведение
1. Мухаммаджон Холбеков
СТРУКТУРНОЕ ЛИТЕРАТУРОВЕДЕНИЕ:
ЭВОЛЮЦИЯ И ИНТЕРПРЕТАЦИЯ 4
2. Алмаз Улви (Биннатова)
ЛИТЕРАТУРНАЯ ЛИЧНОСТЬ И ТВОРЧЕСТВО МАКСУДА
ШЕЙХЗАДЕ В СВЕТЕ ЛИТЕРАТУРНЫХ СВЯЗЕЙ.....17
3. Абдухамид Холмуродов
ОБРАЗ РОДИНЫ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ АЛИШЕРА НАВОИ.....25
4. Конул Хажиева
ФУЗУЛИ И АЗЕРБАЙДЖАНСКАЯ ЛИТЕРАТУРА15-го ВЕКА.....30
5. Халлиева Гулноз, Юсупов Файзулла
СОЦИАЛЬНО-ЛИТЕРАТУРНЫЙ СИНКРЕТИЗМ В ИНТЕРПРЕТАЦИИ
ТЮРКСКО-ЛИТЕРАТУРНЫХ ИСТОЧНИКАХ ХОРЕЗМА.....37
6. Лайло Джураева
ТВОРЧЕСТВО БАСТАКОРОВ В ТОЛКОВАНИИ АЛИШЕРА НАВОИ.....44

Языкознание
7. Хамид Ёдгоров
ЭТИМОЛОГИЯ НЕКОТОРЫХ РОДСТВЕННЫХ ЛЕКСЕМОВ.....49
8. Мехринигор Ахмедова
КАТЕГОРИАЛЬНЫЙ АНАЛИЗ В ЛИНГВИСТИКЕ.....53
9. Окила Туракулова
СОТРУДНИЧЕСТВО МЕЖДУ БИБЛИОТЕКАРЯМИ И ПРЕПОДАВАТЕЛЯМИ
В КЛАССЕ И НА ВНЕКЛАССНЫХ ЗАНЯТИЯХ.....59
10. Нилуфар Сулайманова
СИНТАКСИЧЕСКИЕ ЕДИНИЦЫ, ВЫРАЖАЮЩИЕ ДЕЙКСИС МЕСТА В
АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ.....66

Переводоведение
11. Комилжон Жураев
ФИЛОСОФСКАЯ ГЕРМЕНЕВТИКА: ЕДИНИЦА ВЫРАЖЕНИЯ И
СОДЕРЖАНИЯ.....74
12. Ганижон Хошимов
ПРОБЛЕМЫ ПРОЗАИЧЕСКОГО И ПОЭТИЧЕСКОГО ПЕРЕВОДА.....79

Журналистика
13. Лалихон Мухаммаджонова
ОРАТОРСКОЕ ИСКУССТВО И КУЛЬТУРА РЕЧИ КАК ВАЖНОЕ СРЕДСТВО
В ПРОЦЕССЕ УПРАВЛЕНИЯ.....88

CONTENTS

Literature Study
1. Mukhammadjon Kholbekov
STRUCTURAL LITERATURE: EVOLUTION AND INTERPRETATION.....4
2. Almaz Ulvi (Binnatova)
LITERARY PERSONALITY AND HERITAGE OF MAGSUD SHEIKHZADEH IN THE LIGHT OF LITERARY RELATIONS.....17
3. Abduhamid Kholmurodov
INTERPRETATION OF HOMELAND THEME IN ALISHER NAVOI`S WORKS.....25
4. Konul Hajieva
FUZULI AND THE 15th CENTURY AZERBAIJAN LITERATURE.....30
5. Xalliyeva Gulnoz, Yusupov Fayzulla
SOCIO-LITERARY SYNCRETISM IN THE INTERPRETATION OF THE TURKIC-LITERARY SOURCES OF KHOREZM.....37
6. Laylo Djuraeva
CREATIVITY OF COMPOSITION IN THE INTERPRETATION OF ALISHER NAVOI.....44

Linguistics
7. Hamid Yodgorov
ETYMOLOGY OF SOME KINSHIP LEXIES.....49
8. Mexrinigor Ahmedova
CATEGORIAL ANALYSIS IN LINGUISTICS.....53
9. Oqila Turakulova
THE COLLABORATION BETWEEN LIBRARIANS AND TEACHERS IN THE CLASSROOM AND OUT-OF-CLASS SESSIONS.....59
10. Nilufar Sulaymanova
SYNTAXICAL UNITS EXPRESSING DEIXIS OF PLACE IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES.....66

Translation Study
11. Komiljon Juraev
PHILOSOPHICAL HERMENEUTICS: EXPRESSIONS AND CONTENT UNITS.....74
12. Ganijon Khoshimov
PROBLEMS OF PROSE AND VERSE TRANSLATION.....79

Journalism
13. Lalihon Muhammadjonova
ORATORY AND CULTURE OF SPEECH AS AN IMPORTANT MEANS IN THE MANAGEMENT PROCESS.....88

СЎЗ САНЪАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

№2 (2018)

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан
23.03.2018 йилда, № 1175-сонли гувоҳнома билан рўйҳатдан ўтказилган.

Зарегистрировано свидетельством № 1175 от 23.03.2018г.
Агентством печати и информации Республики Узбекистан.

The journal was registered by the certificate № 1175 from 23.03.2018.
The Press and Information Agency of the Republic of Uzbekistan

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6, Mehrigiyo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000